

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ТИЗИМИДАГИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ  
МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
хузуридаги чет тилларни ўқитишнинг  
инновациявий методикаларини ривожлантириш  
Республика илмий-амалий маркази директори  
\_\_\_\_\_ И.М.Тўхтасинов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2015 йил

**“МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИНГ ЛИНГВИСТИК  
АСОСЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: проф., ф.ф.д. З.Худайбергенова

**Тошкент – 2015**

## МУНДАРИЖА

<b>ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>3</b>
<b>МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....</b>	<b>10</b>
<b>1-МАВЗУ. “МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ” ФАНИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ .....</b>	<b>10</b>
<b>2-МАВЗУ. “МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ” ТУШУНЧАСИ. МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИНГ МУАММОЛАРИ .....</b>	<b>16</b>
<b>3-МАВЗУ. МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ .....</b>	<b>34</b>
<b>4-МАВЗУ. МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА ТАРЖИМА .....</b>	<b>40</b>
<b>ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>68</b>

## ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Маълумки, ҳозирги кунда ер куррасида яшаб турган аҳоли 3000 дан ортиқ тилларда сўзлашадилар. Тил одамларнинг бир-бирлари билан муомалада бўлиши учун кўмак берадиган энг муҳим восита ҳисобланади. Бинобарин, инсоният жамиятининг шаклланишида тилнинг роли бекиёсдир. Тилсиз жамият, жамиятсиз тил бўлиши мумкин эмас, тил жамият учун хизмат қилади, шунинг учун у ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

Тил айна чоғда таржима, маданиятлараро муносабатлар воситасидир. Н.И.Жинкин тилга қуйидагича таъриф беради<sup>1</sup>: «Тил маданиятнинг бир қисми, унинг қуролидир, руҳиятимизнинг борлиғи, маданиятнинг юзи. У миллат менталитетининг (ўзига хос хусусиятлари) ифодасидир». К.Леви -Стросс<sup>2</sup> фикрича, тил бир вақтнинг ўзида маданиятнинг бўлаги ва мевасидир, унинг ривожланишига ёрдам берувчи омилдир. Бундан ташқари, тил маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Тил маданиятнинг унсури ва қуролидир. Маданият эса муайян бир жамиятнинг ўз тарихий ривожланиш жараёнида маънавий ва маданий соҳаларда қўлга киритган натижаларининг мазмун ва айна пайтдаги тараққиёт даражаси, кейинги юксалиш истиқболи ҳисобланади. Ҳар бир жамият, миллат, давлат ва элат маънавий маданияти туфайли ўзлигини англаб етади. Ҳар бир миллат ўз тилини, урф-одатини, анъаналарини сақлаб қолиш орқали жаҳон маданияти тарихида ўз ўрнини эгаллашга интилади.

Бир жамият таркибидаги турли маданият вакилларининг ўзаро мулоқот жараёнида бир-бирдан ўрганадиган жиҳатлари мавжуд бўлиб, бу мулоқотни самарали ўтказишга хизмат қилади.

XX асрга келиб турли миллатлар ўртасида содир бўладиган мулоқот фанда «маданиятлараро мулоқот» деб юритила бошланди. Маданиятлараро мулоқот турли маданиятга мансуб кишилар ўртасида содир бўлар экан бу жараёнда коммуникантлар бир-бирларига ахборот етказиб қолмай, шу билан бирга бир-бирларига тарбиявий таъсир ҳам ўтказадилар. Бу жараёнда ишпирок этаётган коммуникантлар ўз маданиятларини солиштириш орқали суҳбатдошининг маданиятидаги ўзларига ўхшаш ва ўхшамайдиган жиҳатларини билиб оладилар. Шу сабабли ҳозирги даврда маданиятлараро мулоқотга ўргатиш тил ўргатиш жараёнининг асосий мақсадига айланди.

В.П.Фурмановнинг фикрича<sup>3</sup>, маданиятлараро мулоқот муомала жараёнида маданиятларнинг яқинлашуви, бир маданият ракурсидан маданиятларни солиштириш, қиёслаш ракурсига ўтишдир. Чунки, бу жараёнда нутқий мулоқот турли маданият ва тилга мансуб кишилар ўртасида содир бўлади. Мулоқот жараёнида улар бир-бирларига, «бегона», «нотаниш» эканликларини ҳис этиб турадилар.

Ушбу дастурда замонавий маданиятлараро мулоқот ва маданиятлараро муносабат муаммоларини лингвистик аспектда тадқиқ этишнинг назарий асослари, маданиятлараро мулоқотнинг кўринишлари, турлари, шакллари, моделлари, таркибий қисмлари дунё манзараси ва дунёнинг лисоний манзараси вербал ва новербал мулоқотни амалга оширишнинг асосий ўзига хос хусусиятларига оид ахборотлар баён этилган.

---

<sup>1</sup> Жинкин Н. И. Язык. Речь. Творчество. — М.: Лабиринт, 1998. — 366 с.

<sup>2</sup> Леви-Стросс К. Структурная антропология = Anthropologie structurale / Пер. с фр. В.В. Иванова. — М., 2001. — 512 с.

<sup>3</sup> Фурманова В. П. Межкультурная коммуникация в теории и практике преподавания иностранных языков в вузе. - Саранск, 2009- - 164 с.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Маданиятлараро мулоқотнинг лингвистик асослари” модулининг мақсади:** замонавий маданиятлараро мулоқот ва маданиятлараро муносабат муаммоларини лингвистик аспектда тадқиқ этишнинг назарий асослари билан таништириш, маданиятлараро мулоқот назарияси, унинг асосий турлари ва категорияларини таҳлил этиш, маданиятлараро мулоқот контекстида дунёнинг лисоний манзарасини англашга ўргатиш.

**“Маданиятлараро мулоқотнинг лингвистик асослари” модулининг вазифалари:**

- мулоқот, тил, маданият, уларнинг ўзаро муносабати ҳақида ахборот бериш;
- маданиятлараро мулоқотнинг кўринишлари, турлари, шакллари, моделлари, таркибий қисмларини ўрганиш;

маданиятлараро мулоқотни тадқиқ этиш усулларини таҳлил этишга ўргатиш;

модуль жараёнида эгалланган билимларни маданиятлараро мулоқотнинг маълум бир вазиятларида қўллаш кўникмаси ва малакасини шакллантириш;

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**“Маданиятлараро мулоқотнинг лингвистик асослари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

### Тингловчи:

- “тил”, “мулоқот” ва “маданият” тушунчалари;
- тил, мулоқот ва маданиятнинг ўзаро алоқаси;
- маданият ва маданият турлари;
- миллатлараро мулоқот ва унинг турлари;
- дунё манзараси ва дунёнинг лисоний манзараси;
- вербал ва новербал мулоқотни амалга оширишнинг асосий ўзига хос хусусиятлари;
- коммуникатив ахлоқ ва коммуникатив ахлоқнинг миллий-маданий спецификаси ҳақида билимларга эга бўлиши;

### Тингловчи:

- ўз касбий фаолият соҳаларида миллатлараро мулоқотнинг ўзига хос жиҳатларини англаши ва амалда қўллаш;

- шарқ тилларидаги вербал ва новербал мулоқот ўрнатишнинг ўзига хос усулларини танлаш;

- шарқ тилларида маданиятлараро мулоқотни амалга оширишда туғиладиган қийинчилик ва тўсиқларни таҳлил қилиш;

- шарқ тилларида маданиятлараро мулоқотни амалга оширишда туғиладиган қийинчилик ва тўсиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўникмаларини эгаллаши;

### Тингловчи:

- тил, маданият, мулоқот, миллатлараро мулоқотнинг ўзига хос хусусиятларини билиш ва амалда қўллаш;

- миллий маданият, миллий дунё манзарасини белгиловчи омилларни билиш, миллий мулоқотда юзага келадиган тўсиқларни ҳал қилиш;

- миллий ва ўзга маданият унсурларини солиштириш, уларнинг лингвистик асосларини аниқлаш;

- миллатлараро мулоқотнинг вербал ва новербал кўринишларини таҳлил этиш;

- миллатлараро мулоқот муаммолари ва ечими бўйича таклифлар бериш;

- миллатлараро мулоқотнинг ўзига хос жиҳатлари ва унинг шахс, маданият

ривожига таъсирини баҳолаш **малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- турли маданиятлараро мулоқотни ўрнатишнинг лингвистик асослари ўқув жараёнини ташкил этиш;
- миллий маданият ва ўзга маданият вакилларининг дунё манзараси, дунёнинг лисоний манзарасини солиштириш;
- миллий маданият ва ўзга маданият спецификаси ҳақида хулосалар бериш;
- миллатлараро мулоқотнинг лингвистик асослари бўйича берилган назарий билимларни амалиётда тўғри қўллаш юзасидан қарорлар қабул қилиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Маданиятлараро мулоқотнинг лингвистик асослари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Миллатлараро мулоқотнинг лингвистик асослари” модули мазмуни ўқув режадаги «Таржима услубияти» ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таржима қилиш, таржимага ўргатиш бўйича касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар инсоннинг мулоқот қилиш муаммолари, аслият ва таржимада тиллараро ва маданиятлараро ўзаро таъсир, мулоқотга ёрдам берувчи омиллар ва тўсиқлар, турли маданият вакиллари мулоқотидаги қийинчиликлар, тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати, инсон онгида акс этган дунёнинг тилда ифодаланиши, тилнинг шахс шаклланишига таъсирини таҳлил этиш, бу масалалар бўйича, хусусан, маданиятлараро мулоқот муаммолари ва уларнинг ечимини аниқлаш ва баҳолаш, тавсиялар беришга доир касбий компетентликка эга бўладилар. .

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				Мустақил таълим
		Хаммаси	Аудитория ўқув юклараси			
			Жами	Назай	Амалий машғулот	
1.	“Маданиятлараро мулоқот” фанининг юзага келиши, шаклланиши ва тараққиёти	4	4	-	4	-
2	“Маданиятлараро мулоқот” тушунчаси. Маданиятлараро мулоқотнинг муаммолари.	6	6	-	6	-
3.	Маданиятлараро мулоқотнинг шакллари, моделлари ва вазифалари	10	8	-	8	2
4.	Маданиятлараро мулоқот ва таржима	10	8	-	8	2
	жами	30	26	-	26	4

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-Мавзу. “Маданиятлараро мулоқот” фанининг юзага келиши, шаклланиши ва тараққиёти (4 соат)

##### Режа

1. Маданиятлараро мулоқотнинг АҚШда юзага келиши.
2. Маданиятлараро мулоқотнинг Европада шаклланиши.
3. Россияда ва Ўзбекистонда маданиятлараро мулоқот.
4. Маданиятлараро мулоқот тараққиётининг замонавий йўналишлари.

“Маданиятлараро мулоқот” фанининг юзага келиши омиллари ва сабаблари. “Маданиятлараро мулоқот” фанининг АҚШ ва Европада шаклланиши босқичлари. тараққиёти. Мулоқот тушунчаси. Коммуникатив билимларнинг фанлараро хусусияти. Фаолият назарияси мулоқот назариясининг методологик асослари сифатида. Инсонлар ва хайвонларда мулоқот. Мулоқот назариясининг объекти, предмети тадқиқот усуллари. Мулоқот назариясининг предмети ва объекти. Мулоқотнинг қонунлари категориялари. Тадқиқот усуллари.

#### 2-Мавзу. “Маданиятлараро мулоқот” тушунчаси. Маданиятлараро мулоқотнинг муаммолари(6 соат)

##### Режа

1. “Маданиятлараро мулоқот” тушунчаси.
2. Маданиятлараро мулоқот таркиби ва тузилмаси.
3. Маданиятлараро мулоқот назариясининг илмий мавқеси.
4. Маданиятлараро мулоқот аспектида концептосфера ва лингвомаданий жамиятнинг лисоний манзараси.

“Маданиятлараро мулоқот” тушунчаси. Маданият феномени. Ўзга маданият муаммоси ва этноцентризм. Маданият ва қадриятлар. Маданият ва ахлоқ. Коммуникатив акт тузилмаси. Э. Холлинг юкори ва қуйи контекстуалли маданият ҳақидаги қарашлари. Г. Хофстед маданий мезонлар назарияси. Э.Хиршнинг маданий саводхонлик назарияси. Маданиятлараро мулоқот аспектида концептосфера ва лингвомаданий жамиятнинг лисоний манзараси. Маданият ва тил. Сепир-Уорф гипотезаси. Концептлар типологияси. Миллий, гендер, ёш концептосфераси. Коммуникатив ахлоқ. Нутқий ахлоқнинг миллий структур спецификаси. Англаш муаммоси. Қабул қилиш жараёни ва унинг асосий детерминантлари. Атрибуция ва унинг маданиятлараро мулоқотдаги роли. Маданиятлараро мунозаралар, уларнинг юзага келиш сабаблари ва усуллари.

### **3-мавзу. Маданиятлараро мулоқотнинг шакллари, моделлари ва вазифалари (8 соат)**

#### **Режа**

1. Маданиятлараро мулоқот даражалари ва кўринишлари.
2. Вербал ва новербал мулоқот: маданиятлараро тафовутлар.
3. Маданиятлар диалогии.

Мулоқотнинг фалсафий модели, Р.О. Якобсоннинг лисоний модели, кибернетик модел. “Код” тушунчаси. Маданий тизимлар ва маданиятлараро вазиятларни тадқиқ этиш усуллари. Маданиятлараро мулоқот даражалари ва кўринишлари. Вербал мулоқотнинг асосий бирликлари. урли тадқиқотчилар изоҳида маданиятлараро мулоқот типологияси. (шахслараро даража мулоқот, кичик гуруҳларда маданиятлараро мулоқот, катта гуруҳларда маданиятлараро мулоқот, маданиятлараро мулоқотнинг миллий даражаси. . Маданиятлараро мулоқот кўринларишларининг турли-туманлиги (вербал мулоқот, новербал мулоқот, паравербал мулоқот, виртуал мулоқот). Маданиятлараро мулоқотнинг асосий бирликлари. Вербал ва новербал мулоқот: маданиятлараро тафовутлар. Вербал мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари. Новербал мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари. Маданиятлар диалогии. Инкультурация ва социализация. Маданиятлараро мулоқотда аккумуляция. Ўзга маданиятни ўзлаштиришда “маданий қарахтлик”. Ўзга маданиятни ўзлаштиришнинг М. Беннет таклиф этган модели. Лисоний шахсият. Иккиламчи лисоний шахсият. Лисоний шахсият феномени. Лисоний шахсиятнинг даражалари. Иккиламчи лисоний шахсият. Таржимон «иккиламчи лисоний шахсият».

### **4-мавзу. Маданиятлараро мулоқот ва таржима (8 соат)**

#### **Режа**

1. Маданиятлараро мулоқотда таржима масалалари.
2. Таржиманинг лингвомаданий аспектлари.
3. Таржиманинг когнитив аспектлари.

Маданиятлараро мулоқотда таржима масалалари. Таржимада лақуналар. Таржиманинг лингвомаданий аспектлари. Лингвомаданий бирликлар ва уларнинг таржимада берилиши. Таржиманинг когнитив аспектлари. Воқеликнинг лисоний тузилмасини қуришда маданий ва когнитив-семантик қонунитлари). Таржима аспектида «моддий объект», «макон», «вақт», «ҳаракат» категорияларини когнитив-семантик ва лисоний жиҳатдан тасаввур этиш усуллари. Муқобилсиз лексика таржимаси. Реалиялар таржимаси.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. - 22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
8. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
9. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” гезатаси 2009 йил 14 февраль.

### II. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони.

### III. Махсус адабиётлар.

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. - М.: Языки русской культуры, 1999. - 896 с.
2. Брудный А.А. Некоторые философские проблемы теории общения: Мат-лы IV Всесоюзного симпозиума по психолингвистике и теории коммуникации. - М., 1977. - С. 3-7.
3. Булыгина Т.В. Шмелев А.Д. Языковая концептуализация (на материале русской грамматики). - М.: Языки русской культуры, 1997.-576 с.
4. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. - М.: Наука, 1990.
5. Гачев Г.Д. Национальные образы мира. - М.: Советский писатель, 1988.
6. Грейдина Н.Л. Основы системной концепции коммуникативно-культурного взаимодействия (теоретико-экспериментальные исследования): Автореф. ... д-ра филол. наук. - Краснодар: Кубан. гос. ун-т, 1999.-32с.
7. Гришаева Л.И., Цурикова Л.В. Введение в теорию межкультурной коммуникации: Учеб. пособие. - М.: Академия, 2006. -336с.
8. Грушевицкая Т.Г., Попков В.Д., Садохин А.П. Основы межкультурной коммуникации: Учеб. для вузов / Под ред. А.П. Са-дохина. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. - 352 с.
9. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. - М.: Гнозис, 2003. - 288 с.
10. Жинкин Н. И. Язык. Речь. Творчество. — М.: Лабиринт, 1998.
11. Леви-Стросс К. Структурная антропология = Anthropologie structurale / Пер. с фр. В.В. Иванова. — М., 2001.
12. Леонтович О.А. Введение в межкультурную коммуникацию. - М.: Гнозис, 2007. - 368 с.
13. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001. -208с.
14. Радченко О.А. Язык как мирозидание. - М.: Едиториал УРСС, 2005.-312 с.
15. Рот Ю., Коптельцева Г. Межкультурная коммуникация. Теория и тренинг. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. - 223 с. Стернин И.А. Русский речевой этикет. - Воронеж: Истоки, 1996.
16. Фурманова В. П. Межкультурная коммуникация в теории и практике преподавания иностранных языков в вузе. - Саранск , 2009. -164 с.

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

### 1-Мавзу. “Маданиятлараро мулоқот” фанининг юзага келиши, шаклланиши ва тараққиёти Режа

1. Маданиятлараро мулоқотнинг АҚШда юзага келиши.
2. Маданиятлараро мулоқотнинг Европада шаклланиши.
3. Россияда ва Ўзбекистонда маданиятлараро мулоқот.
4. Маданиятлараро мулоқот тараққиётининг замонавий йўналишлари.

**Калит сўзлар:** “Маданиятлараро мулоқот” фанининг юзага келиши омиллари ва сабаблари. “Маданиятлараро мулоқот” фанининг АҚШ ва Европада шаклланиши босқичлари. тараққиёти. Мулоқот тушунчаси. Коммуникатив билимларнинг фанлараро хусусияти. Фаолият назарияси мулоқот назариясининг методологик асослари сифатида. Инсонлар ва ҳайвонларда мулоқот. Мулоқот назариясининг объекти, предмети тадқиқот усуллари. Мулоқот назариясининг предмети ва объекти. Мулоқотнинг қонунлари категориялари. Тадқиқот усуллари.

Бугунги кунда ривожланаётган глобаллашув жараёни мамлакатлар ва минтақалар, халқлар ва этник гуруҳлар ўртасидаги сиёсий, ғоявий ва маданий чегараларни “ювиб” ташламоқда. Транспорт ва коммуникациянинг замонавий воситалари, глобал ахборот тизими бўлган интернет инсонларни бир-бирига яқинлаштирди, дунёни шу қадар “торайтирдик”, мамлакатлар, халқлар ва маданиятларнинг ўзаро таъсири муқаррар бўлиб қолди. Бугунги кунда бошқа халқларнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий таъсирга учрамаган бирорта халқни ҳам топиш мушкул бўлса керак. Бу таъсир маданиятлар ютуқларини алмашинуви, давлат институтлари, ижтимоий ҳаракатларнинг бевосита алоқалари, илмий ҳамкорлик, савдо-сотик, туризм қабилар воситасида рўёбга чиқади. Бироқ техника соҳасидаги тараққиёт ва халқаро алоқаларнинг шиддат билан ривожланиб бориши турли маданиятлар ва тарихан шаклланган маданият моделлари вакиллари ўртасидаги коммуникация малакаларидан анча ўзиб кетган. Шу сабабли, 1970 йилларнинг ўрталаридан бошлаб маданиятлар ўртасидаги диалог, ўзаро тушуниш мавзуси долзарблик касб этди, айни мавзуда эса ҳар хил халқлар маданиятларининг ўзига хослиги, тафовутларга эгаллиги муаммоси марказий ўринни эгаллади. Гап шундаки, маданиятларнинг унификациялашувига олиб борувчи глобаллашув жараёни айрим халқларда ўз маданияти мавқесини тан олдириш, ўз маданий қадриятларини сақлаб қолиш хоҳишини юзага келтиради.

Айни боис, кўплаб давлатлар ва халқлар бўлиб ўтаётган маданий ўзгаришларни қатъий қабул қилмаслик, инкор этиш истагини ошқора намойиш этмоқда. Маданий чегараларни очиш, маданият алмашинувини кенгайтириш жараёнларига улар турли шаклдаги таъқиқлар, чекловлар қўйиш, ўз миллий ва маданий хослиги билан фахрланиш ҳаракатлари билан жавоб беришмоқда.

Глобаллашув жараёнига қаршилик кўрсатиш доираси анчагина кенг – бошқа маданиятлар ютуқларини пассив қабул қилмасликдан бошлаб, уларни кенг тарқалишига қарши чиқишгача борилади. Натижада эса кўплаб этник маданиятлар, экстремистик ҳаракатлар, миллатчилик туйғусининг кучайиши, минтақавий фундаментал ҳаракатларининг фаоллашуви юзага келади. Ушбу зиддиятли вазиятда турли алқлар ва маданиятларнинг мулоқоти ҳамда бир-бирини тушуниши муаммосини янада диққат билан тадқиқ этиш, жиддий ўрганиш эҳтиёжи туғилади. Ушбу эҳтиёж янги соҳа ва ўқув фанининг – маданиятлараро мулоқот фанининг юзага келишига сабаб бўлди. Фан сифатида бу соҳа турли маданият вакилларида мулоқот қилиш кўникма ва малакаларини ривожлаништиришни мақсад қилган. Маданиятлараро мулоқот АҚШда сиёсатдонлар ва ишбилармонларнинг амамлиқ манфаатлари сабабли юзага келган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Американинг сиёсати, иқтисоди ва маданияти тахсир доираси кенгайди.

Давлат маъмурлари, ишбилармонлар, чет элларда фаолият кўрсатадиган маданият ходимлари бошқа маданият вакиллари билан мулоқотда кўпинча ўзларини нотавон эканликларини ҳис этишарди. Бу ҳолат кўп вазиятларда низолар, ўзаро совуқчилик тушишига олиб келарди. Ҳаттоки тилни мукаммал билиш ҳам юзага келган муаммоларни баратаф этишга ёрдам беролмасди. Натижада аста-секинлик билан бошқа халқларнинг нафақат тилини, балки уларнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари, хулқини ўрганиш зарурлиги ҳақидаги фикр шаклланди. Бу пайтда АҚШда ривожланаётган мамлакатларга ёрдам дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур доирасидаги алоҳида лойиҳаларда Тинчлик корпуси экспертлари ва фаоллари турли мамлакатларга ташриф буюришда, у ерда англашилмоқчилик, низолар туғилишига сабаб бўлишди, оқибатда бу миссияларнинг кўпинча барбод бўлганлиги кузатилди. Дастурнинг бошқарув ходимлари ҳам, оддий ходимлари ҳам бошқа маданиятлар вакиллари билан амалий масалаларни ҳамкорликда ҳал қилиш учун етарлича тайёрланмаганликларини маълум бўлиб қолди. Тинчлик корпуси фаолларининг кўп сонли муваффақиятсизликлари туфайли у ёки бу малакат маданияти ҳақидаги формал ахборотга эмас, балки маданиятлараро мулоқотнинг амалий кўникмаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган махсус тайёргарлик масаласи кўтарилди. Натижада АҚШ ҳукумати 1946 йилда “Чет элда хизмат қилиш ҳақида АКТ” қабул қилди ва Чет элда хизмат қилиш институтини очди. Бу институтга лингвист Эдвард Холл бошқилик қилди. У институтда ишлашга турли соҳа вакиллари — антропологлар, сотсиологлар, психологлар, тилшуносларни жалб этди. Аммо бошқа маданиятлар вакилларининг юриш-туришини тушун ва тушунтириш хатти-ҳаракатлари кўпроқ билим ва тажрибага эмас, балки ички ҳиссиёт — интуицияга асосланган эди, шунинг учун бу институт ходимларнинг биринчи ишланмалари юқори самарали бўлиб чиқмади. Институт мутахассисларининг асосий хулосаси шундан иборат бўлдики, ҳар бир маданият ўзига хос бўлган ягона, такрорланмас кадрлар, устивор қарашлар, хулқ моделларини шакллантиради, шунинг учун уларнинг тавсифлаш, шарҳлаш ва баҳолаш маданий релятивизм нуқтаи назаридан амалга оширилиши зарур. Айни чоғда, институт ходимлари иш жараёнида кўришдики, ҳукумат хизматидагилар мулоқот маданиятининг назарий масалаларини ўрганишга эътибор қаратишмади, балки бошқа мамлакатда ўзини тутиш бўйича аниқ маслаҳатлар, тавсиялар ва кўрсатмалар олиш истагини билдиришди. Шу боис маданиятлараро мулоқот бўйича дастурлар ва ўқув қўлланмалар кўпроқ бошқа маданият вакиллари билан мулоқот учун амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган эди. Маданиятлараро мулоқотнинг фан сифатида юзага келган вақти Э. Холл ва В. Трагернинг «Маданият коммуникация сифатида» номли китоби нашр бўлган 1954 йил ҳисобланади. Бу китобда муаллифлар илк бор “маданиятлараро мулоқот” атамасини қўллашган. 1959 йилда маданиятлараро мулоқотнинг асосий фарази ва ғоялари Э. Холлнинг «Соқов тил») китобида баён этилган, мазкур асарда муаллиф маданият ва тил ўртасидаги узвий алоқани кўрсатиб берган. Э. Холл таклиф этган маданият ва коммуникация таърифи («коммуникация — бу маданият, маданият — бу коммуникация») АҚШ илмий доираларида қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Муҳокама этилаётган муаммонинг долзарблиги коммуникация, маданият ва тил билан боғлиқ масалаларга бағишланган махсус журналларининг очилишига сабаб бўлди. Ўшанда “маданиятлараро” тушунчаси билан «кроссмаданий», «мултимаданий» тушунчалари юзага келди, ўша даврда бу тушунчалар қатъий чекланмаган, аммо “маданиятлараро” атамаси бошқаларига нисбатан муваффақиятлироқ чиқди. Холл китобида маданият ва коммуникацияларнинг ўртасидаги алоқа ҳақидаги асосий ғоясини таҳлил этар экан, бошқа халқлар билан мулоқот маданиятига ўрганиш зарурлиги ҳақидаги хулосага келди. («агар маданиятни ўрганиш мумкин бўлса, бу маданиятни ўқитиш мумкин ҳам дегани»), яъни олим биринчи бўлиб маданиятлараро мулоқот муаммосини нафақат илмий тадқиқотлар предмети, балки алоҳида мустақил ўқув фани қилиш таклифини илгари сурди. Э. Холлнинг фикрича, маданиятлараро мулоқот муаммоларини ўрганишнинг бош мақсади — турли маданиятлар вакиллари билан

муваффақиятли мулоқоти учун амалий эҳтиёжларини ўрганишдан иборат. У биринчи бўлиб, мулоқотни таҳлил этиладиган фаолият тури сифатида ўргана бошлади, бу эса олимга кейинчалик ўзининг “ўзаро таъсирнинг маданий моделлари” коммуникатив назариясини ривожлантиришга имкон берди.

Э.Холлинг кейинги нашрлари маданиятлараро мулоқот масаласига кўплаб олимлар эътиборини жалб этди. Тез орада маданиятлараро мулоқотнинг бир неча йўналишлари пайдо бўлди. Бу йўналишлардан бирига Клакхон ва Ф. Строббек бошчилик қилди, улар турли халқлар маданиятларини ўрганишнинг ўзига хос методологиясини таклиф этишди. Бу муаллифларнинг фикрларига кўра, маданиятларнинг асосий тафовутларини индивидуал маданиятларнинг қуйидаги концептларга бўлган муносабати орқали белгилаш мумкин: инсон табиати баҳоси, инсоннинг табиатга муносабати, вақт концептига муносабати, фаоллик/ нофаоллик). Бошқа йўналишнинг асосчилари бўлган Л. Самовар ва Р. Портернинг илмий қизиқишлари вербал ва новербал мулоқот масалалари тадқиқи билан боғлиқ бўлган

Олимлар «маданиятлараро мулоқот: ўқувчи» (1994) асарида новербал хулқнинг шарҳи муаммосига эътибор қаратишган, бунда бир халқ маданиятда ижобий таъсир уйғотган новербал рамзлар иккинчи бир халқ маданиятида аксинча негатив туйғуларни ҳосил қилиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олишган. 1960—1970-йиллардаги маданиятлараро мулоқот соҳасининг ривожини тадқиқотнинг янги йўналишлари ва аспекти пайдо бўлишига олиб келди. Бу йўналишлардан бири бегона маданиятга мослашиш ва маданий қарахтлик муаммоси тадқиқи билан шуғуллана бошлади. мослашиш (адаптация) жараёнини тадқиқ этиш уни бир неча босқичларга бўлинишини кўрсатди. Биринчи босқич янги маданий муҳиятдан завқланиш натижасида пайдо бўладиган эйфория билан характерланади. Иккинчи босқичда ўз ва бегона маданиятлардаги кадриятлар ўртасидаги фарқни қабул қилмаслик ҳамда уларга шубҳа билан қараш асосидаги фрустрация юз беради. Адаптация жараёнининг охириги босқичида янгибегона маланий муҳит табиий равишда қабул қилинади ва инсон янги муҳитнинг ижтимоий ва маданий меъёрларига мувофиқ ўзини тута бошлайди.

Маданиятлараро мулоқотнинг ўқув фани сифатида шаклланиши 1960-йилларга тўғри келади, шу йилларда мазкур фан АҚШнинг бир қатор университетларида ўқитила бошланди. Бу ҳолат “маданиятлараро мулоқот” фанининг мазмунини тубдан ўзгартирди. 1970-йилларда тўла амалий бўлган бу фан назарий умумлашмалар билан тўлдирилди, маданиятлараро мулоқотнинг назарий ва амалий асосларини бирлаштирувчи анъанавий университет фанига айланди.

Европа ҳудудида маданиятлараро мулоқотнинг шаклланиши АҚШдан кечроқ ва бутунлай бошқа сабаблар туфайли юз берди. Европа Иттифоқининг шаклланиши инсонлар, капиталлар ва маҳсулотларнинг эркин жой алмашинуви учун кўплаб давлатлар чегарасини очди. Европа мамлакатлари пойтахтлари ва йирик шаҳарлари кўчиб келган бошқа маданият вакилларининг шаҳар ҳаётига фаол иштирок этиши натижасида шиддат билан ўз қиёфасини ўзгартира бошлади. амалиётнинг ўзи турли маданиятлар вакилларининг ўзаро мулоқоти муаммосини кун тартибига қўйди. Ушбу ҳолат соясида олимларнинг маданиятлараро мулоқот муаммосига қизиқиши пайдо бўлди.

Германиядаги маданиятлараро мулоқотнинг замонавий тадқиқотлари деярли 1980 йилларнинг охириларидан бошланади. Зеро, Мюнхен университети профессори К.Ротнинг эътирофича, «шуни қайд этиш керакки, этнография (нафақат Германияда) ҳозирги пайтга қадар маданиятлараро мулоқот масалалари ва ташқилотлардаги маланиятлар алоқалари билан шуғулланмаган»<sup>4</sup>. шу пайтдан бошлаб Германияда чет эллик ишчиларнинг аккультурацияси.ю миграцияси, улар билан немис ишчиларининг ўзаро муносабати

---

<sup>4</sup> Roth K. Interkulturelles Management - ein volkskundliches Problem. Zur interkulturellen Dimension von Wirtschaftsunternehmen// Der industrielle Mensch. Vortrage des 28. Deutschen Volkskundekongress in Hagen/ Hg.: M. Dauskardt, H.Gerndt. Hagen, 1991.

масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширила бошланди. Тадқиқот мақсадларидан келиб чиққан ҳолда турли тадқиқотларда биринчи планга қабул қилиш, ўзини тутиш ва тиллардаги фарқларни ўрганиш чиқди. Айрим тадқиқотчиларнинг қайд этишича, маданиятлараро мулоқотнинг турли аспектиларини ўрганишда герменевтика, когнитив психология, лингвистика, этносемантика ва этнометодологиянинг усулларини татбиқ этиш мумкин<sup>5</sup>.

АҚШ намнуаси сингари баъзи Ғарбий Европа университетлари 1979-1980 йиллар атрофида шу йўналишда тадқиқ олиб боришди ҳамда таълим йўналишларига ушбу фанни киритишди. Шу тарзда маданиятлараро мулоқотни ўқитиш юзасидан Америка тажрибаси асосида фолклористика, этнология ва тилшунослик материалларига асосланиб, ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Рус илмида ва таълим тизимида маданиятлараро мулоқотни ўқитишнинг ташаббускорлари сифатида чет тили ўқитувчилари майдонга чиқишди. Бу касб эгалари биринчи бўлиб, бошқа маданиятлар вакиллари билан самарали мулоқот қилиш учун фақат тил билишнинг ўзигагина етарли эмаслигини англаб етишган. Чет элликлар билан мулоқотнинг турли кўринишдаги амалиётлари кўрсатдики, ҳаттоки тилни ўта мукамал даражада билиш ҳам ушбу тил эгалари билан низо ва англашилмовчилик олдини олишга ёрдам беради. Бугунги кунда аёнки, бошқа маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини билмай туриб, маданиятлараро мулоқот бўйича амалий кўникмаларсиз ўша маданиятлар вакиллари билан муваффақиятли алоқа қилиб бўлмайди. Бир қатор рус олий таълим муассасаларида ўқув режага янги киритилган “Маданиятлараро мулоқот” ўқув фани киритилди, бу фаннинг мақсади кундалик шахслараро мулоқот даражасидаги эффектив маданиятлараро алоқаларга талабаларни тайёрлашдан иборат эди. Бунинг учун чет тилини билишга қўшимча равишда маданият спецификасини, маданиятлараро тушунмовчилик табиатини билиш, ўзини тутишнинг амалий кўникма ва малакарига эга бўлиш зарур эдики, буларнинг барчаси биргаликда бошқа маданиятлар вакиллари бемалол тушуниш имконини бериши зарур эди.

Ҳозирги кунда маданиятлараро мулоқот Россия университетларида ва фанида алоҳида мустқил йўналиш сифатида шаклланимоқда. Бу жараённинг ташаббускори Москва давлат университети чет тиллари факултети хисобланади, сўнгги бир неча йиллар давомида “Маданиятлараро мулоқот” бу университетида ўқитиб келинмоқда, мазкур йўналишнинг турли аспекти бўйича маъруза матнлари, дастурлар ишлаб чиқилмоқда, илмий конференциялар ўтказилмоқда, илмий мақолалар тўплами ҳам нашр этилмоқда. Бу ташаббус Россиянинг яна бир қатор олий таълим муассасаларида қўллаб-қувватланди. Маданиятлараро мулоқотни ўқитишнинг биринчи тажрибаси шуни кўрсатдики, мазкур курсни самарали ўзлаштириш усули маъруза ва амалий машғулотларнинг бирикувидан иборат. Бундай дарсларда талабалар маданиятлараро мулоқотнинг реал вазиятларида юзага келадиган ҳиссиётларни туйиш, ўз хулқини, мулоқот бўйича шерининг ўзини тутишини таҳлил этиш имкониятига эга бўладилар. Аввал қайд этилганидек, Чет элда хизмат институти ходимлари турли соҳалар бўйича мутахассис бўлишган ва ўз ишларида авваломбор соҳаларининг ютуқларига таянишган, натижада маданиятлараро мулоқот эклектик характерга эга бўлган. Бироқ илмий билимнинг турли соҳалари ютуқлари аста-секинлик билан ўз предмети ва услубига эга муставвил соҳага бирлашган. Бунда маданиятлараро мулоқот бўйича илмий тадқиқотларда маданият ва инсон ҳақидаги фанлардан асосан фолклористика ва этнология соҳасидан энг кўп назарий ва методологик билимлар ҳамда амалий тажриба натижаларидан фойдаланилган. Бунинг натижасида маданиятлараро мулоқот соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг икки йўналиши юзага келди.

---

<sup>5</sup> Reuter E., Schorder H, Tittula I. Zur Erforschung von Kulturunterschieden in der internationalen Wirtschaftskommunikation // Interkulturelle Wirtschaftskommunikation /Hg : B.D. Muller. München, 1991.

Фолклористикага асосланган биринчи йўналиш тавсифий характерга эга. Унинг вазифаси маъулм бир маданиятдаги етакчи омилларни ва асосий сабабларни тушунтириш мақсадида инсонлар кундалик хулқини аниқлаш, тавсифлаш ва шарҳлашдан иборат. Маданий-антропологик йўналиш эса ижтимоий гуруҳлар ва жамоаларнинг маданий фаолияти кўринишлари, уларнинг меъёрлари, қонун-қоидалари ва кадриятларини тадқиқ этишга қаратилади. Жамиятнинг ижтимоий дифференциацияси ҳар бир гуруҳда ўзини тутишнинг ўз модели ва қоидаларини яратади. Уларни билиш маданиятлараро тушунмовчилик вазиятларини тезлик билан ва самарали ҳал қилишга ёрдам беради. Бошқа фанларнинг методологик ёндашуви (психология, педагогика, социология, мулоқот назарияси ва бошқалар) ҳар доим предмети нуқтаи назаридан чекланган. Улар одатда маданиятлараро мулоқотнинг аниқ аспектларини кўриб чиқишга қаратилган бўлиб, кўпинча ўз ишларида этнологиянинг назарий ва методологик қарашларига асосланади. Аммо маданиятлараро мулоқотни ўрганишдаги турли методологик ёндашувларга қарамай, олимларнинг кўпчилиги маданиятлараро мулоқот назариясининг асосий мақсадлари қаторида қуйидагиларни эътироф этишади:

- маданиятлараро мулоқотнинг предмети, методологияси ва тушунчавий аппаратини белгилаш;

- маданиятлараро мулоқотнинг бошқа фанлар сирасидаги ўрнини белгилаш;

- маданиятлараро мулоқот иштирокчиларида маданий мойиллик, аниқ бир коммуникатив хулқларни тўғри изоҳлаш ва унга нисбатан толерант муносабатда бўлиш;

- бошқа маданиятлар вакиллари билан мулоқот қилишнинг амалий кўникмалари ва малакаларига ўргатишнинг методологиясини ишлаб чиқиш.

Ғарб олимларининг ишлари билан натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин: қўлланилаётган барча усуллар ва ёндашувлар маданиятлараро мулоқотнинг барча аспектларини қамраб олмайди ва тавсифлаб бермайди. Маданиятлараро мулоқот ёки гуруҳлар даражасидаги ёки индивидуал даражада амалга оширилиши зарур. Гуруҳлар даражасида ўтказилган тадқиқотларнинг кўпчилиги антропологик ва социологик характерга эга. Икки методологик ёндашув бу тадқиқотларга асос бўлган: В.Х. Гудеинаф илгари сурган “маданиятни когнитив тизим сифатида тушуниш” ёндашуви ҳамда бу қарашга зид бўлган “маданият– рамзий тизим” ёндашувни қўллаб-қувватлаган К. Гирц мулоҳазасини ўз ичига олади. когнитив ёндашув тарафдорлари тилшуносликка асосланишади ҳамда мавжуд маданий тизимларнинг “маданий намуналари”, “маданий стандартлари”ни белгилашга ҳаракат қилишида ҳамда ҳар бир маданият учун ўз грамматикасини ишлаб чиқишга уринишади. Бунда “маданий стандарт” деганда «маълум бир маданиятнинг кўпчилик аъзолари томонидан ўзи учун ва бошқалар учун меъёрида, табиий ва зарурий деб эътироф этилган қабул қилиш, мушоҳада юритиш, баҳолаш ва ўзини тутишнинг ҳар қандай усули « тушунилади»<sup>6</sup>. Ушбу маданий стандартлар асосида “ўз” ва “бегона”нинг хулқи белгиланиши ва бошқарилиши керак. Рамзий ёндашув тарафдорлари, аксинча, маданий образлар ва категорияларни ҳамда маданиятни ягона яхлит қоидалар мажмуаси сифатида тан олишади (Г. Хофштеде, Р. Брислин, В. Гудикунст). Бироқ ҳар иккала ёндашув ҳам маданиятлараро мулоқот ҳаида тизимли тасаввур уйғотмайди. Бу ҳақда тўлиқ тасаввур қилиш учун маданиятлараро мулоқотнинг бирламчи назарий ва методологик асосларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Маданиятлараро мулоқотнинг АҚШда юзага келиши сабаби нима бўлган?
2. Маданиятлараро мулоқотнинг Европада шаклланишининг омиллари ва сабабларини изоҳланг.
3. Россияда ва Ўзбекистонда маданиятлараро мулоқот назариясининг тарқалиши

---

<sup>6</sup> Thomas A. Psychologie interkulturellen Lernens imd Handels// Kulturvergleichende Psychologie. Eine Einfführung. Gottingen, 1993.

4. Маданиятлараро мулоқот тараққиётининг замонавий йўналишлари.
5. “Маданиятлараро мулоқот” фанининг АҚШ ва Европада шаклланиши босқичлари. тараққиёти.
6. Коммуникатив билимларнинг фанлараро хусусияти.
7. Фаолият назарияси мулоқот назариясининг методологик асослари сифатида. Мулоқот назариясининг объекти, предмети тадқиқот усуллари.
8. Мулоқот назариясининг предмети ва объекти.
9. Мулоқотнинг қонунлари категориялари. Тадқиқот усуллари.

#### **Адабиётлар:**

17. Грушевицкая Т.Г., Попков В.Д., Садохин А.П. Основы межкультурной коммуникации: Учеб. для вузов / Под ред. А.П. Садохина. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. - 352 с.
18. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. - М.: Гнозис, 2003. - 288 с.
19. Жинкин Н. И. Язык. Речь. Творчество. — М.: Лабиринт, 1998.
20. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001. -208с.
21. Фурманова В. П. Межкультурная коммуникация в теории и практике преподавания иностранных языков в вузе. - Саранск , 2009. -164 с.

## 2-Мавзу. “Маданиятлараро мулоқот” тушунчаси. Маданиятлараро мулоқотнинг муаммолари Режа

1. “Маданиятлараро мулоқот” тушунчаси.
2. Маданиятлараро мулоқот таркиби ва тузилмаси.
3. Маданиятлараро мулоқот назариясининг илмий мавқеси.
4. Маданиятлараро мулоқот аспектида концептосфера ва лингвомаданий жамиятнинг лисоний манзараси
5. Лингвомаданиятшуносликнинг асосий йўналишлари.
6. Лингвомаданиятшунослик мактаблари.
7. Антропоцентрик парадигм.
8. Лингвомаданиятшуносликнинг предмети
9. Лингвомаданиятшуносликнинг мақсади ва вазифалари
10. Лингвомаданиятшуносликнинг методлари
11. Лингвомаданий концепт

**Калит сўзлар:** “Маданиятлараро мулоқот” тушунчаси. Маданият феномени. Ўзга маданият муаммоси ва этноцентризм. Маданият ва қадриятлар. Маданият ва ахлоқ. Коммуникатив акт тузилмаси. Э. Холлинг юқори ва қуйи контекстуалли маданият ҳақидаги қарашлари. Г. Хофстед маданий мезонлар назарияси. Э.Хиршнинг маданий саводхонлик назарияси. Маданиятлараро мулоқот аспектида концептосфера ва лингвомаданий жамиятнинг лисоний манзараси. Маданият ва тил. Сепир-Уорф гипотезаси. Концептлар типологияси. Миллий, гендер, ёш концептосфераси. Коммуникатив ахлоқ. Нутқий ахлоқнинг миллий структур спецификаси. Англаш муаммоси. Қабул қилиш жараёни ва унинг асосий детерминантлари. Атрибуция ва унинг маданиятлараро мулоқотдаги роли. Маданиятлараро мунозаралар, уларнинг юзага келиш сабаблари ва усуллари. Лингвомаданиятшуносликнинг мақсади ва вазифалари. Лингвомаданиятшуносликнинг методлари. Лингвомаданий концепт

Тилшуносликда XX асрнинг охирига келиб “тил маданият билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг ўзи маданиятдан ўсиб чиққан ва уни ифодалайдиган воситадир” деган фараз қабул қилина бошланди. Айни пайтда тил маданиятнинг яратилиш воситаси, ривожланиши, сақланиши (матнлар кўринишида) ва унинг таркибий қисмидир. Чунки тил воситасида маданиятнинг моддий ва маънавий асарлари яратилади. Ана шу ғоя асосида минг йиллар давомида шаклланган лингвомаданиятшунослик фаннинг янги, махсус соҳаси сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келди. Лингвомаданиятшунослик тилшуносликдаги антропоцентрик парадигманинг маҳсули бўлиб, у сўнги ўн йилликлар давомида ривожланиб келмоқда.

В.А.Маслова лингвомаданиятшунослик ривожланишини уч даврга ажратади:

1) фаннинг шаклланишига асос бўлган дастлабки тадқиқотларнинг яратилиши (В. Гумбольдт, Э.Бенвенист, Л.Вайсгербер, А. А. Потенба ва Э. Сепир каби тилшуносларнинг асарлари);

2) лингвомаданиятшуносликнинг алоҳида тадқиқот соҳаси сифатида шаклланиши;

3) лингвомаданиятшуносликнинг фундаментал, мустақил фан сифатида вужудга келиши<sup>7</sup>.

XXI асрнинг бошларига келиб лингвомаданиятшунослик жаҳон тилшунослигидаги етакчи йўналишлардан бирига айланди. Лингвомаданиятшунослик тилда ва дискурда ўз аксини топган ва мустақамланган халқ маданиятини ўрганади. У

---

<sup>7</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С. 28.



биринчи навбатда, муайян маданиятнинг миф, афсона, урф-одат, анъана, удум, таомил, рамзларини ва ҳ.к.ни тадқиқ этади. Мазкур концептлар маданиятга тааллуқли бўлиб, улар тилда маиший ва таомил муомаласи шаклида мустаҳкамланади.

В. Н. Телияга кўра, лингвомаданиятшунослик, аввало, жонли коммуникатив жараёнларни ва уларда қўлланиладиган тил ифодаларининг синхрон ҳаракатдаги халқ менталитети билан алоқасини тадқиқ қилади.

Лингвомаданиятшунослик тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини ташкил қилади. Бинобарин, В.Н. Телия бу ҳақда шундай ёзади: “Лингвомаданиятшунослик инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир. Бу эса шуни билдирадики, лингвомаданиятшунослик маркази маданият феномени бўлган инсон тўғрисидаги антропологик парадигмага хос бўлган ютуқлар мажмуасидир”<sup>8</sup>.

Г.Г.Слишкинга кўра, “Лингвомаданиятшунослик инсон омилига, аниқроғи, инсондаги маданият омилига йўналтирилган. Лингвомаданиятшуносликнинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ходиса эканлигидан далолат беради”<sup>9</sup>.

Н. Алефиренко лингвомаданиятшуносликни қуйидагича тавсифлайди:

- лингвомаданиятшунослик тилшунослик ва маданиятшунослик билан чамбарчас боғланган бўлиб, у синтезловчи хусусиятга эга;

- лингвомаданиятшуносликнинг асосий эътибори тилда изоҳланадиган маданий далилларга қаратилади;

- лингвомаданиятшунослик тилшунослик фанларига киради, шунинг учун унинг тадқиқот натижаларидан она тили ва чет тиллари ўқитиш жараёнида амалий фойдаланиш мумкин;

- лингвомаданиятшунослик тадқиқотларининг асосий йўналишлари: а) лисоний шахс; б) тил маданий кадрларнинг семиотик гавдалантириш тизими ҳисобланади<sup>10</sup>.

#### **Лингвомаданиятшуносликнинг асосий йўналишлари.**

Лингвомаданиятшуносликда бугунги кунга қадар бир қанча йўналишлар шаклланган:

1. Муайян ижтимоий гуруҳлар, халқнинг кўзга кўринган даврдаги маданий муносабатлари лингвомаданиятшунослики, яъни аниқ лингвокультурологик ҳолатларнинг тадқиқ этилиши.

2. Халқнинг муайян даврига тегишли бўлган лингвомаданий ўзгаришларни ўрганадиган диахроник лингвомаданиятшунослик.

3. Ўзаро алоқада бўлган турли халқларнинг лингвомаданий кўринишларини тадқиқ қиладиган киёсий лингвомаданиятшунослик.

4. Ҷоғиштира лингвомаданиятшунослик. У энди ривожланишга бошлаган бўлиб, айрим тадқиқотларда ўз аксини топган. Масалан, М.К. Головановская “Рус тили соҳиби нуқтаи назаридан франсуз менталитети” номли тадқиқотида франсуз менталитети хусусиятларини рус тили ва маданияти соҳибининг нуқтаи назаридан ўрганган. Таҳлил материали сифатида рус ва франсуз тилларидаги тақдир, хавф, омад, жон, виждон, фикр, ғоя ва ҳ.к. мавҳум отлар хизмат қилган.

5. Географик луғатлар (қаранг: Американа. Англо-русский лингвострановедческий словарь / Под ред. Н.В.Чернова. - Смоленск, 1996; Малсева Д. Г. Германия: страна и язык:

---

<sup>8</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. –М.: Школа “Языки русской культуры”, 1996. –С. 222.

<sup>9</sup> Слышкин Г.Г. От текста к символу. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. –М.: Издательский центр «Академия», 2000.

<sup>10</sup> Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. –М.: Флинта, Наука, 2010. –С. 21.

Лингвострановедческий словарь. - М., 1998; Муравлева Н.В. Австрия: Лингвострановедческий словарь. - М., 1997 ва ҳ.к.ни тузиш билан шуғулланадиган лингвомаданий лексикография.

Қайд қилинганлар орасида охириги йўналишнинг фаол ривожланганлигини кўриш мумкин. Масалан, Д. Г. Малсеванинг луғати 25 мавзуй бўлими ўз ичига олади. Уларда Германиянинг географик реалиялари, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, афсоналари, афоризмлари, турли байрам ва маросимлари, диний ақидалари, пул бирлиги, ўлчов бирлиги, саноати, савдоси, фан ва техникаси, санъати, таълими, миллий таомлари, меъморий обидалари, миллий характери ва ҳ.к. ни ифодаладиган тил бирликлари акс этган. Бундай луғатлар асосида тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини атрофлича ўрганиш мумкин.

Лингвокультурологик тадқиқотларда, асосан, қуйидаги масалаларни тадқиқ этилганини кўриш мумкин: 1) муайян нутқий жанрнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Бунда мифлар, халқ оғзаки ижодига хос жанрлар тили ўрганилган; 2) муайян услубда ёзилган асардаги лингвомаданий концептнинг ифодаланиши тадқиқи. Бунда асосан бадиий-наصريй асарлар тили таҳлил этилган; 3) қиёсий йўналишдаги тадқиқотлар. Бунда кўпроқ рус тилидаги бирликлар инглиз, немис, франсуз тиллари билан қиёсланган; 4) лингвомаданиятшуносликнинг педагогика фани билан боғлиқ жиҳатлари. Бунда ижтимоий фанларда ўқувчи ва талабаларга лингвокультурологик бирликларни аниқлаш ва таҳлил этиш мақсад қилиб олинган.

Ўзбек тилшунослигида лингвокультурологик тадқиқотлар охириги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади. Жумладан, З.И.Солиеванинг номзодлик ишида ўзбек ва инглиз тилларидаги центенция, яъни ахлоқий-таълимий характердаги матнларнинг миллий-маданий хусусиятлари ёритилган<sup>11</sup>. Р.С.Ибрагимованинг номзодлик диссертациясида *аёл* концептининг ўзбек ва франсуз тилларида ифодаланиш йўллари тадқиқ этилган<sup>12</sup>. Д. Худойберганованинг “Матннинг антропоцентриқ тадқиқи” номли монографиясининг алоҳида боби ўзбек тилидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган<sup>13</sup>. Шунингдек, профессор Н. Махмудовнинг “Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...” номли мақоласида лингвомаданиятшуносликнинг моҳияти ва бу соҳадаги муаммолар кўрсатиб берилган<sup>14</sup>.

**Лингвомаданиятшунослик мактаблари.** XX асрнинг охирига келиб Москвада тўртта лингвокультурологик мактаб юзага келди:

1. Ю.Ю. Степанов мактабининг мақсади маданиятнинг давомийлигини диахрон нуқтаи назардан тасвирлашдир. Йўналиш турли даврларда яратилган матнлар ёрдамида, яъни тилнинг фаол эгаси эмас, балки ташқи кузатувчиси сифатида иш кўради.

2. Н.Д. Арутюнова мактаби турли халқлар ва даврларга оид матнлардаги умуммаданий терминларни тадқиқ этади. Мазкур маданий терминлар ҳам тилнинг фаол эгаси эмас, балки ташқи кузатувчиси нуқтаи назаридан ўрганилади.

3. В.Н. Телия мактаби Россияда ва хорижда фразеологизмларнинг лингвокультурологик таҳлил қилиш билан танилган. В.Н.Телия ва унинг шогирдлари лисоний моҳиятларни жонли тил эгасининг рефлeksi нуқтаи назаридан тадқиқ қилишади. Яъни бу маданият семантикасини бевосита тил ва маданият субекти орқали эгаллашга

<sup>11</sup> Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Афғорепф. дисс...канд.филол.наук. –Ташкент, 2010. –С.25.

<sup>12</sup> Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида *АЁЛ* концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. фанлар номзоди... дис.авторепф. –Тошкент, 2012.

<sup>13</sup> Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. –Тошкент: Фан, 2013.

<sup>14</sup> Махмудов Н. “Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...”// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012. -№ 5. –Б. 3-16.

қаратилган йўналишдир.

4. В.В. Воробев, В. М. Шаклеин мактаби. Улар Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровларнинг таълимотларини ривожлантиришди.

Шундай қилиб, лингвомаданиятшунослик жонли миллий тилда ва тил жараёнларида намоён бўладиган моддий ва маънавий маданиятни ўрганадиган ижтимоий фандир. У тилни маданиятнинг яратилиш воситаси, ривожланиши, сақланиши ва намоён бўлишидек энг муҳим вазифасини белгилаб беради.

**Антропоцентрик парадигм.** Илмий парадигма (юнонча “мисол, намуна”) фан обектини, унинг муайян даврда ҳоким бўлган назарий тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва шу асосда фаннинг турли бўлимларида ўхшаш бўлган, ўзаро боғланган муайян тадқиқот методикаларининг мажмуидир. Илмий методология ва илмий методлардан фарқли ўларок, аниқ тарихий хусусиятга ва ижтимоий-маданий тарқалиш чегарасига эга. Мазкур термин 1962-йилда америкалик файласуф ва тарихчи Т. Куннинг машҳур “Илмий инқилоблар структураси” («Структура научных революсий» рус тилига 1977-йилда таржима қилинган) асарида муомалага киритилган.

Т. Кунга кўра парадигма ўз тадқиқот фаолиятига ва обектига эга бўлган, мушгарак илмий ва фалсафий ғоялар билан бирлашган у ёки бу илмий ёки фалсафий ҳамжамиятлар томонидан қўлланиладиган ўзига хос методлар ва усуллар йиғиндисидир. Масалан, XIX ва XX асрларнинг парадигмалари қиёсланилганда, XIX асрни тарихийлик, XX асрни эса структурализм белгиси остида кечганлигини кўриш мумкин. Т. Кун парадигмаларнинг бундай ўзгаришини “илмий инқилоб”, деб атайди. Бинобарин, илмий парадигма фалсафа, фан, санъат, адабиёт, ижтимоий ҳаёт ва ҳ.к.нинг етакчи тамойиллари ва методларини бирлаштирган умуммаданий парадигманинг бир қисми ҳисобланади. Масалан, структурализмнинг илмий парадигмаси позитивизмнинг маданий парадигмасига қиради<sup>15</sup>.

Маълумки, лингвистикада (умуман, ижтимоий фанларда) парадигмалар бир-бирини ўзгартирмайди, бироқ бири бошқасини тўлдиради, айна пайтда бири иккинчисига эътибор бермаган ҳолда бирга яшайди. Анъанавий тарзда илмий парадигма уч турга ажратилади: қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик.

Тилшунослиқда илк илмий парадигма қиёсий-тарихий парадигма саналади. Чунончи, қиёсий-тарихий метод тил тадқиқининг дастлабки хусусий методи бўлган.

Систем-структур парадигмада асосий эътибор предметга, нарсага, отга қаратилгани учун сўз диққат марказида бўлган. Ҳозир ҳам тилни систем-структур парадигма доирасида тадқиқ қилиш давом этмоқда. Бу парадигма тарафдорларининг сони ҳам талайгина. Ҳали ҳам мазкур парадигма асосида дарсликлар, академик грамматикалар ёзилмоқда. Шубҳасиз, систем-структур парадигма доирасида амалга оширилган фундаментал тадқиқотлар нафақат ҳозирги, балки келажакда бошқа парадигмалар асосида изланиш олиб борадиган тилшунослар учун ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Антропоцентрик парадигма бу тадқиқотчилар қизиқишларининг объектдан субектга ўзгариши, йўналтирилиши, яъни инсоннинг тилда, тилнинг эса инсонда таҳлил қилинишидир. И. А. Бодуен де Куртене таъбири билан айтганда, “тил фақат тил жамоасини таркиб топтирган индивидуал мияларда, кўнгилларда ва индивидларнинг психикасида мавжуд бўлади”.

Тилнинг антропоцентрик ғояси замонавий тилшуносликнинг асосини ташкил қилади. Бугунги кунда лингвистик таҳлилнинг мақсади, тил тизимларининг турли тавсифини шунчаки аниқлаш билан ҳисоблаша олмайди. Тил кишилиқ жамиятида вужудга келган кўп қиррали ҳодиса: у система ва антисистема, фаолият ҳамда ушбу фаолиятнинг маҳсули, руҳ ва моддият ва ҳ.к. Ю. С. Степанов тилнинг мураккаб

---

<sup>15</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –М., 2001. –С. 6.

мохиятини ёртиш учун уни бир неча образлар кўринишида тақдим этган бўлса-да, улардан ҳеч бири тилнинг барча қирраларини тўлиқ очиб беролмайди: 1) тил *индивиднинг тилидир*; 2) тил - *тил оилалари аъзоси*; 3) тил – *структура*; 4) тил – *тизим*; 5) тил – *тур ва хусусият*; 6) тил – *компьютер*; 7) тил – *фикрлар макони ва “руҳнинг уйи”* (М. Хайдеггер), яъни тил *инсоннинг мураккаб когнитив фаолиятидир*.

XX асрнинг охирига келиб буларга яна бир таъриф қўшилди: тил – *маданият маҳсули*, унинг муҳим таркибий қисми, яшашнинг шарти, маданий кодларнинг шаклланиш омилидир.

Антропоцентрик парадигма нуктаи назаридан инсон дунёни ўзини билиш, ўзининг назарий ва амалий фаолияти орқали танийди. Масалан, ҳеч қандай мавҳум назария нима учун олов ҳисси ҳақида ўйлаганда *севги олови, юрак оташи, илиқ дўстлик* ва ҳ.к. ҳақида гапирилишини изоҳлай олмайди. Барча нарсаларнинг ўз ўлчовида англаш инсонга унинг онгида нарсаларнинг антропоцентрик тартибини ижод қилиш ҳуқуқини беради. Уни маиший эмас, балки илмий даражада тадқиқ қилиш мумкин бўлади. Инсоннинг миясида, онгида мавжуд бўлган бу тартиб унинг маънавиятини, қадриятларини ва хатти-ҳаракати мотивларини белгилайди. Буларнинг барчасини инсон нутқини, хусусан, унинг энг қўп қўллайдиган ифодаларини тадқиқ қилиш орқали тушуниш мумкин.

Тилшуносликда антропоцентрик тилшунослик (ёки антропоцентрик парадигма; неолингвистика) соҳасининг шаклланиши тил эгаси – сўзловчи шахс омилининг тадқиқ этиш билан боғлиқдир. “Тилшуносликда антропоцентрик бурилишнинг юзага келиши шу билан изоҳланадики, тадқиқотчиларнинг диққати “тил қандай қурилган” деган масаладан “тил қай тарзда амал қилади” деган масалага кўчди... Тилнинг қай тарзда амал қилишини тадқиқ этиш учун эса тилни унинг эгаси бўлган шахс омили нуктаи назаридан кўриб чиқиш керак бўлади”<sup>16</sup>.

Замонавий тилшуносликда тил тизимини антропоцентрик нуктаи назардан ўрганиш, асосан, лингвистик семантика, когнитив тилшунослик, психолингвистика, прагмалингвистика ҳамда лингвомаданиятшуносликга оид тадқиқотларда амалга оширилади.

Таниқли ўзбек тилшуноси, проф. Н. Маҳмудовнинг тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилади: “Тилнинг ана шундай обектив хусусиятига мувофиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади. Мутахассислар таниқли рус адиби С.Довлатовнинг “инсон шахсиятининг 90 фоизини тил ташкил қилади” деган ҳикматомуз гапини тилга оладилар. В.А. Маслова таъкидлаганидай, инсон ақлини, инсоннинг ўзидай, тилдан ва нутқ яратиш ҳамда нутқни идрок қилиш қобилятидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди”<sup>17</sup>.

Айрим тилшуносларнинг фикрича, антропоцентрик парадигма ўтган асрда структурализм муваффақиятлари натижаси сифатида юзага келган “ўзида ва ўзи учун” тамойилини бутунлай четга суриб қўйди<sup>18</sup>. Бунда асосий эътибор нутқий фаолият бажарувчиси, яъни нутқ тузувчи ва уни идрок этувчи тил эгасига қаратилди.

Илмий парадигмага “тил эгаси” категориясининг киритилиши тилшуносликда, шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият каби тушунчаларнинг янада фаоллашувини тақозо этади<sup>19</sup>.

<sup>16</sup> Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики // [http://www.NbuV.Cov.ua/portal/Sog-Gum/Is\\_2008-17/dorofeev/pdf](http://www.NbuV.Cov.ua/portal/Sog-Gum/Is_2008-17/dorofeev/pdf).

<sup>17</sup> Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. -№ 5. –Б. 6-7.

<sup>18</sup> Қаранг: Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: Становление антропологической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – 2001. – №1. – С. 64.

<sup>19</sup> Седов К.Ф. Дискурс и личность. –С.5.

Лингвомаданиятшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. Тил, маданият, этноснинг ўзаро муносабати ва алоқаси масаласини ўрганиш фанлараро муаммо ҳисобланади. Мазкур муаммонинг ечимини фалсафа ва социологиядан тортиб, этнолингвистика ва лингвомаданиятшуносликгача бўлган бир неча фанларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билангина ҳал қилиш мумкин. Масалан, лисоний тафаккурнинг этник масалалари билан лингвистик фалсафа, этник, ижтимоий ёки гуруҳлар мулоқотининг ўзига хос лисоний жиҳатлари билан психоллингвистика ва ҳ.к. шуғулланади.

Лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида ХХ асрнинг 90-йилларида вужудга келди. Тадқиқотчиларнинг қайд қилишича, “лингвомаданиятшунослик” (лот. лингуа “тил”; султус “ҳурмат қилиш, таъзим қилиш”; юнон. “илм, фан”) термини В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби (Ю.С.Степанов, А.Д.Арутюнова, В.В.Воробев, В.Шаклеин, В.А.Маслова) томонидан олиб борилган изланишлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган<sup>20</sup>.

*Маданиятшунослик* (маданиятшунослик) инсонни ижтимоий ва маданий ҳаётидаги унинг табиат, жамият, тарих, санъат ва бошқа соҳаларга кўра ўзини ўзи англашини тадқиқ этса, *тилшунослик* тилда олам лисоний манзарасининг ментал моделлар кўринишида акс этадиган ва қайд қилинадиган инсон дунёқарашини ўрганади. Лингвомаданиятшуносликнинг предмети ўзаро чамбарчас алоқада, мулоқотда бўлган тил ва маданият саналади.

Лингвомаданиятшунослик маданиятшунослик ва тилшунослик кесишган нуқтада шаклланган тил тадқиқининг янги соҳасидир. Лингвомаданиятшунослик маданият ва тилнинг ўзаро алоқасини, ўзаро таъсирини, тилда ўз аксини топган халқ маданиятининг кўринишларини тадқиқ этади.

Лингвомаданиятшунослик *этнолингвистика* ва *социоллингвистика* билан чамбарчас алоқададир. Ҳатто В.Н.Телияга кўра, лингвомаданиятшунослик этнолингвистиканинг таркибий қисмидир. Бироқ лингвомаданиятшунослик ҳам, этнолингвистика ҳам ўз моҳиятига кўра алоҳида фанлардир.

*Этнолингвистика* йўналишининг илдизлари Европада В.Гумбольдтдан бошланиб, Америкада Ф.Боас, Э.Сепир ва Б.Уорф; Россияда Д.К.Зеленин, Е.Ф.Карский, А.А.Шахматов, А.А.Потебня, А.Н.Афанасев, А.И.Соболевский ва бошқаларларнинг изланишларига бориб тақалади. В.А.Звегинсев этнолингвистикани тилнинг жамият ижтимоий структураси ёки халқнинг маданияти, анъаналари, урф-одатлари билан алоқасини ўрганадиган йўналиш сифатида тавсифлаган эди. Замонавий этнолингвистиканинг марказида тилнинг лексик тизимидаги фақат муайян моддий ва маданий-тарихий мажмуалар: маданият шакллари, урф-одатлар, удумлар билан ўзаро муносабатдаги элементлари бўлади. Мазкур йўналишни икки алоҳида тармоққа ажратиш мумкин: 1) *этник ҳудудларни тилга кўра реконструк* нуктаи нуктаи *қилиш* (Р.А.Агеева, С.Б.Бернштейн, В.В.Иванов, Т. В. Гамкрелидзе ва ҳ.к.нинг тадқиқотлари); 2) *халқнинг моддий ва маънавий маданиятини тил маълумотларига кўра реконструкция қилиш* (В.В.Иванов, В.Н.Топоров, Т.В.Сивян, Т.М.Судник, Н.И.Толстой ва унинг мактаби).

Кишилиқ маданияти айна эҳтиёжни ҳар хил йўллар воситасида қондиришга йўналган турли этник маданиятлар йиғиндисидан иборатдир. Этник ўзига хосликлар, жумладан, турли вазиятларда кишилар қандай ишлашади, қандай дам олишади, қандай овқатланишади, қандай гаплашишади ва ҳ.к. ҳар жойда намоён бўлади.

Н.И.Толстойга кўра, этнолингвистиканинг мақсади дунё халқларининг фолклор манзараси, стереотипларини очиб беришдир.

*Социоллингвистика* тилшуносликнинг тилни ва унинг мавжуд бўлган ижтимоий шароитлар билан боғлиқлигини ўрганадиган соҳасидир. Ижтимоий шароитлар деганда,

---

<sup>20</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. –М.: Школа “Языки русской культуры”, 1996.

амалдаги тил ривожланаётган ташқи шарт-шароитлар мажмуи: мазкур тилдан фойдаланаётган кишилар жамияти, бу жамиятнинг ижтимоий структураси, тил эгаларининг ёши, ижтимоий мавқеи, маданият ва билим даражаси, яшаш жойи орасидаги фарқлари, шунингдек, уларнинг мулоқот вазиятига боғлиқ нутқий муомаласидаги фарқлар тушунилади. Демак, *социолингвистика* тилнинг жамият ҳаётидаги роли, унинг ижтимоий табиати, ижтимоий функциялари, ижтимоий омилларнинг тилга бўлган таъсир механизми билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган тилшунослик соҳасидир.

Лингвомаданиятшуносликни *лингвомамлакатшунослик*дан ҳам ажратиш лозим. *Лингвомамлакатшунослик* ва *лингвомаданиятшунослик* ўрганиш объектларига кўра биридан фарқ қилади. *Лингвомамлакатшунослик* тилда ўз аксини топган миллий реалияларни ўрганади. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровларга кўра, миллий реалиялар муқобилсиз тил бирликлари бўлиб, улар мазкур маданиятга хос бўлган ходисаларни ифодалайди.

Лингвомаданиятшунослик *этнопсихолингвистика* билан ҳам чамбарчас алоқада бўлади. *Этнопсихолингвистика* нутқий фаолиятда муайян анъаналар билан боғлиқ муомала элементларининг қандай пайдо бўлишини, турли тил эгаларининг вербал ва новербал мулоқотидаги фарқларни ўрганади; нутқий этикет ва “дунёнинг рангли манзараси”ни, турли халқлардаги икки тиллилик ва кўп тиллилик ходисаларини тадқиқ этади. *Этнопсихолингвистиканинг* асосий тадқиқот методи *ассоциатив эксперимент* бўлса, лингвомаданиятшунослик ўрнига кўра тилшунослик ва маданиятшуносликнинг турли методларидан фойдаланади.

Тадқиқотнинг объекти деганда борлиқнинг айрим соҳасидаги ўзаро алоқадаги жараёнлар, ходисалар мажмуи, тадқиқотнинг предмети деганда эса ўзига хос хусусиятга, жараёнга ва мезонларга эга бўлган объектнинг айрим қисми тушунилади. Масалан, барча ижтимоий фанлар учун умумий объект инсон, уларнинг предмети инсоннинг муайян томони ва фаолияти ҳисобланади.

Лингвомаданиятшуносликнинг **обекти** – маданият ва тилнинг ўзаро алоқаси, ўзаро таъсирини бир бутунликда тадқиқ қилишдир. Лингвомаданиятшунослик тилни маданиятнинг феномени, маданиятни ташувчиси сифатида ўрганади. Маданиятни тилдан фойдаланувчи инсон яратади. Лингвомаданиятшуносликнинг объекти лингвистика ва маданиятшунослик, этнография ва психолингвистика сингари қатор фундаментал фанларнинг кесишмасида жойлашади<sup>21</sup>.

Лингвомаданиятшуносликнинг объекти ҳақида баъзи мунозарали фикрлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, В.Н.Телиянинг фикрича, лингвомаданиятшунослик тил ва маданиятнинг фақат синхрон алоқасини ўрганади. В.А.Масловага кўра, бу соҳа тилни ҳам синхрон, ҳам диахрон жихатдан ўрганади. Бундан ташқари, В.Н.Телия лингвомаданиятшунослик объекти умуминсоний характерга эга бўлишини таъкидлаган бўлса, В.А.Маслова муайян халқ ёки қардош халқлар тилининг лингвокультурологик хусусиятлари алоҳида ўрганилиши лозимлигини уқтиради<sup>22</sup>.

### Лингвомаданиятшуносликнинг предмети

Лингвомаданиятшуносликнинг **предмети** – маданиятда рамзий, образли, метафорик маъно касб этган ва натижалари инсон онгида умумлаштирилиб миф, афсона, фолклор ва диний дискурсларда, поетик ва прозаик бадий матнларда, фразеологизмларда, метафораларда ва рамзларда акс этадиган тил бирликлари саналади. Бунда муайян лингвокультурологик birlik бир пайтнинг ўзида бир қанча семиотик тизимларга тегишли бўлиши мумкин: маълум бир одат фразеологизмга, мақолга, маталга

<sup>21</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.35-36.

<sup>22</sup> Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение: учебное пособие. –М.: Флинта, 2011.

айланиши мумкин.

Тадқиқот обектининг вазиятидан келиб чиққан ҳолда, унинг алоҳида лингвокультурологик бирликлардан ташкил топган бир қанча предметларини кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин<sup>23</sup>:

1. *Муқобилсиз лексика ва лақуналар*. Ҳар қандай тил ёки диалектда бошқа тилга бир сўз билан таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар мавжуд бўлади. Бундай сўзларга муқобилсиз лексика дейилади. Муқобилсиз лексика муайян халқ маданиятига хос ҳодисаларни акс эттиради. У кўпинча маҳаллий халққа хос пул, масофа-узунлик бирликлари, рўзғор ашёлари, кийим-кечак, егулик-ичкилик ва ҳ.к. тушунчаларни англатадиган сўзлардан таркиб топади. Муқобилсиз лексика бошқа тилга ўзлаштирилганда уларга экзотик лексика (экзотизмлар) дейилади. Экзотизмлар ва этнографизмлар ўзга маданиятнинг рамзи саналади. Жумладан, *спикер, крикет, шиллинг* – Англия; *яйлов, қишлоқ, ариқ, деҳқон, чўл* – Ўрта Осиё; *сакура, гейша, икебана, саке* – япон маданиятининг белгиларини ассоциациялайди. Ўзбек маданиятининг белгиларини *палов, патир, сумалак, қўрпача, белбоғ (белида белбоғи бор), дўппи (дўпписи осмонда, дўппи тор)* ва ҳ.к. сўзларда кўриш мумкин.

Муқобилсиз лексикани бошқа тилга таржима қилиб бериш ўзини оқламайди. Шунинг учун уни транслитерация йўли билан талқин этиш мақсадга мувофиқдир. “Америка Қўшма Штатлари “доллар”ининг, инглиз “фунт стерлинг”ининг, немис “марка”сию хинд “рупия”сининг, афғон “афғоний”сининг транслитерация қилинмасдан, ўзбек “сўм”и билан алмаштириб қўйилиши, АҚШ “брэнди”си, инглиз “виски”си, немис “шнапсе”сининг рус “водка”си орқали талқин этилиши инглиз бошига “шляпа” ўрнига ўзбек “дўппи”сини, эгнига “палто” ёки “плашч” ўрнига “тўн” ёки “яктак” кийгизиш қўйиш билан барабар”<sup>24</sup>.

Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лақуна ҳодисаси воқеланади. Лақуналар (лот. *ласуна* – бўшлиқ, чуқурлик, чўнқир жой) – матнда бўш қолган, тушиб қолган жой, “тилнинг семантик харитасидаги оқ доғлар”дир<sup>25</sup>. Муқобилсиз лексика сингари лақуналар ҳам тилларнинг қиёсида сезилади. Масалан, инглиз тилида “юрисст, адвокат” маъносини англатган *lawyer* сўзидан бошқа адвокатлик касбининг турли-туманлигини ифодалайдиган *атторней* “вакил”, *барристер* “олий судларда ишгирок этиш ҳуқуқига эга бўлган адвокат”, *солицитор* “мижозларга ва ташкилотларга маслаҳат берувчи; қуйи судларда ишгирок этиш ҳуқуқига эга”, *соунсел* “юрисконсулт”, *соунселлор* “маслаҳатчи”, *адвокате* “олий даражадаги адвокат” (Великобритания, 1978). Ўзбек ва рус тилларида қайд қилинган ифодаларга фақат бир *адвокат* сўзигина муқобил бўлади.

2. *Мифологиялаштирилган тил бирликлари*. Булар архетиплар ва мифологемалар, удумлар ва ривоятлар, таомиллар ва урф-одатлар саналади. Ҳар бир аниқ фразеологизмда бутун боши бир миф эмас, балки мифологема акс этади. *Мифологема* – бу мифнинг “бош қахрамони”, унинг муҳим персонажи ёки вазияти бўлиши ва у мифдан мифга ўтиши мумкин. Мифнинг асосида одатда архетип ётади. *Архетип* – индивидлар онгида пайдо бўладиган ва маданиятда тарқаладиган турғун образ. Архетип тушунчаси К.Г.Юнг томонидан 1919 йилда эълон қилинган «Инстинкт и бессознательное» мақоласида муомалага киритилган. К. Г. Юнгга кўра, барча одамларда туш, мифлар, эртак ва афсоналарда пайдо бўладиган айрим умумий рамзлар – архетипларни ғайриихтиёрий шакллантирадиган туғма қобилият бўлади. Архетипларда шахсий тажриба оқибатида эмас, балки аجدодлардан мерос қилиб олинган «коллектив ғайриихтиёрийлик» ифодаланади. К. Юнг генетик назария доирасида архетипнинг мифология билан

<sup>23</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – С.37.

<sup>24</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Дарслик. –Тошкент: Фан, 2005. – Б. 93.

<sup>25</sup> Степанов Ю.С. Французская стилистика. –М., 1965. –С. 120.

чамбарчас боғлиқлигини белгилайди. Бинобарин, мифология архетипларнинг омборидир<sup>26</sup>.

Ўзбек кундалик турмушида нон муҳим озуқа ҳисобланади. Халқимиз нонни азалдан ҳурмат қилади, ҳамма нарсадан афзал, азиз ва муқаддас билади. Ота-боболардан қолиб келаётган удум, анъанага биноан, ҳатто нонни тескари тишламайдилар, ноннинг устига бошқа нарсаларни қўймайдилар, нонни устидан ҳатлаб ўтмайдилар, агар нон қўлдан ерга тушиб кетса, дарҳол уни олиб, уч марта ўпиб, пешаналарига сурадилар, нон ушқни дастурхон устида кўрсалар бармоқни ҳўллаб, ушқ устига босиб, еб қўядилар. Нонга ҳурмат-еҳтиром билан муносабатда бўлиш болаларга ёшлиқдан ўргатилади, уларга ноннинг ушоғини ердан йиғиб олиш, уни эъзозлаш ва оёқ ости қилмаслик зарурлиги ўқтирилади. Бирон ўзбек йўлга чиқса, албатта, ўзи билан бирга нон олади. Шунга кўра, таркибида нон компоненти иштирок этган нон *емоқ*, *нони бутун*, *нони яримта бўлди*, *нон урсин* сингари фразеологизмларнинг асосида нон архетипи ҳаёт, тирикчилик, ризқ-рўз, тўкин-сочинлик рамзи сифатида келади. *Нон* архетипи, бинобарин, нонни пешана тери билан топилиши, уни ҳалоллаб ейилиши Муқаддас китоблардан бошлаб (“Сен ердан олингансан ва ерга қайтгунингга қадар пешана тери билан нон еб юрасан”). Ибтидо 3. 620б.), ўзбек халқ дostonларида, эртақларида, ривоятларида ва ҳ.к.да ўқтирилган.

3. *Тилнинг паремиологик (мақол ва маталлар) фонди*. Тилнинг паремиологик фондиди халқ дурдоналаридан тузилган ва унинг маданиятидан мустаҳкам ўрин олган жавоҳир сандиғи дейиш мумкин. Маълумки, мақол ва маталлар фолклоршунослиқда жанр матнлари сифатида кенг ўрганилган. Уларни тилшунослиқда, хусусан, лингвомаданиятшунослиқда ўрганиш энди бошланмоқда. Прагматик нуқтаи назардан мақоллар турли мақсадларда, жумладан, айни мақол кесатиш, юпатиш, ўгит бериш, маслаҳат бериш, сабоқ бериш, огоҳлантириш, таҳдид қилиш ва ҳ.к. қўлланиши мумкин. Бироқ ҳар қандай мақол ва матал ҳам лингвокультурологик тадқиқотларнинг предмети бўлавермайди. Бу ўринда фақат муайян халқ ёки этноснинг тарихи, маданияти, турмуши, маънавияти ва ҳ.к. билан чамбарчас боғлиқ бўлган мақол ва маталлар ўрганилиши лозим бўлади. Масалан, Андижонда меҳмон келган хонадонга ҳурмат юзасидан қўшнилар дастурхон чиқазишади. Шунингдек, ўзбек хонадонларида қўшнилар ўртадаги деворнинг бирор еридан тешик очиб қўйишади. Бу тешик орқали бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашади, тансиқ овқат қилганларида бирон идишда шу овқатдан узатишади. *Меҳмон келар эшикдан*, *ризқи келар тешикдан* мақоли ана шу одатнинг таъсири туфайли юзага келган. Баъзан муайян бир тилнинг реалиялари ана шу тилнинг мақолларида ҳам ўз аксини топиб мажозий маъно касб этади. Масалан, *Бош омон бўлса, дўппи топилар* мақолида ўзбек миллий кийим-кечакларининг атрибути бўлган дўппи реалияси иштирок этган. Мазкур мақол: “Киши учун энг зарур нарса, энг катта бойлик – танисоғлик. Соғлиқ бўлса, бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин, аммо ҳеч бир нарса билан соғлиқни топиб бўлмайди” деган маънони ифодалаш учун қўлланилади.

4. *Тилнинг фразеологик фонди* халқ маданияти ва менталитетининг қимматли маълумотлар манбайи саналади. Фразеологизмларда муайян халқнинг мифлари, удумлари, ривоятлари, таомиллари, урф-одатлари, маънавияти, ахлоқи ва ҳ.к. ҳақидаги тасаввурлари мужассамлашган бўлади. Масалан, *кўрпасига қараб оёқ узатмоқ* “имкониятини ҳисобга олиб иш тутмоқ”, *танобини тортмоқ* “фаолият доирасини, имкониятини чеклаб қўймоқ”, *тўйдан илгари ногора қоқмоқ* “рўёбга чиқиши аниқ бўлмаган нарса ҳақида ҳовлиқмалик билан вақтидан олдин гапирмоқ”, *тўнини тескари кийиб олмоқ* “ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ”, *хамир учидан патир* “катта қўп нарсадан бошланғич ва кичик бир қисм”, *хирмон кўтармоқ* “ёкин-тикинни йиғиб, ҳосил меъёрини ҳисоб-китоб қилмоқ”, *Хўжа кўрсинга* “шунчаки номигагина”, *Хизрни йўқласам бўлар экан* “кимнидир кўриш истаги кўқисдан рўёбга чиққанда айтиладиган ибора”. Бирон

<sup>26</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.37.



тилнинг ўзигагина хос бўлган ҳисоб сўзлари қолипнинг фразеологизмларга кўчганини кўриш мумкин. Масалан, “жуда қисқа, жуда оз вақт давом этадиган” маъносидаги *бир тутам* (*Бир тутам* киш куни Гулнор учун битмас-туғамас узоқ кўринди), “қиттак, озгина” маъносидаги *бир чимдим* (Ҳазил-хузул, *бир чимдим* суҳбатдан сўнг Мирҳайдар ва Ўктам пахта даласига йўл олдилар), “жиндак, қиттак, жуда оз” маъносидаги *бир шингил* (Қани, шунақа бемаза ҳазилдан *бир шингил* ашула яхши), “жуда ёш, деярли гўдак” маъносидаги *бир қарич* (*Бир қаричлигимдан* етим қолиб, амакининг хизматида ўтиб кетганман) сингари фразеологизмлар шулар жумласидандир.

5. *Ўхшатишлар, рамзлар, стереотиплар.* Ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун улар нутқда ҳамisha бадиий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўхшатишларнинг икки тури: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фарқланади.

Турли лингвомаданиятларда муайян бир нарсанинг, масалан, ҳайвоннинг турғун ўхшатиш эталони сифатида қўлланишини кузатиш мумкин. Масалан, аксарият тилларда тулки айёрлик, алдоқчилик, ёлғончилик рамзи, эталони сифатида фаол ишлатилади: *тулкидай айёр, хитрий как лиса* (русча), *ас фалсе ас фох* (инглизча), *ёу чором* (корейсча). Ёки ўзбек тилининг ўзига хос ўхшатишлари сифатида *қўйдек ювош, арвоҳдай озгин, молдек овқат ейди* ва ҳ.к. ни кўрсатиш мумкин.

Мазкур ўхшатиш эталонлари миллий дунёқараш, дунёдаги ҳодисаларни миллий тасаввурларга кўра таққослаш, қиёслаш натижасида шаклланган. Эталонлар дунёнинг образли қиёсланишидир. Тилда эталонлар кўпинча турғун қиёсламалар кўринишида мавжуд бўлади, шунга қарамай, инсоннинг дунёни таққослашдаги ҳар қандай тасаввури ҳам эталон бўлиши мумкин.

Хуллас, ўхшатиш эталонлари предметлар, объектлар ва ҳодисаларнинг хусусиятини, сифатини қиёслайдиган моҳиятдир.

*Рамз* тушунчаси қатор фанлар нуқтаи назаридан турлича талқин қилинади: 1) рамз – белги билан ўхшаш тушунча (тилларни сунъий формаллаштиришда); 2) ҳаётни санъат воситасида образли ўрганишнинг ўзига хослигини ифодаловчи универсал категория (эстетика ва санъат фалсафасида); 3) муайян маданий объект (маданиятшуносликда, социологияда ва бошқа ижтимоий фанларда); 4) рамз белги бўлиб, унинг дастлабки мазмунидан бошқа мазмун учун шакл сифатида фойдаланилади (фалсафа, лингвистика, семиотика ва ҳ.к.). Лингвомаданиятшуносликни рамзнинг белгилик жиҳати қизиқтиради. Масалан, турли маданиятларда *каптар* – тинчлик рамзи, насронийликда Муқаддас рух рамзи, *ярим ой* – Ислом рамзи, *Хоч* – насронийлик рамзи саналади. Дарахт, гул, ўсимликлар ҳам рамз сифатида қўлланилади. Жумладан, хризантема Хитойда ўлим, қабристон тушунчаларини ассоциациялайди. Ёки қирққулоқ японлар учун кириб келаётган янги йилда омад тилаш, руслар учун эса ўлим, қабристон белгиси ҳисобланади. Ранглардан ҳам рамз сифатида кенг фойдаланилади. Аксарият халқларда оқ – яхшилик, қора эса – ёвузликни англатса, африкаликлар учун ҳар иккала ранг ҳам нейтрал мазмун касб этади.

*Стереотип* ҳодисаси нафақат тилшуносларнинг ишларида, балки социологлар, этнографлар, когнитологлар, психологлар ва этнопсихоллингвистларнинг ҳам тадқиқотларида ўрганилади. Қайд қилинган фанларнинг ҳар қайси вакили стереотипларнинг хусусиятини ўз соҳасининг тадқиқоти нуқтаи назаридан белгилайди. Шунга кўра, стереотиплар ижтимоий стереотиплар, мулоқот стереотиплари, ментал стереотиплар, маданий стереотиплар, этномаданий стереотиплар ва ҳ.к. га ажратилади. Масалан, ижтимоий стереотиплар шахснинг тафаккури ва муомаласини кўрсатади. Этномаданий стереотиплар бирон бир халққа хос бўлган умумий хусусиятларни ифодалайди. Масалан, немислар тартиблилиги, японлар сермулозаматлиги, турклар хиссиётлилиги, қозоқлар қайсарлиги, ўзбеклар меҳмондўстлиги билан бугун халқ

хақидаги стереотип тасаввурларни юзага чиқарган.

Хуллас, стереотип маданият вакилларининг тафаккури ва тили учун характерли бўлиб, у маданиятнинг вакили ва унинг ўзига хос синчидир. Шунинг учун ҳам стереотип маданиятлараро мулоқотда шахснинг таянчи вазифасини ўтайди.

6. *Метафоралар ва образлар.* Тадқиқотларда метафоралар онгнинг универсалиялари сифатида белгиланган. Замоनावий психологлар дунёни метафоралар асосида кўришни инсоннинг генезиси ва маданияти билан боғлашга ҳаракат қилишади. Бобо тилнинг метафорик хусусиятга эга бўлгани, протокоммуникациянинг эса метафоралар даражасида амалга оширилгани ҳақида тахмин қилинади.

*Образ* – сўз билан маданиятнинг боғлиқлиги ҳақида асосий маълумот берувчи муҳим лисоний моҳият саналади. Образлилик деганда тил бирликларининг борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ҳақида кўриш ва ҳиссий тасаввурларни ҳосил қилиш қобилияти тушунилади.

С. М. Мезениннинг қайд қилишича, образлиликнинг ҳар қандай шакли, ҳоҳ у нутқий, ҳоҳ у лисоний бўлсин ўзининг мантиқий структурасида учта компонентга эга бўлади: 1) референт, тасвирланувчи предметни гносеологик тушунча билан ўзаро алоқадорлиги; 2) агент, яъни тасвирланган предмет; 3) асос, яъни предмет ва унинг тасвиридаги умумий хусусият.

Хуллас, образлилик онгимизда “суратлар”ни гавдалантирадиган қобилиятни ҳосил қиладиган тил бирликларининг реал хусусиятидир.

7. *Тилларнинг стилистик қатлами.* Турли тилларнинг ситилистик қатлами, у ёки бу тилнинг қайси шаклда намоён бўлиши ҳам лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқот предмети саналади. Шундай тиллар бор-ки, уларда кучли диалектик қатлам мавжуд бўлса, бошқаларида диалектик фарқлар деярли сезилмайди. Яна шундай тиллар мавжудки, уларда стилистик дифференциация эндигина бошланган бўлса, бошқаларида аксинча, бу дифференциация чуқур ва кўп қиррали бўлади. Адабий тил ва ноадабий тил шакллари ўртасида ўзаро алоқанинг мавжудлиги жамият маданий тарихининг барча ривожланиш босқичлари, хусусан, унинг ёзувлари, адабиётлари, мактаблари тарихи, унинг дунёқараши, маданий-ғоявий симпатиялари ва ҳ.к. билан белгиланади.

8. *Нутқий муомала*, шунингдек, номинатив, грамматик ва стилистик бирликларда мустаҳкамланган ҳар қандай муомала лингвомаданиятшуносликнинг махсус тадқиқот предмети бўла олади.

А. А. Леонтев шундай ёзган: “Нутқий мулоқотнинг миллий-маданий хусусияти бизнинг тасаввуримизда мазкур миллий-маданий жамоага хос бўлган тузилишдаги фарқлар, мулоқот жараёнларининг функциялари ва усулларига бавосита боғлиқ бўлган омиллар тизимидан ташкил топган бўлади. Ушбу омиллар жараёнга турли даражада “қўшилади”, уларнинг тузилиши ва ўзи фарқли табиатга эга бўлса-да, жараён ичида улар, аввало, лисоний, психоллингвистик ва умумпсихологик омиллар билан ўзаро алоқада бўлади”.<sup>27</sup> А. А. Леонтев мазкур омилларни куйидагиларга ажратган: 1) маданий анъаналар билан боғлиқ омиллар (мулоқотнинг ижозат берилган ва тақиқланган турлари, шунингдек, мулоқотнинг стереотип ҳолатлари); (Мен–Сен –У– грамматика); 2) ижтимоий ҳолат ва мулоқотнинг ижтимоий функциялари билан боғлиқ омиллар (мулоқотнинг функционал тил ости ва этикет шакллари); 3) тор маънодаги этнопсихология, яъни психик жараёнлар воситасида кечадиган хусусиятлар ва турли фаолият турлари билан боғлиқ омиллар; 4) денотациянинг хусусияти билан боғлиқ омиллар; 5) мазкур жамоанинг тил хусусиятлари (стереотиплар, образлар, қиёслаш ва ҳ.к. ) билан аниқланадиган омиллар.

Тадқиқотлар натижасида ҳар қандай маданиятда инсонлар муомаласининг типик ҳолатларда инсон ўзининг ижтимоий ролига (бошлиқ-ходим, эр-хотин, ота-ўғил, ўқитувчи-ўқувчи ва ҳ.к.) мос равишда ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақидаги тасаввурлари билан бошқарилиши аниқланган.

<sup>27</sup> Леонтьев А. А. Психология общения. –Тарту, 1976. - С. 9-10. 46.

9. *Нутқ этикети* – инсонларнинг расмий ва норасмий вазиятлардаги ўзаро мулоқотида уларнинг ижтимоий ва психологик ролига мос равишда амал қилинадиган ижтимоий ва маданий ўзига хос нутқий муомала қодалари. Нутқ этикети – бу “ижтимоий силликланган” худуд, мулоқотнинг миллий-маданий компоненти. Масалан, суд жараёнида судья билан гувоҳнинг мулоқоти бу шахсларнинг суддан ташқаридаги мулоқотига нисбатан ўта расмий тил воситаларининг қўлланиши билан фаркланади.

Хуллас, лингвомаданиятшунослик жонли коммуникатив жараёнларни – халқнинг маданияти ва менталитети, яъни унинг онги, шуури, оммавий анъаналари, урф-одатлари ва ҳ.к. билан боғлиқ тил ифодаларининг қўлланилишини тадқиқ этади.

### **Лингвомаданиятшуносликнинг мақсади ва вазифалари**

Бир-биридан фарқ қиладиган турфа йўналишларнинг мавжуд бўлишига қарамай, замонавий лингвомаданиятшуносликнинг предмети икки хил код бўлган тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирида шаклландиган лисоний белгиларнинг маданий семантикасини ўрганишдан иборат. Чунончи, ҳар бир лисоний шахс айна пайтда маданий шахс ҳамдир. Шунинг учун лисоний белгилар маданият “тили” функциясини бажариш имкониятига эга. Маданият “тили” тил эгасининг маданий-миллий менталлигини лисоний қобилиятда акс этишини ифодалайди. Бу ўринда барча лисоний меъёрларга риоя қилинган ҳолатларда ҳам “маданий тўсиқ”нинг юзага чиқиши таъкидлаш жоиз. А. Вежбицкой ана шундай ҳолатга мисол тариқасида немис оркестрини бошқаришга таклиф қилинган инглиз дирижери билан юз берган ҳодисани келтирган. Ишлар унчалик яхши кетмаган инглиз дирижери инглизча гапиргани учун мусикачилар уни “ўзиники” сифатида қабул қилмаяпти, деб ўйлайди. Шундан кейин у немисча ўргана бошлайди ва ўқитувчисидан “Эшитинглар, менинча, мана бундай чалсақ, яхшироқ бўлади” жумласини немисча қандай айтиш мумкинлигини сўрайди. Ўқитувчи ўйланиб туриб, шундай жавоб қилади: «Албатта, жумлани шундай тузиш мумкин, лекин мана бундай деган яхшироқ: “Мана бундай чалиш керак”»<sup>28</sup>.

Мухтасар қилиб айтганда, маданий тўсиқ нафақат нутқий муомала меъёрларидаги фарқлар, балки мулоқотчилар томонидан киритиладиган турли маънолар билан ҳам боғлиқдир. Бир қарашда бир хил кўринган сўзларнинг маъноларида номуносиблик мавжуд бўлади.

Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, лингвомаданиятшунослик мустақил фан соҳаси сифатида қуйидаги масалаларни ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилади:

- 1) тил концептларини шаклланишида маданият қандай иштирок этади;
  - 2) тил белгиси маъносининг қайси қисмига “маданий маънолар” бириктирилади;
  - 3) бу маънолар сўзловчи ва тингловчи томонидан англашиладилми ва улар нутқ стратегиясига қандай таъсир кўрсатади;
  - 4) ҳақиқатан ҳам тил эгасининг маданий-лисоний қобилияти мавжудми;
  - 5) концептосфера (муайян маданиятнинг асосий концептлари йиғиндиси) ва бир маданият ва кўп маданият эгаси йўналган маданият дискурси қандай бўлади;
  - б) мазкур фаннинг асосий тушунчаларини қандай системалаштирилади, яъни фаннинг асосий тушунчавий-терминологик аппаратини қандай яратилади.
- Методология ва тадқиқот методидан холи бирорта илмий асар мавжуд бўлмайди. Шундай экан, фанда илмий тадқиқот методологияси ва метод тушунчалари марказий ўринни эгаллайди.

*Методология* билиш жараёнига дунёқараш тамойилларини қўллашдир. Методология методларнинг умумий назарияси сифатида инсоннинг билиш фаолиятида қўлланилган методларни умумлаштириш зарурати билан дунёга келди. Диалектик метод

---

<sup>28</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.31.

махсус илмий методларга, яъни турли фанларга оид методларга таъсир килувчи таълимот бўлгани учун уни методология, яъни илмий тадқиқот усули бўлган методлар ҳақидаги таълимот деб юритдилар. Дастлаб методология муаммолари фалсафа доирасида кўрила бошланди.

Фалсафа методологияга тамойиллар ҳамда усулларни назарий ва амалий фаолиятларни ташкил қилиш тизими, шунингдек, мазкур тизимни ўрганадиган илм сифатида қарайди<sup>29</sup>. Методология назариядан фарқли ўлароқ, янги билим бермайди, таълимотдан фарқли ўлароқ, амалиётнинг асоси бўлиб хизмат қилмайди, бироқ фанда шундай унсурларни ривожлантирадики, уларсиз мазкур фаннинг ўзи ривожлана олмайди.

Методология – бу фаннинг ривожланиш таълимоти, таълимот – бу методологиянинг назариядан амалиётга ўтиши. Ҳар қандай фаннинг методологияси (жумладан, лингвомаданиятшуносликнинг ҳам) уч даражани ўз ичига олади:

*Фалсафий методология* – энг олий даража бўлиб, у учун Гераклит, Платон, Кант, Фихте, Шеллинг ва ҳ.к. томонидан шакллантирилган диалектиканинг қонунлари, тамойиллари ва категориялари муҳимдир. Булар қарама-қаршиликнинг бирлиги ва кураши, инкорни инкор этиш қонунлари, умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик ҳамда бошқа категориялардир.

*Умумфан методологияси* – ҳодисаларни ўрганиш методлари ва тамойилларини турли фанлар томонидан ривожлантирилишидир. Улар кузатиш, эксперимент, моделлаштириш ва талқиндан иборат. Умумфан методологияси фанларнинг тараққий этиши билан бирга ўзгариб боради ва натижада янги методлар шаклланади, эски методлар модификация қилинади.

*Хусусий методология* конкрет фанларнинг, бинобарин, лингвомаданиятшуносликнинг ҳам методларидир.

Методология ва метод ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, у ўрганилаётган ҳодисага нисбатан муайян ёндашувни, муайян усуллар мажмуини билдиради. Шунинг учун ҳам метод ҳар доим тизим ҳисобланади. Унинг хусусияти тадқиқотнинг объекти ва предмети билан белгиланади. Ҳар қандай метод умумфалсафий назарияларга бевосита ва билвосита боғлиқ бўлади.

Ҳозирги кунда методология, илмий тадқиқ методологияси маълум бир фанда қўлланиладиган хилма-хил методлар, таҳлил усуллари ҳақидаги таълимот эмас, балки тадқиқотчининг тадқиқ манбайини, объектини қандай тушуниши ва унга қандай ёндашиши, тадқиқотчининг дунёқараши назарда тутади.

### **Лингвомаданиятшуносликнинг методлари**

*Лингвомаданиятшуносликнинг методлари* тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини таҳлил қилишда фойдаланадиган таҳлилий амаллар ва тадбирлар йиғиндисидир. Лингвомаданиятшунослик фаннинг интегратив, яъни маданиятшунослик, тилшунослик, этнолингвистика ва маданий антропология тадқиқотлари натижаларини ўзида мужассамлаштирган соҳаси бўлгани учун ҳам унда “тил ва маданият” маркази атрофида тўпланган қатор билиш методлари ва йўналишлари қўлланилади. Лингвокультурологик таҳлил жараёнларида маданиятшунослик ва тилшунослик методлари танлаб қўлланилади.

Ҳар қандай илмий тадқиқотнинг аниқ методи ўзининг қўлланиш чегарасига эга. Бироқ ўзаро алоқада бўлган тил ва маданият шунчалик кўп қирралики, уларнинг табиати, функциялари ва генезисини бир метод воситасида билиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу соҳада бир-бирини тўлдирувчи қатор методларнинг қўлланилиши ғоят табиийдир<sup>30</sup>.

Лингвомаданиятшуносликда лингвистик, культурологик, социологик (контент-таҳлил, фрейм таҳлил методика), этнографик (тасвирлаш, таснифлаш ва ҳ.к.) методларни

<sup>29</sup> Философский энциклопедический словарь. - М., 1983. - С. 365.

<sup>30</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.34.

қўллаш мумкин. Мазкур методлар турли тамойиллари ва таҳлиллари билан бир-бирини ўзаро тўлдириб, лингвомаданиятшуносликга мураккаб объект бўлган тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиш имконини беради.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатини ўрганиш учун Ж. Лакофф *метафораларни таҳлил қилиш аппаратини* таклиф қилади. Чунончи, метафораларнинг когнитив назарияси нима учун чет тилларидаги баъзи иборалар осон тушунилади, ҳатто улар ўзлаштирилади, бошқаларини эса тушуниш қийин эканлигини изоҳлаб беради. Ушбу метод киёсланилаётган тиллар орасидаги когнитив номувофиқликни аниқлашга ёрдам беради. Бундай фарқлар тасодифий бўлмайди, улар у ёки бу халқ томонидан дунё ходисаларини ўзига хос тарзда тушунилишидан далолат беради.

В. Н. Телия лингвокультурологик тасвир учун маънонинг *макрокомпонент моделини* таклиф қилади. Мазкур модел информациянинг қуйидаги етти блокинни ўз ичига олади: *пресуппозиция, денотация, рационал баҳо, белгининг мотивацион асоси, эмоционал ва эмотив баҳолар* ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, белгини қўллаш шароитлари баҳоси. Ҳар бир блок ментал структураларни қайта ишлаш амалларини кўрсатувчи когнитив оператор томонидан киритилади<sup>31</sup>.

Тадқиқотчилар томонидан лингвокультурологик тасвирда **психосоциокультурологик экспериментдан** кенг фойдаланиш ва **матнларни лингвокультурологик таҳлил қилиш** ҳам тавсия қилинади.

Лингвомаданиятшунослик махсус фан соҳаси сифатида замонавий тилшуносликда бир қанча сермахсул тушунчаларни келтириб чиқарди: лингвокультурема, маданият тили, маданий матн, маданият концепти, субмаданият, лингвомаданий парадигма, маданий универсалия, маданий салоҳият, маданий мерос, маданий анъаналар, маданий жараён, маданий кўрсатмалар ва ҳ.к. Шунингдек, лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчавий аппаратиға менталитет, менталлик, таомил, расм-русумлар, маданият доираси, маданият тури, тамаддун, мажусийлик ва бошқалар киради.

Мазкур тушунчалардан энг муҳимлари маданий сема, маданий фон, маданий концепт ва маданий коннотация бўлиб, улар маданий информациянинг тил бирликлари воситасида кўрсата олади.

Маданий сема – сўзга нисбатан кичикроқ ва универсалроқ бўлган семантик бирликлар, семантик белгилар. Масалан, *палов, дўппи, ўчоқ* сўзларидаги қуйидаги маданий семаларни ажратиш мумкин: *палов* – гуруч, сабзи, гўшт, пиёз ва ёғ солиб тайёрланадиган ўзбек миллий таоми; *дўппи* – авра-астарли, қўпинча қавима, пилта урилган тўғарак ёки тўртбурчак шаклдаги ўзбекларнинг миллий бош кийими; *ўчоқ* – ичига ўт ёкиладиган, овқат пишириш учун устига қозон ўрнатиладиган қурилма.

Маданий фон – ижтимоий ҳаёт ва тарихий ходисаларни ифодалайдиган номинатив бирликларнинг (сўзлар ва фразеологизмларнинг) тавсифи. Масалан, *Даққионусдан қолган / Одам атодан қолган* “жуда эски, қадимги”, *жамалак ўртоқ* “болалиқдаги дугона”, *қизил* (Октябр инқилоби, шўро тузуми, армиясига оидликни билдирадиган сўз сифатида қўлланган).

Юқорида қайд қилинган маданий информациянинг икки тури денотатда мавжуд бўлиб, лингвомамлакатшуносликда яхши ўрганилган.

Маданий концепт – мавҳум тушунчаларнинг номлари бўлгани учун бу ерда маданий информация сигнификатга, яъни тушунча ядросига бириктирилади.

Маданий мерос – маданият учун аҳамиятли бўлган маданий бойликларни, информацияларнинг берилиши.

Маданий анъаналар – ижтимоий ва маданий мероснинг қимматли унсурлари мажмуи.

Маданий жараён – маданият ходисалари тизимиға алоқадор бўлган унсурларнинг ўзаро таъсири.

---

<sup>31</sup> Кўрсатилган асар, 35-бет.

Маданий макон – маданият вакиллари онгидаги маданиятнинг мавжуд бўлиш шакллари. Маданий макон когнитив макон (индивидуал ва жамоавий) билан муносабатда бўлади, чунки у мазкур маданий-миллий жамиятнинг барча вакиллари, барча индивидуал ва жамоавий маконлар мажмуйи билан шаклланади. Масалан, рус маданий макони, инглиз маданий макони ва ҳ.к.

Лингвомаданий парадигма – бу дунёқарашнинг этник, ижтимоий, тарихий, илмий ва ҳ.к. ўзаро алоқадорликдаги категорияларини акс эттирадиган тил шакллариининг мажмуйи. Лингвомаданий парадигма концептларни, категориал сўзларни ва шу кабиларни бирлаштиради. Тил шакллари парадигманинг асоси ҳисобланади.

Маданий анъана – жамиятда тўпланадиган ва қайта тикланадиган ижтимоий стереотиплашган гуруҳлар тажрибасини ифодалайдиган интеграл ҳодиса.

Маданий фонд –у ёки бу маданият вакилининг билимлари мажмуйи, унинг миллий ва жаҳон маданияти соҳасидаги айрим қараши. Бироқ бу шахснинг мулки эмас, балки мазкур маданиятга таллуқли бўлган ўша асосий бирликларнинг мажмуйидир.

Менталлик – миллий характернинг интеллектуал, маънавий ва ирода хусусиятларини ўзида бирлаштирадиган, она тили категориялари ва шаклларидаги дунёқарашнинг кўриниши. Менталликнинг бирлиги мазкур маданиятнинг концепти ҳисобланади. А. Я. Гуревичга кўра, менталлик – дунёни кўриш йўли, у ғоя билан ўхшамайди. Менталлик фалсафий, илмий ёки эстетик тизимлар эмас, у фикр эмоциядан қисмларга ажралмаган жамият тафаккурининг даражаси. Халқ менталлиги тилнинг муҳим концептларида долзарбланиши.

Менталитет – (нем. менталитāt < лот. менс, ментис – ақл, идрок) жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қуввати. Менталитет – халқ менталлигини, унинг ақлий ва руҳий қувватининг ички тузилишини ва дифференциациясини акс эттирадиган категория. Менталитетлар турли масштаблардаги лингвомаданий жамоаларнинг психолингво-интеллектларини намоён қилади. Илмий адабиётларда қайд қилинишича (Ю.Д.Апресян, Е.С.Яковлева, О.А.Корнилов), *менталитет* термини оситида ижтимоий-маданий, лисоний, географик ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган чуқур ақлий тузулиш тушунилади. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.

Маданият тили – мавжуд бўлган ёки қайтадан ҳосил бўлган тасаввурлар, тушунчалар, образлар ва бошқа маъновий конструкциялар тузилишининг белгилар ва уларнинг муносабатлари тизими воситасида шаклланиши.

Субмаданият – иккинчи даражали, тобе маданият тизими (масалан, ёшлар субмаданияти ва ҳ.к.).

Маданий коннотация – маданият категорияларидаги денотатив ёки мажозий-мотивлашган маъно жиҳатларининг талқини. Маданий коннотация тил белгисидаги маданият даражасининг кўрсаткичини ифодалайди. Н. Ю. Шведова рус тилидаги 20 та умумий маъно категориясини ажратиб кўрсатган: жонлилик, ҳаракат, ҳолат, предмет, ўлчов, ўрин, вақт ва ҳ.к. Мазкур категориялар тилнинг маъновий синчини ташкил қилади. Бироқ ҳар бир халқ учун иккиламчи атовда қўшимча кўчма маъно касб этган мажозий-ассосиатив механизмлар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, русларда *ит* (салбий ҳодисалар билан бир қаторда) содиқлик, вафодорлик, оддийликни ассоциациялайди. Жумладан, *собачья верност, собачья преданност, собачья жизнь* каби фразеологик бирликларда мазкур хусусиятлар ўз аксини топган; белорусларда *ит* салбий хусусиятларни ифодалайди: *ушисса у сабачую скуру* (“лаёқатсиз, дангаса одамга айланиш”), *собакам падштити* (“ёмон одам”); ўзбекларда, қирғизларда ва қатор бошқа туркий халқларда *ит* ҳақоратни билдиради. Русларда *чўчка* а) ифлослик, б) нонкўрлик, в) тарбиясизликни; инглизларда *пиг* очофатни, ўзбеклар, қирғизлар, қozoқлар ва бошқа мусулмон халқларида *чўчка* соф диний нуқтаи назардан ўта ҳақоратни ифодалайди;

ветнамларда *чўчка* аҳмоқлик рамзи бўлиб келади.

Шундай қилиб, *ит* ва *чўчка* сўзлари турли халқларда турлича белгиларни коннотациялайди. Бу эса мазкур халқлар дунё манзарасининг шаклланишидаги уларнинг ўзига хос, индивидуал мажозий фикрлашини кўрсатади. Юқоридаги мисоллар ўзига хос кўшимча маънолар – коннотациялар юзага келишининг ҳар бир тил, ҳар бир маданият учун хос эканлигини кўрсатади.

### Лингвомаданий концепт

Рус тилшунослигида *концепт* тушунчаси XX асрнинг биринчи чорагида файласуф С. Асколдов томонидан илмий муомалага киритилади. С. Асколдовнинг қарашича, концептлар воситасида турли миллат вакиллари мулоқотга киришади, шунга кўра, концептларни яратиш ва идрок қилиш икки томонлама коммуникатив жараён ҳисобланади. Лисоний маконда мавжуд бўлган бундай тизим дунё миллий манзарасининг ўзига хослигини белгилайди<sup>32</sup>. XX асрнинг биринчи чорагида концепт ҳақида мулоҳазаларга танқидий ёндашилади. Фақат 80-йилларга келиб, бу терминга эҳтиёж қайта пайдо бўлади. Ю. С. Степанов ўзининг тадқиқотларида ментал шаклланишнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилиб, *концепт* сўзининг этимологиясига мурожаат қилади. *Концепт* лотин тилидаги сонсептус – “тушунча” сўзининг калкасидир. Концепт икки томонли хусусиятга эгадир. Бир томондан, маданият концепт кўринишида инсоннинг ментал дунёсига кирса, бошқа томондан, инсон концепт ёрдамида маданиятга киради ва баъзан унга таъсир кўрсатади. Инсон ўзининг индивидуал, бетакрор маданиятини сақлаган ҳолда, концепт орқали халқларнинг маданиятига, турли миллат вакиллариининг ментал дунёсига мурожаат қилади<sup>33</sup>.

Концептнинг когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, шунингдек, адабиётшунослик фанларидаги изоҳи ўзаро фарқланади<sup>34</sup>. Ушбу термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларига қадар *тушунча* сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса<sup>35</sup>, бугунги кунга келиб унинг изоҳи *тушунча* терминига нисбатан кенгайганини кўриш мумкин. Бинобарин, Н.Ю. Шведова концептни тушунча эканлигини, бу тушунча ортида эса ижтимоий ёки субъектив тарзда анланувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий, ақлий, рухий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий илдизларига эга бўлган, халқнинг умумий тажрибасини акс эттирадиган мазмун туришини таъкидлаган<sup>36</sup>.

Проф. Н. Маҳмудов лингвомаданиятшуносликда концептнинг ўрганилиши хусусида шундай ёзади: “Лингвокультурологик тадқиқотларда айнан концептнинг ифодаланиши муаммоларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, интернет материаллари билан танишганда, масалан, Россиядаги тилшуносликларда бу йўналиш ниҳоятда кенг тарқалганини кўриш мумкин, бу борадаги ишларни санаб, саноғига етиш мушкул. Ҳатто сўнгги йилларда ёқланган номзодлик диссертацияларининг жуда катта қисми айнан у ёки бу тилда концептнинг лингвокультурологик тадқиқига бағишланган”<sup>37</sup>.

Демак, концепт лингвомаданиятшуносликда энг фаол қўлланувчи бирлик саналади. Концепт лингвомаданий бирлик сифатида у ёки бу халқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди. Масалан, *уй* концепти ўзбек кишиларининг тафаккурида

<sup>32</sup> Аскольдов, С. А. Концепт и слово [Текст] / С. А. Аскольдов // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. – М. : Academia, 1997. – С. 267–280.

<sup>33</sup> Степанов, Ю. С. Константы: Словарь русской культуры [Текст] / Ю. С. Степанов. – М. : Академиче-ский проект, 2004.

<sup>34</sup> Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественном литературном языке и в научном языке // Вопросы филологии. – Москва, 2001. – № 1. – С. 35-47.

<sup>35</sup> Демьянков В.З. Кўрсатилга мақола.

<sup>36</sup> Шведова Н.Ю. Избранные работы. – М., 2005. – С.603.

<sup>37</sup> Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллариини излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 9.

қуйидагича ассоциацияланади:

- а) яшаш жойи – бино – кўп қаватли уй – ҳовли – хонадон – оила;
- б) катта, кичик, чиройли, шинам, ёруғ, янги, эски;
- в) меҳрибонлик уйи, дам олиш уйи, маданият уйи.

Кўчма маъноли бирликларни юзага чиқаради: *уй ичи* “оила аъзолари”, *уйи бузилмоқ* “ер-хотиннинг ажралиши”, *уйи қуймоқ* “хонавайрон бўлмоқ”.

Лингвомаданий концепт этномаданий хусусиятга эга бўлган ва борлиқ ҳақидаги функционал аҳамиятга молик информацияни узатадиган маданиятнинг асосий бирлигидир. У маданий универсалияларни ифодалайди. Лингвомаданий концепт тафаккурда мавжуд бўлади, у ўзида когнитив-рационал ва эмоционал-психологик мазмунни бириктиради. Лингвомаданий концепт барча тил эгалари учун дунёқараш модели вазифасини ўтайди. Лингвомаданий концепт миллий характернинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи маданият воситаси ҳисобланади.

Лингвомаданиятшуносликда маданият концептлари алоҳида тадқиқ этилади. Маданиятнинг асосий концептлари жамоавий тил онгида муҳим аҳамият касб этади. Маданиятнинг асосий концептлари деганда мавҳум отлар, хусусан, виждон, тақдир, қисмат, ирода, гуноҳ, қонун, эркинлик, зиёлилар, ватан ва ҳ.к. тушунилади. Маданият концептларини А. Я. Гуревич икки гуруҳга: “фазовий”, фалсафий категориялар, яъни маданиятнинг универсал категориялари (вақт, макон, сабаб, ўзгариш, ҳаракат) ҳамда ижтимоий категориялар, яъни маданият категориялари (эркинлик, ҳуқуқ, ҳақиқат, меҳнат, бойлик, мулк)га ажратади.

В. А. Маслова бунга яна бир гуруҳни – миллий маданият категориясини ҳам илова қилади<sup>38</sup>. Концептларни таҳлил қилиш жараёнида ҳар қандай тилда маданий ўзига хос концептларнинг кўплиги аниқланган. Масалан, *картошка* концепти маданий ўзига хос концептлардан бири ҳисобланади. Картошка руслар учун ночор овқатланиш эталони, буни *сидет на одной картошке* фразеологизми мисолида ҳам кўриш мумкин; белоруслар учун одатий миллий таом, иккинчи нон, муҳим озуқа ҳисобланади. Ёки *нон* концептини олсак, ўзбеклар учун нон муҳим озуқа эталони ҳисобланса, корейс, япон, хитой халқлари учун муҳим озуқа ҳисобланмайди. Улар учун *гуруч* асосий озуқа эталони саналади.

#### Назорат учун саволлар:

1. В.А.Маслова лингвомаданиятшунослик ривожланишини нечта даврга ажратади?
2. Лингвомаданиятшунослик қандай фан?
3. Н. Алефиренко лингвомаданиятшуносликни қандай тавсифлайди?
4. Лингвомаданиятшуносликнинг асосий йўналишларини айтинг.
5. Лингвомаданиятшуносликнинг қайси йўналиши фаол ривожланган?
6. Лингвокультурологик тадқиқотларда асосан қайси масалаларни тадқиқ этилган?
7. Ю. Степанов мактабининг мақсади нимадан иборат?
8. Н.Д. Аругюнова мактаби нималарни тадқиқ этади?
9. В.Н. Телия мактаби қандай тадқиқотлари билан танилган?
10. Илмий парадигмага таъриф беринг.
11. 2. Илмий парадигма қачон ва ким томонидан муомалага киритилган?
12. Тилшуносликда қандай парадигмалар мавжуд?
13. Антропоцентрик парадигманинг бошқа парадигмалардан фарқи нима?
14. Лингвомаданиятшунослик мустақил йўналиши сифатида қачон вужудга келди?
15. Лингвомаданиятшунослик қайси фанлар билан чамбарчас алоқада?
16. Этнолингвистика қандай йўналиш?
17. Социоллингвистика нимани ўрганади?
18. Этнопсихоллингвистика қандай ходисаларни тадқиқ этади?

<sup>38</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.51.



#### **Адабиётлар:**

1. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. - М.: Гнозис, 2003. - 288 с.
2. Жинкин Н. И. Язык. Речь. Творчество. — М.: Лабиринт, 1998.
3. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001. -208с.
4. Фурманова В. П. Межкультурная коммуникация в теории и практике преподавания иностранных языков в вузе. - Саранск , 2009. -164 с.

### 3-мавзу. Маданиятлараро мулоқотнинг шакллари, моделлари ва вазифалари Режа

1. “Маданият” тушунчаси
2. Маданиятшуносликда маданиятнинг ўрганилиши.
3. Маданиятлараро мулоқот даражалари ва кўринишлари.
4. Вербал ва новербал мулоқот: маданиятлараро тафовутлар.
5. Маданиятлар диалоглари.

**Калит сўзлар:** Маданият. Тамаддун. Цивилизация. Маданият ва инсон. Мулоқотнинг фалсафий модели, Р.О. Якобсоннинг лисоний модели, кибернетик модел. “Код” тушунчаси. Маданий тизимлар ва маданиятлараро вазиятларни тадқиқ этиш усуллари. Маданиятлараро мулоқот даражалари ва кўринишлари. Вербал мулоқотнинг асосий бирликлари. Турли тадқиқотчилар изохида маданиятлараро мулоқот типологияси. (шахслараро даража мулоқот, кичик гуруҳларда маданиятлараро мулоқот, катта гуруҳларда маданиятлараро мулоқот, маданиятлараро мулоқотнинг миллий даражаси. Маданиятлараро мулоқот кўринишларининг турли-туманлиги (вербал мулоқот, новербал мулоқот, паравербал мулоқот, виртуал мулоқот). Маданиятлараро мулоқотнинг асосий бирликлари. Вербал ва новербал мулоқот: маданиятлараро тафовутлар.

**“Маданият” тушунчаси .** Маданият лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчаларидан биридир. Шунинг учун маданиятнинг онтологиясини, унинг семиотик ва бошқа хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маданият - жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. “Маданият” тушунчаси муайян тарихий давр (антик маданият), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек маданияти), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (масалан, меҳнат маданияти, бадий маданият, турмуш маданияти)ни изохлаш учун қўлланилади. Тор маънода “маданият” термини кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади.

“Маданият” арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини *бадавий ёки саҳроий турмуш*; иккинчисини *маданий турмуш* деб атаганлар. Бадавийлик – кўчманчи ҳолда дашгу саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик – шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган<sup>39</sup>.

Ўзбек тилида *маданият* сўзи (араб. – цивилизация) қуйидаги маъноларда қўлланилади: 1) жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари; 2) бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки алқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари; 3) ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёилик, маърифат; 4) маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит; 5) кишлоқ хўжалигида (ўсимлик ёки экиннинг турларини) етказиш, ўстириш, етиштириш<sup>40</sup>.

Европада “маданият” дейилганда, дастлаб инсоннинг табиатга кўрсатадиган мақсадга мувофиқ таъсири, шунингдек, инсонга таълим-тарбия бериш тушуниланган (лот. - ерни ишлаш, парваришлаш; тарбия, ривожланиш, ҳурматлаш, эҳтиром; русчадаги “культура” сўзи ҳам шундан олинган).

XVIII асрдан эътиборан *культура* сўзи билан инсоннинг фаолияти, унинг аниқ бир мақсадга йўналган фикрлаши туфайли юзага келган барча нарсалар тушунила бошланган.

<sup>39</sup> O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. 5-jild. -Toshkent: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, 2003. –Б. 372-373.

<sup>40</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 521.

Бироқ мазкур сўз дастлаб “инсонни табиатга таъсири, инсон манфаатлари йўлида табиатни ўзгартириш, яъни ерни ишлаш” маъносида қўлланилган. *Культура* – ижтимоий-гуманитар билишнинг фундаментал тушунчаларидан бири саналади. Мазкур сўз ХВШИИ асрнинг иккинчи ярми (“Маърифат асри”)дан бошлаб илмий термин сифатида истеъмолга кирган<sup>41</sup>. Маданият фақат мавжуд меъёр ва урф-одатларга риоя қилиш қобилиятини ривожлантиришни эмас, балки уларга риоя қилиш истагини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олган.

Демак, маданият биёлогик маҳсулот эмас, балки ижтимоий маҳсулотдир.

**Маданиятшуносликда маданиятнинг ўрганилиши.** 1960-йилларда маданият ҳақидаги мустақил фан сифатида маданиятшунослик (маданиятшунослик) шаклланди. У фалсафа, тарих, антропология, социология, психология, этнология, этнография, тилшунослик, санъатшунослик, семиотика, информатика сингари фанлар кесишган нуқтада вужудга келди. Ҳозирги кунда маданиятшунос олимлар томонидан маданиятни тушуниш ва аниқлашдаги қатор нуқтаи назарлар ажратилган. Улардан айримларини куйида кўриб чиқамиз.

1. *Тасвирий нуқтаи назарда* маданиятнинг алоҳида элементлари - урф-одатлар, фаолиятлар, қадриятлар, идеалларнинг турлари ва ҳ.к. эътибор қаратилади. Мазкур нуқтаи назарга кўра, “маданият бизнинг ҳаётимизни ҳайвонсифат ажодларимизнинг ҳаётдан ажратадиган ютуқлар ва институтлар мажмуи” сифатида белгиланади. У икки мақсадга: инсонларни табиатдан химоя қилиш ва инсонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишга хизмат қилади (З. Фрейд). Маданиятнинг пайдо бўлиши хусусидаги рўйхатнинг тўлиқ берилмагани мазкур нуқтаи назарнинг камчилиги ҳисобланади.

2. *Қадрият нуқтаи назарида* маданият инсонлар томонидан яратилган маънавий ва моддий бойликларнинг мажмуи сифатида талқин қилинади. Обект қимматга эга бўлиши учун инсон унда қадри хусусиятлар мавжудлигини англаши керак. Обектлар қимматлилигини белгилаш қобилияти инсон онгида қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлади. Бироқ тасаввур ҳам муҳим ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида яратиладиган мукамал намуналар ва идеаллар мавжуд обектлар билан киёсланади. М. Хайдеггер (М. Вебер, Г.Франсев, Н.Чавчавадзе)га кўра, маданият юксак қадриятларни инсон қадр-қимматини маданийлашув йўли билан амалга ошишидир. Ушбу нуқтаи назарнинг камчилиги унда маданият тушунчасининг торайтирилишидир. Чунончи, унга инсоннинг турли фаолиятлари эмас, балки фақат қадриятларгина киритилади.

3. *Фаолият нуқтаи назарида* маданиятга фаолиятнинг алоҳида тури, яъни инсон эҳтиёжларини қондиришга хос бўлган усул сифатида қаралади.

4. *Функционистик нуқтаи назарда* маданият жамиятдаги информатив, мослашув, коммуникатив, норматив, баҳолаш, интегратив, ижтимоийлашув ва бошқа функциялар воситасида тавсифланади.

5. *Герменевтик нуқтаи назарда* маданиятга кўплаб матнларга қаралгандек муносабатда бўлинади. Улар учун маданият – матнлар мажмуи, аниқроғи, матнлар мажмуини яратувчи механизм саналади (Ю.М.Лотман). Матнлар – маданиятнинг жони ва қони. Бу нуқтаи назарнинг камчилиги матнни бир хил тушуниб бўлмасликдир.

6. *Меъёрий нуқтаи назарда* маданиятга инсонлар ҳаётини белгиловчи, дастурловчи меъёрлар ва қоидалар йиғиндиси сифатида қаралади (В. Н. Сагатовский).

7. *Маънавий нуқтаи назар* тарафдорлари маданиятни жамиятнинг маънавий ҳаёти, маънавий ижоднинг ғоялари ва маҳсулотлари сифатида изоҳлашади. Жамиятнинг маънавий ҳаёти маданиятдир (Л. Кертман). Мазкур нуқтаи назарнинг камчилиги унда маданият тушунчасининг торайтирилишидир. Бу ўринда моддий маданиятнинг ҳам мавжудлигини унутмаслик керак.

---

<sup>41</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –М., 2001. –С.12.

8. *Диалогик нуқтаи назар*да маданият – “маданият диалоги” (В. Библер) субъектларнинг мулоқот қилиш шакли сифатида талқин қилинади. Муайян халқлар, миллатлар тарафидан яратилган этник ва миллий маданиятлар ажратилади. Миллий маданиятлар ҳам ўз навбатида субмаданиятларга, яъни ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг маданиятларига бўлинади. Шунингдек, турли халқларни бирлаштирадиган, масалан, христианларнинг маданияти сингари метамаданият ҳам мавжуд. Мазкур маданиятларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро мулоқотга киришади. Миллий маданият қанчалик кўп ривожланган бўлса, у бошқа маданиятлар билан шунчалик кўп алоқага киришади.

9. *Информацион нуқтаи назар*да маданият хабарни яратиш, сақлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш ҳамда жамият томонидан қўлланиладиган белгилар тизими сифатида тасаввур қилинади. (Ю.М.Лотман). Уни машина тили, хотира ва информацияни қайта ишлаш дастури билан таъминланган компьютерга ўхшатиш мумкин. Маданиятда ҳам ижтимоий хотира ва инсон муомаласининг дастури бўлган тиллар мавжуд. Хуллас, маданият жамиятни информация билан таъминлаш бўлиб, у белгилар тизими ёрдамида жамиятда йиғиладиган ижтимоий информациядир.

10. *Рамзий нуқтаи назар* ўзининг эътиборини маданиятда рамзларнинг қўлланилишига қаратади. Маданият – “рамзий борлиқ” (Ю.М.Лотман). Унинг баъзи унсурлари махсус этник маъно касб этади, халқларнинг рамзига айланади: *нон, чой, палов* ўзбеклар учун; *шчи, каша, самовар, сарафан* руслар учун; *гуручли пирог* корейлар учун; *спагетти* италянлар учун; *пиво* ва *колбаса* немислар учун ва х.к.

Юқорида кўриб чиқилган нуқтаи назарларнинг барчаси рационал мазмунга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири “маданият”га хос бўлган қайсидир хусусиятларни ифодалаган. Бироқ улардан қайси бири кўпроқ аҳамиятли? Бу ўринда тадқиқотчининг нуқтаи назари, яъни унинг маданиятни қандай тушуниши муҳим рол ўйнайди.

Маданиятга меҳнат фаолиятининг усуллари, ахлоқ-одоб, урф-одатлар, расм-русумлар, мулоқот хусусиятлари, дунёни кўриш, тушуниш ва яратиш усуллари киради. Масалан, дарахтда осилиб турган барг табиатнинг бир қисми, гербарийдаги барг эса маданиятнинг бир қисми; йўл устида ётган тошнинг ўзи маданият эмас, бироқ у аждодларимизнинг қабрларига қўйилганда маданиятга айланади. Шундай қилиб, маданият муайян халққа хос бўлган борлиқдаги ҳаёт ва фаолият, шунингдек, инсонлар орасидаги ўзаро муносабат (урф-одатлар, расм-русумлар, мулоқот хусусиятлари) ва дунёни кўриш, тушуниш ва яратиш усуллари дир.

“Маданият” тушунчасини белгилашнинг қийинлиги унинг муҳим хусусиятлари бўлган мураккаблиги ва кўпқирралигидан ташқари, унинг қарама-қаршилик (антиномия) хусусияти билан ҳам тавсифланади. Маданиятда антиномия деганда икки қарама-қаршиликнинг бирлиги, лекин бир хилда яхши асосланган ҳукм тушунилади. Масалан, маданиятда иштирок этиш шахснинг ижтимоийлашувида ёрдам беради, айни пайтда унинг индивидуаллашувига замин яратади, яъни шахснинг ноёб қобилиятларининг очилишига ва тан олинисига ёрдам беради. Сўнгра маданият маълум даражада жамиятга боғлиқ бўлмайди, аммо у жамият ташқарисида мавжуд эмас, у фақат жамиятда яратилади. Умуман олганда, маданият кишининг фазилатларини оширади, жамиятга ижобий таъсир қилади. Бироқ айрим ҳолларда у салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Маданият анъаналарни сақлаш жараёни сифатида мавжуд бўлиши билан бирга, у янги шаклларнинг вужудга келиши ва ўзгаришлар таъсирида бу анъаналарни бузиши ҳам мумкин<sup>42</sup>.

Маданият таҳлилининг мураккаблашувига бу тушунчага берилган таърифларнинг турли-туманлиги билан бирга, аксарият тадқиқотчиларнинг (маданиятшунос, антрополог, файласуф, этнограф ва х.к.) унга қайта-қайта мурожаат қилишлари, мазкур моҳият ҳақидаги қарашларини ўзгартиришлари ҳам сабаб бўлади. Бинобарин, юқорида келтирилган таърифлардан ташқари Ю.М.Лотман маданиятни шундай изоҳлайди:

---

<sup>42</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –М., 2001. –С. 12-16.

“маданият – мураккаб семиотик тизим, унинг функцияси – хотира, унинг асосий хусусияти – билимларнинг тўпланиши”<sup>43</sup>. “Маданият бир пайтда яшовчи ва муайян ижтимоий ташкилотлар билан боғланган қандайдир жамоа, гуруҳлар учун умумий бўлган бир нарса. Маданият кишилар ўртасидаги мулоқот шаклидир”<sup>44</sup>.

Маданиятга турфа қарашлар нуқтаи назаридан ўрганиш ҳар доим фарқли натижаларга олиб келади: психологик фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш ўзига хос натижа беради, социологик нуқтаи назардан ёндашиш бошқа бир натижани беради. Маданиятнинг турли қирраларини чегаралаш билангина бу ходиса ҳақида у ёки бу тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, маданиятни шундай белгилаш мумкин: маданият – меъёрлар, кадриятлар, идеаллар, намуналарнинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари тизимида асосланган субектлар фаолиятининг барча шакллари мажмуи, у бошқа маданиятлар билан ўзаро алоқада яшайдиган жамоанинг мерос қилиб олган хотираси. Маданият меъёри ирсий мерос қилиб олинмайди, балки ўрганиш орқали ўзлаштириб борилади. Шунинг учун миллий маданиятни эгаллаш катта ақлий ва иродавий куч талаб қилади.

**Маданият ва инсон.** Маданият инсон фаолиятидан ва жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Айнан инсоннинг фаолияти борлиқнинг янги тўртинчи шакли бўлган маданиятни вужудга келтирди (М. С. Каган).

Маълумки, борлиқнинг учта шакли: “табиат – жамият – инсон” мавжуд. Маданият – *инсон фаолиятлари дунёси*, яъни *артефактлар дунёси* (лот. арте – сунъий ва фастус – яратилган), у инсоннинг жамият қонунларига кўра табиатни ўзгартиришидир. А.Я.Гуревич ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ушбу сунъий муҳит баъзан “иккинчи табиат”, деб номланади.

Таниқли файласуф М. Хайдеггернинг ёзишича: “...инсоннинг фаолияти маданият сифатида тушунилади ва уни ташкил этади. Маданият юксак кадриятларни инсон кадр-қиммати маданиятлашув йўли билан амалга оширишидир”<sup>45</sup>.

Бироқ маданият *артефактларларнинг шунчаки йиғиндисиди*, яъни инсон қўли билан яратилган моддият бўлмай, балки инсон ўз фаолиятининг маҳсулига ва фаолиятига қўшадиган *фикрлар дунёсидир*. Янги фикрларни яратишнинг ўзи маънавий маданият (санъат, дин, илм)даги фаолиятнинг фикрига айланади. Фикрлар дунёси чексиз бўлиб, у инсон фикрлари маҳсулотларининг дунёси, инсон ақлининг салтанатидир. Модомики, маданият инсон фаолиятига боғлиқ экан, унинг тузилиши инсон фаолиятининг тузилиши билан аниқланиши лозим.

Инсоният биологик жихатдан бир турга мансуб, лекин ижтимоий жамоа сифатида бир тур бўлолмайди. Инсонларнинг турли ҳамжамиятлари ўзига хос ҳаёт фаолияти усуллари ва шакллари ишлаб чиққан, бир-биридан фарқ қиладиган табиий ва тарихий шароитларда яшайди. Ҳамжамиятларнинг ўзаро таъсири жараёнида мазкур усул ва шакллар бир-биридан ўзлаштирилади. Масалан, балет қаердан келган? Франциядан. Ёки театр қаердан келган? Ғарбдан.

Маданиятлар “умумий” бўлмайди, ҳар қандай маданият муайян ҳамжамият, халқнинг ижтимоий амалиётидаги ўзига хос усуллари бирлаштирилади. Масалан, ўзбек маданияти узоқ йиллик тарихга эга бўлишига қарамай, у Ўрта Осиё маданиятига айланмаган.

---

<sup>43</sup> Лотман Ю. М. О двух моделях коммуникации в системе культуры // *Semeiotike*. –Тарту, 1971. - № 6. - С. 228.

<sup>44</sup> Лотман Ю.М. Беседы о русской культуре: Быт и традиции русского дворянства. –СПб., 1994.

<sup>45</sup> Хайдеггер М. Время картины мира // Новая технократическая волна на Западе. –М., 1986. - С. 93.

Миллий маданият бошқа миллий маданиятлар билан мулоқотга киришади ва она маданиятнинг эътиборидан четда қолган жиҳатлар ўртага чиқади. Гап шундаки, аксарият кишилар ўзларининг дунёни тушунишлари, ҳаёт тарзлари ва яшаш йўллари тўғри деб ҳисоблашади. Ўзлари таниш бўлган қадриятларни ҳаммабоп ва барча учун тушунарли деб ўйлашади. Қачонки бошқа маданият вакиллари билан тўқнашганларида ўзлари тўғри, деб ҳисоблаб келган қолиплар иш бермаганида муваффақиятсизлик сабаби ва бу муваффақиятсизликни бартараф этиш йўллари ҳақида ўйлай бошлашади.

**Маданият ва тамаддун.** “Цивилизация” (лот. сивилис – фуқаро) термини ХВИИ асрда вужудга келган. Ўша даврда *маданиятлилик* сўзи ваҳшийлик, маданиятсизликнинг зидди, маданиятнинг синоними сифатида тушуниланган. ХИХ асрнинг охирига келиб, немис илмий адабиётида бу икки термин фарқлана бошланди. *Маданиятлилик* деганда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида жамиятнинг моддий ва ижтимоий неъматлар мажмуиёга эга бўлиши тушунилади бошланди. *Маданиятга* эса цивилизациянинг маънавий таркиби сифатида қаралди.

Немис файласуфи О. Шпенглер маданият ҳақидаги таълимотни ривожлантириб, ҳар бир маданиятнинг ўлими бўлган ўз тамаддуни мавжудлигини қайд этади. Тамаддун ҳар қандай ижтимоий-маданий дунё ривожланишининг охириги босқичидир. Маданият шахснинг индивидуал бетақорлиги ва ҳар хиллигидан келиб чиқиб турли-туманлик яратади, тамаддун эса бир хил қилишга, стандартлашга ҳаракат қилади. Маданият сараланган, тамаддун демократиялашгандир. Маданият миллий, тамаддун халқародир.

Инглиз-америка анъаналарида тамаддун бошқача тушунилади. ХХ асрнинг таниқли тарихчиси А.Тойнби жамиятнинг турли типларини, яъни ҳар қандай алоҳида ижтимоий-маданий дунёни тамаддун, деб атади. Замоनावий америкалик тадқиқотчи С.Хантингтон тамаддунни олий тоифадаги кишилар жамоаси сифатида изоҳлайди. Олим 8 та йирик: *гарбий, конфуцийлик, япон, ислом, ҳинд, православ-славян, лотин-америка* ва *африка* тамаддунини кўрсатиб ўтади.

Рус тилида “цивилизация” сўзи франсуз ва инглиз тилларидан фарқли ўлароқ, 1767-1777-йилларда пайдо бўлган. Н. А. Бердаевнинг фикрича, маданият (культура) руҳга, тамаддун эса фақат методлар ва воситаларга эгадир.

М. К. Мамардашвилининг қарашича, *маданият* фақат шахсий маънавий саъй-ҳаракатлар орқали қўлга киритилади, *тамаддундан* эса фойдаланилади. Маданият янгини яратади, тамаддун фақат маълум нарсани тарқатади.

Шундай қилиб, маданиятни икки йўналишда ривожланган дейиш мумкин: **1) инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондириш – бу йўналиш тамаддунда ривожланади; 2) маънавий эҳтиёжларни қондириш, яъни маданият рамзий хусусият касб этади.**

Лингвوماданиятшунослик учун тамаддунга нисбатан маданият катта қизиқиш уйғотади. Бинобарин, тамаддун моддийдир, маданият эса рамзийдир.

#### Назорат учун саволлар:

1. “Маданият” сўзини изоҳланг.
2. Бадавийлик нима?
3. Маданийлик нима?
4. “Культура” сўзининг маъносини тушунтиринг.
5. Тасвирий нуктаи назарда маданиятга қандай таъриф берилади?
6. Файласуф М. Хайдеггер маданиятга қандай таъриф берган?
7. Маданият – “артефактлар дунёси” деганда нимани тушунасиз?
8. Маданият ва тамаддуннинг фарқларини кўрсатинг.
9. Мулоқотнинг фалсафий модели, Р.О. Якобсоннинг лисоний модели, кибернетик модел ҳақида тушунча беринг.
10. “Код” тушунчаси.
11. Маданий тизимлар ва маданиятлараро вазиятларни тадқиқ этиш усуллари.

- Маданиятлараро мулоқот даражалари ва кўринишлари.
12. Вербал мулоқотнинг асосий бирликлари.
  13. Маданиятлараро мулоқот кўринишларининг турли-туманлиги (вербал мулоқот, новербал мулоқот, паравербал мулоқот, виртуал мулоқот).
  14. Маданиятлараро мулоқотнинг асосий бирликлари.

**Адабиётлар:**

1. Грушевицкая Т.Г., Попков В.Д., Садохин А.П. Основы межкультурной коммуникации: Учеб. для вузов / Под ред. А.П. Са-дохина. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. - 352 с.
2. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. - М.: Гнозис, 2003. - 288 с.
3. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001. -208с.
4. Фурманова В. П. Межкультурная коммуникация в теории и практике преподавания иностранных языков в вузе. - Саранск , 2009. -164 с.

#### 4-мавзу. Маданиятлараро мулоқот ва таржима Режа

1. Маданиятлараро мулоқотда таржима масалалари.
2. Таржиманинг лингвомаданий аспекти.
3. Таржиманинг когнитив аспекти.
4. Оламнинг лисоний манзараси
5. Лақуналарнинг турлари
6. Турли лингвомаданиятларда рамзлар талқини

**Калит сўзлар:** Маданиятлараро мулоқотда таржима масалалари. Таржимада лақуналар. Таржиманинг лингвомаданий аспекти. Лингвомаданий бирликлар ва уларнинг таржимада берилиши. Таржиманинг когнитив аспекти. Воқеликнинг лисоний тузилмасини қуришда маданий ва когнитив-семантик қонунлари). Таржима аспектида «моддий объект», «макон», «вақт», «ҳаракат» категорияларини когнитив-семантик ва лисоний жиҳатдан тасаввур этиш усуллари. Муқобилсиз лексика таржимаси. Реалиялар таржимаси. Фразеологизмларнинг миллий-маданий семантикаси. Лақуналарни баргараф қилиш йўллари. Рамзлар талқини.

Тил ҳам маданият, ҳам табиат ҳодисаси сифатида мавжуд. Шубҳасиз, тил маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, инсониятнинг ижтимоий тарихидаги энг муҳим ютуқлардан бири саналади. Лекин бошқа томондан тилнинг материясида инсоннинг биологик табиати намоён бўлади. Бу ўринда кўп нарса нутқий фаолиятнинг физиологик ва психофизиологик имкониятлари билан аниқланган. Масалан, дунёнинг барча тилларида унли ва ундошлар ҳамда кўплаб товушлар алмашинуви занжирининг мавжудлиги маданият билан эмас, табиат билан боғлиқдир. Бинобарин, инсон фақат унлилар ёки ундошларнинг ўзи билан нутқ ҳосил қила олмайди. Табиат тил структурасининг теран хусусиятларини ҳамда матнни ҳосил қилиш ва уни қабул қилиш қонуниятларини аниқлайди. Маданият эса тилнинг мазмун жиҳатини аниқлайди<sup>46</sup>.

Инсоннинг нутқий фаолияти туғмами ёки кейин шаклланганми? деган савол ҳалигача мунозарали бўлиб қолмоқда. Инсоннинг нутқ имкониятини психофизиологик механизм билан таъминлайдиган туғма лисоний қобилиятга эгаллигини барча эътироф этган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, бу инсон мия қобилиятининг дастлабки онтогенез йилларидаги биринчидан, муайян тил белгилари тизимини, иккинчидан, матн тузишда керакли белгиларни танлаш қоидаларини ўзлаштиришни ифодалайди. Лисоний қобилиятни амалга ошириш атрофдаги муайян тил эгалари билан мулоқот қилиш жараёнида юз беради. Н. Хомскийнинг таълимотига кўра, лисоний қобилиятнинг туғма компоненти жуда сермазмун бўлади, шунинг учун онтогенезда тил ўрганиш “нолдан” бошланмайди. Лисоний қобилият айрим туғма ва универсал билимларни ўз ичига олади, инсон улар ёрдамида жумлалар ҳосил қилади ва тушунади. Шундай қилиб, Н.Хомский тил структураси ва семантиканинг ботиний хусусиятларини табиий-генетик асосга туташтиради<sup>47</sup>.

“Тил ва маданият” масаласи кўп қиррали бўлиб, унга маданият тарихчиси, тилшунос, файласуф, психолог, этнограф ва адабиётшунос турлича ёндашади. Бироқ масаланинг тилшуносликка оид томони икки жиҳатлидир, чунки тил ва маданият ўзаро муносабатда бўлади. Шунга кўра, иккита савол туғилади: 1) турли маданий жараёнлар тилга қандай таъсир кўрсатади? 2) маданиятга тил қандай таъсир қилади?

Машҳур рус тилшуноси Г.О.Винокурнинг “тилни ўрганаётган ҳар қандай тилшунос, албатта, танлаган тили унинг маҳсулоти бўлган ўша маданиятнинг

<sup>46</sup> Мечковская Н. Б. Социальная лингвистика. I. 2 изд. - М., 2000.

<sup>47</sup> Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса. М., 1972. – С. 259; Язык и мышление. М., 1972. – С. 122.



тадқиқотчисига айланади”<sup>48</sup> деган тезиси тилшуносликнинг шаклланишидан бошлаб тасдиқланиб келмоқда.

И.Гердернинг 1770-йилда ёзилган “Тилнинг келиб чиқиши ҳақида талқин” асарида инсон фаолиятидаги тўрт асосий ҳодиса: тил, маданият, жамият ва миллий руҳ бир-бири билан боғлаган. Тил ўзининг келиб чиқишига кўра маданият билан боғлиқ бўлиб, у жамият билан бирга такомиллашади. Тилнинг маданият билан органик боғлиқлиги уни миллий руҳнинг муҳим таркибий қисмига айлантиради<sup>49</sup>.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати В. фон Гумбольдтнинг таълимотида (1985) батафсил ёритилган: 1) моддий ва маънавий маданият тилда мужассамлашади; 2) ҳар қандай маданият миллийдир, унинг миллий характери тилда дунёни ўзига хос кўриш воситаси билан ифодаланади; тилга ҳар бир халқ учун ўзига хос бўлган ички шакл хосдир; 3) тилнинг ички шакли – “халқ руҳи” ва унинг маданиятининг ифодаси; 4) тил инсон ва унинг ўраб олган дунё орасидаги халққа ҳисобланади. В. фон Гумбольдтнинг қарашлари А. Потенбянинг “Тафаккур ва тил”, Ш. Балли, Ж. Вандриез, И. А. Бодуен де Куртене, Р.О.Якобсон ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида ўзига хос талқин қилинган.

Тилшуносларнинг ҳеч бири “тил ва маданият” масалалари билан америкалик машҳур тилшунос ва маданиятшунос Э.Сепирчалик (1884-1939) кўп ва самарали шуғулланмаган дейиш мумкин. Э.Сепирнинг “Тилшунослик ва маданиятшунослик бўйича танланган асарлари” (“Избранные труды по языкознанию и культурологии” М., 1993)да “тил ва маданият” масалаларига доир қатор саволлар қуйидагича ёритилган.

*Маданият нима?* Э.Сепирнинг фикрича, маданият – турмуш тарзимизни тавсифловчи, ижтимоий мерос қилиб олинган амалий малакалар ва ғоялар мажмуи (185-бет). Э.Сепирнинг бошқа бир талқинига кўра, маданият – жамият томонидан амалга ошириладиган қадриятларнинг танлаб олиниши (193-бет). Маданият хатти-ҳаракатлар билан қиёсланади (207-бет).

*Тил олдин пайдо бўлганми ёки маданият?* Э.Сепир тил маданиятдан олдин пайдо бўлган, чунки тил маданиятга нисбатан маъно ифодаловчи восита саналади, деб ҳисоблаган (42-бет). Тил миллий маданият мавжудлиги ва унинг ифодаланишининг асосий шакли сифатида намоён бўлади. Бироқ Э.Сепирга кўра, тил ижтимоий ва маданий ривожланиш маҳсулидир. Тил маданиятнинг ижтимоийлашган қисмидир (265-бет).

*Тил ва маданиятнинг муштараклиги нимада?* Биринчидан, нутқ ҳам маданият ҳам концептуал танлаб олишни талаб қилади (60-бет). Иккинчидан, тиллар ҳам, маданиятлар ҳам камдан кам ҳолатларда ўз-ўзича етарли бўлади (173-бет). Бу икки ҳодисанинг фарқини Э.Сепир шундай изоҳлаган: “Жамиятни **нима** қилиши ва **нимани** ўйлашига қараб маданиятни, **қандай** ўйлашига қараб эса тилни аниқлаш мумкин” (193-бет).

*Тил ва маданият қандай ўзаро таъсир қилади?* Тил маданиятга нисбатан маданиятни тўплаш ва уни мерос қилиш кумулятив (лот. сумулатио - тўплаш, йиғиш, жамғариш) хусусиятига эга бўлади. Чунончи, кумулятивлик ҳам оддий, ҳам ривожланган тиллар ва маданиятларнинг хусусиятидир (233-бет). Э.Сепирнинг фикрича, маданиятни сақланиб қолишининг асосий шаклларида бири “мақоллар, стандартлашган дуолар, қарғишлар, халқ ривоятлари, насл-насаб шажараси” ҳисобланади. Тилдаги фарқлиликлар маданият фарқлиликларини кўрсатади (245-бет)<sup>50</sup>.

Тил ва маданият 1) коммуникатив жараёнларда; 2) онтогенез (инсон лисоний қобилиятларининг шаклланиши)да; 3) филогенез (инсоннинг ирсий ва ижтимоий шаклланиши)да ўзаро алоқада бўлади.

Ушбу икки моҳият 1) тилда оммавий адресат (сўзловчи мурожаат қилган киши)ни белгилаш ҳодисаси, маданиятда сараланганлик қадрланади; 2) маданият (тилга ўхшаш) белгилар тизими бўлса-да, у ўзича ташкил бўла олмайди; 3) тил ва маданият турли

<sup>48</sup> Винокур Г. О. Избранные работы по русскому языку. –М., 1959. –С. 211.

<sup>49</sup> Гердер И. Г. Идеи и философия истории человечества. –М., 1977. –С. 233.

<sup>50</sup> Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. –М., 1993.

семиотик тизимлардир<sup>51</sup>.

“Тил ва маданият” масаласи фавқулдда мураккаб ва кўп қиррали бўлгани учун мазкур масалага турлича ёндашилади:

Биринчи ёндашув рус файласуфлари С.А.Атановский, Г. А. Брутян, Е. И. Кукушкин, Э. С. Маркарянлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мазмуни қуйидагича: тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси бир томонга бўлган ҳаракатдир; тил борлиқни акс эттиради, маданият эса бу борлиқнинг ажралмас қисмидир, тил маданиятнинг инъикосидир.

Иккинчи ёндашув Э. Сепир ва Б.Уорф мактабининг қарашларида ўз аксини топган. Мазкур гипотезанинг асосида инсонлар оламини ўз она тиллари воситасида турлича кўришади. Тилда акс эттирилган оламгина мавжуд. Модомики, ҳар бир тил борлиқни ўзига хос усуллар билан акс эттирар экан, унда тиллар бир-биридан ўзининг “оламнинг лисоний манзараси”га кўра фарқланади. Э. Сепир ва Б.Уорфнинг гипотезасида қуйидаги асосий масалалар ажратилади: 1. Тил унда сўзлашувчи халқнинг тафаккур усули билан боғлиқдир. 2. Оламини билиш усули субектларнинг қандай тилларда фикрлашига боғлиқдир<sup>52</sup>.

Учинчи ёндашувга кўра, тил маданиятнинг далилидир: 1) тил – биз аждодларимиздан мерос қилиб олган маданиятнинг таркибий қисми; 2) тил – маданиятни ўзлаштиришнинг асосий воситаси; 3) тил – барча маданий ҳодисаларнинг энг муҳими.

Хуллас, тил маданиятнинг таркибий қисми ва унинг воситасидир. У руҳимизнинг борлиғи, маданиятимизнинг кўринишидир; у миллий менталликнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Тил инсон олдида тафаккур соҳасини очган механизмдир (Н.И.Жинкин).

Ўзбек тилшунослигида тил ва маданият тушунчалари қуйидагича изоҳланади: “тил ва маданият деганда, кўпинча, “нутқ маданияти” дейиладиган муаммо ассоциатив ҳолда эсга тушса-да, бу икки ўриндаги маданиятнинг айнанлигини асло кўрсатмайди. Тил ва маданият деганда, одатда, (тўғриси ҳам шу) тил орқали у ёки бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали у ёки бу тилни тушунтириш назарда тутилади, аниқроқ айтадиган бўлсак, лингвомаданиятшуносликдаги маданиятнинг маъноси “ақлий-маънавий ёки хўжалик фаолиятида эришилган даража, савия (*нутқ маданияти*)” эмас, балки “кишилик жамиятининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи (*маданият тарихи, ўзбек маданияти*)” демакдир”<sup>53</sup>.

**Оламнинг лисоний манзараси.** Ҳар қандай тил алоҳида олам манзарасига эга ва лисоний шахс ана шу манзарага мос равишда ифодаларнинг мазмунини тузишга мажбурдир. Бунда тилда ўз аксини топган инсоннинг оламини ўзига хос идроки намоён бўлади.

Тил инсоннинг олам ҳақидаги билимларининг шаклланиши ва мавжуд бўлишидаги муҳим омилдир. Лисоний шаклларда муҳрланган мазкур билимлар мажмуи “оламнинг лисоний манзараси”, деб номланади.

*Оламнинг манзараси* (лисоний ҳам) тушунчаси инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурларини ўрганиш асосида яратилади. Агар олам – ўзаро муносабатдаги инсон ва муҳит бўлса, олам манзараси – инсон ва муҳит ҳақидаги маълумотни қайта ишлаш натижасидир<sup>54</sup>.

---

<sup>51</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.60.

<sup>52</sup> Уорф Б. Л. Отношение норм поведения и мышления к языку // Новое в зарубежной лингвистике. –М., 1960. –Вып. 1. –С. 174.

<sup>53</sup> Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. –№ 5. –Б. 10.

<sup>54</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.64.

М. Хайдеггернинг қайд қилишича, “манзара” сўзи деганда биринчи навбатда, бирон нарсанинг тасвири ҳақида ўйлаймиз, “олам манзараси дунёнинг тасвирини эмас, балки оламини манзарадек тушунишни ифодалайди”. Реал дунёни акс эттирувчи оламнинг манзараси ва оламнинг лисоний манзараси ўртасида мураккаб муносабатлар мавжуд бўлади. Олам манзараси макон (юқори-қуйи, ўнг-чап, шарқ-ғарб, узоқ-яқин), замон (кун-тун, қиш-ёз), миқдор ва ҳ.к. ўлчовлар воситасида тасаввур этилиши мумкин. Унинг шаклланишига тил, анъаналар, табиат ва ландшафт, таълим ва тарбия ва бошқа ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади.

Оламнинг лисоний манзараси инсонни оламга (табиатга, ҳайвонларга, ўз-ўзига) бўлган муносабатини шакллантиради. Ҳар қандай табиий тил дунёни билишнинг муайян усулини акс эттиради. Унда ифодаланган маънолар муайян қарашларнинг ягона тизимида, ўзига хос жамоавий фалсафада мужассамлашади ва у барча тил эгалари учун мажбурийлик касб этади. Мазкур тилда сўзлашувчилар дунёси шаклланади, яъни оламнинг лисоний манзараси лексика, фразеология ва грамматикада муҳрланган олам ҳақидаги билимлар мажмуасидир.

Олам манзараси, яъни олам ҳақидаги билимлар индивидуал ва жамоавий билишнинг асосида ётади. Тил эса билиш жараёнининг талабини бажаради. Турли кишиларда, масалан, турли даврлар, турли ижтимоий ва ёш гуруҳлари, турли билим соҳалари ва ҳ.к.нинг вакилларида оламнинг концептуал манзаралари фарқланиши мумкин. Ҳар ҳил тилларда сўзлашувчи кишилар муайян шароитларда бир-бирига яқин бўлган оламнинг концептуал манзараларига, аксинча, бир тилда сўзлашувчи кишилар оламнинг турли концептуал манзараларига эга бўлишлари мумкин<sup>55</sup>.

Шундай қилиб, оламнинг концептуал манзарасида умуминсоний, миллий ва шахсий ўзаро муносабатлар бўлади.

Оламнинг лисоний манзарасини яратишда фразеологизмлар алоҳида рол ўйнайди. Улар “халқ ҳаётининг кўзгуси”дир. Фразеологик бирликларнинг табиати тил эгасининг билимлари, ҳаётий тажрибаси ва мазкур тилда сўзлашувчи халқнинг маданий-тарихий анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир. Фразеологик бирликларнинг семантикаси инсон ва унинг фаолиятини тавсифлашга қаратилади<sup>56</sup>.

Фразеологизмлар воситасида яратилган оламнинг лисоний манзарасини таҳлилида унинг антропоцентрик хусусиятини таъкидлаш жоиз. Оламнинг антропоцентрик манзараси фразеологизмлар йўналишининг инсонга қаратилганлиги билан ифодаланади. Бунда инсон барча нарсаларнинг ўлчови сифатида иштирок этади: кўп – *бошини еб*; тўла, бутун – *бошдан оёқ*; кичик – *кўз илғамас*; тез – *кўз очиб юмгунча* ва ҳ.к.

Оламнинг лисоний манзараси турфа ранглар, хусусан, мифологемалар, образли метафорик сўзлар, ўхшатишлар, коннотатив сўзлар, стереотиплар, рамзлар ва ҳ.к. воситасида яратилади. Ҳар қандай тил ўзида мазкур тил эгасининг дунёқарашини белгилайдиган ва олам манзарасини шакллантирадиган миллий, ўзига хос хусусиятлар тизимини мужассамлаштиради. Ҳар қандай маданият ўзининг калит сўзларига эга бўлади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тилимизнинг миллий-маданий хусусиятлари ҳақида билдирган қуйидаги фикрларини келтириш айни муддаодир: “...тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо. Шунини айтиш лозимки, бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқарашини, маънавий ҳаётининг негизи

<sup>55</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.65.

<sup>56</sup> Фразеологический словарь русского литературного языка / Под ред. А. И.Федорова. – М., 1996; Образные средства русского языка / Под ред. В.Н.Телия. –М., 1995.

сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк кадрятларнинг амалий ифодасидир”<sup>57</sup>.

Шундай қилиб, оламнинг лисоний манзарасини ўрганиш масаласи инсон ва унинг турмуши, унинг дунё билан ўзаро муносабати, унинг мавжудлигининг шароитларини акс эттирадиган оламнинг концептуал манзараси масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Оламнинг лисоний манзараси инсоннинг турли олам манзараларини изоҳлайди ва умумий олам манзарасини акс эттиради.

**“Гешгалт” тушунчаси.** Оламнинг лисоний манзарасини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши лисоний гешгалтлар назариясини билимлар структураси сифатида қаралган фреймлар назарияси билан алоқадор қилишга уринаётган когнитив тилшунослик билан ҳам боғлиқдир.

Лисоний гешгалтлар назарияси когнитив тилшуносликнинг асосчиларидан бири бўлган Ж. Лакофф томонидан илгари сурилган. Ж. Лакоффнинг қайд қилишича, фикрлар, идроклар, эмотциялар, билиш жараёнлари, моторли фаолият ҳамда тил айна структуралар бўлган “гешгалтлар”дан таркиб топган<sup>58</sup>.

*Гешгалт* немисча сўз бўлиб, у “образ, тузилма, яхлит шакл” маъноларини англатади<sup>59</sup>. Илмий адабиётларда гешгалтга бирор объектни қисмлар йиғиндиси сифатида эмас, балки яхлит ҳолда идрок этиш жараёни деб таъриф берилади<sup>60</sup>.

Умуман, *гешгалт* **яхлит образ** ҳисобланади, яъни бирон бир объектни бутунича идрок қилиниши *гешгалт*, деб тушунилади. Гешгалт-психология идрокнинг яхлитлигига асосланади: айрим шаклларнинг алоҳида бўлаклари ўз маъносини бутуннинг (*гешгалтнинг*) таркибида топади. Масалан, *дарахт* тушунчаси олинганда, дарахтни предмет сифатида идрок этувчи шахс уни қисмлар йиғиндиси, яъни тана, илдиз, шохлар ва барглardan иборат ўсимлик сифатида эмас, балки шу қисмларга бўлинувчи яхлит жисм – дарахт сифатида идрок қилиши муҳим ҳисобланади. Ёки Ж. Лакоффнинг таъбирича, *жанжал* ва *уруш* айна терминлар билан тасвирланади, Демак, улар бир хил тасаввур қилинади, яъни улар айна гешгалт (яхлит образ – Ш.Усманова) билан боғланади<sup>61</sup>.

Гешгалтлар ботиний мазмундор бўлган алоҳида тил бирликларидир. Гешгалтлар тилда амалга ошиши билан бирга, инсоннинг борлиқни идрок қилиши асосини ташкил қилади, билиш жараёнларини йўналтиради, моторли актларнинг ўзига хос хусусиятларини ва ҳ.к. аниқлайди.

Тилга нисбатан гешгалтларнинг ботинийлиги бир неча жиҳатларда намоён бўлади. Чунончи, тилнинг зохирий сатҳида айна гешгалт турли фикрларни келтириб чиқариши мумкин ва бунда фақат махсус изланишлар орқалигина уларнинг бирлигини аниқлаш мумкин<sup>62</sup>.

Шундай қилиб, гешгалтлар концептуал боғланишлар бўлиб, улар инсон психикасининг ботинига тегишли бўлган ва табиий тилнинг категориялари доирасидан ташқарида ётган универсал тасаввурлар моҳиятидир.

Ўхшатишлар ташқи дунёни билишнинг энг қадимий усулларидан ҳисобланади. Ўхшатишлар муайян халқнинг илк тафаккур тарзини ва тасаввурларини тамсил этади. Уларда маълум даврда яшаган аждодларимизнинг кечинмалари, тасаввурлари муҳрланган бўлади.

<sup>57</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 7.

<sup>58</sup> Лакофф Дж. Лингвистические гешгалты / Дж. Лакофф // Новое в зарубеж. лингвистике. Вып. 10. Лингвистическая семантика. –М.: Прогресс, 1981. –С. 350–368.

<sup>59</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах, 2006. –Б. 47.

<sup>60</sup> Хрестоматия по истории психологии. –М., 1980. –С.84-89; Алефиренко Н. Спорные проблемы семантики. –М., 2005. –С. 326; Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. –Б. 47.

<sup>61</sup> Лакофф Дж. Кўрсатилган асар. –Б. 350–368.

<sup>62</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.66.

Туркий халқлар тафаккурини ифодалашда ўхшатишларнинг ўзига хос ўрни ҳақида Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида алоҳида таъкидланган: “Бирон хотин тукқанда дойдан: тулки туғдими ёки бўрими деб сўралади. Яъни қизми ёки ўғилми демакдир. Қизлар алдоқчи ҳамда ялинчоқ бўлганликлари учун тулкига, ўғил болалар улардаги ботирликка асосан бўрига ўхшатилади”<sup>63</sup>. Бу ўринда *тулкидек қиз, бўридек йиғит* ўхшатиш қурилмасининг фақат *тулки* ва *бўри* эталони қўлланган бўлиб, уни ўхшатишнинг қисқарган шакли – метафора дейиш мумкин.

Ўрта Осиё халқларининг қорахонийлар давридаги ҳаётини ҳар томонлама ёритиб берган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ҳоконларга хос фазилатларни намоён этадиган қуйидаги ўхшатишлар қайд қилинган: “Ҳоқон... жангда арслоннинг юрагига эга бўлиши лозим... ёввойи тўнғиздек қайсар; бўридек кучли; айикдек жасур бўлиши керак; хўкиздек..., ҳақадек..., қарғадек..., тулкидек..., туядек..., арслондек... ва бойқушдек... бўлиши лозим”<sup>64</sup>.

Инсоннинг дунёни билишида ўхшатиш-қиёслаш бениҳоя катта ўрин тугади. Икки ёки ундан ортиқ предмет ёки тушунчани ўхшаш ёки фарқли жihatларини аниқлаш мақсадида қиёслаш, таққослаш ташқи дунёни билишнинг энг кенг тарқалган мантиқий усулларидан бири сифатида инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида кузатилади. Бу беҳад муҳим мантиқий категория, табиийки, тилда ҳам ўз аксини топади<sup>65</sup>.

Проф. Н. Махмудов ўзбек тилидаги ўхшатишларни тўрт унсурга ажратиб, уларни ўхшатиш субекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси ва ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи деб номлайди. “...ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам улар нутқда ҳамиша бадиий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўхшатишларнинг икки тури, яъни: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фарқланади”<sup>66</sup>.

**Эркин ўхшатишлар** муаллифнинг ўзига хос оригинал ўхшатишлари бўлиб, у ёзувчининг маҳоратини белгилайди. Масалан: *Мирёқуб ...икки кишининг пичирлашиб гаплашганини эшитди, юраги обжувоз ликопидай ура бошлади* (Чўлпон. Кеча ва кундуз)<sup>67</sup>.

Ўхшатиш қурилмаларидан фарқли ўлароқ, ўхшатишга асосланган матнларда “ўхшатиш асоси, яъни икки объектни ўзаро ўхшатиш учун асос бўлган референт сўз орқали эмас, балки жумлалар орқали воқе бўлади. Масалан: *Илк муҳаббат баҳор осмонидаги булутга ўхшайди. Оппоқ. Покиза. Шаффоф... На қўлингиз билан тутасиз. На ортидан югуриб етасиз... Шамол уни қаёққа олиб кетишини ҳам билмайсиз... Биринчи муҳаббатнинг кўпинча натижасиз тугаши балки шундадир...* (Ў.Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар)<sup>68</sup>.

Халқ оғзаки ижодида ўхшатишлар муҳим аҳамият касб этади. “...бахши ёки эртақчи ҳам асарга ўз индивидуал ўхшатиш, қиёслашларини киритиши мумкин. Аммо бу ҳам анъанага, эпик ижод қонуниятига мос келмаса, асар сужетига сингишмайди, унинг “ётлигини” халқ дарров англаб олади. Ўзида халқнинг анъана, удум, маросим, фикр тарзини ифода этган деталгина халқона образнинг маъносини очиши, кенгайтириши

<sup>63</sup> Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). I. –Тошкент: ЎзФА, 1963. –Б. 404.

<sup>64</sup> Radlov W. Das Kutadku Bilik des Yusuf Chass Hadschib aus Balasagun. –St-Petersburg, 1891-1910. –P. 205-206.

<sup>65</sup> Махмудов Н. Семантико-синтактическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дисс. ...док-ра филол.наук. –Ташкент, 1984. –Б 259.

<sup>66</sup> Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. –Б. 5.

<sup>67</sup> Қўрсатилган асар, 6-бет.

<sup>68</sup> Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. –Тошкент: Фан, 2013. –Б. 97-98.

мумкин<sup>69</sup>.

**Турғун ўхшатишлар**нинг моҳияти шундан иборатки, уларда ўхшатиш эталонида ифодаланган образ барқарорлашган бўлади, бундай ўхшатишлар, гарчи муайян шахс ёки ижодкор томонидан қўлланган бўлса-да, вақт ўтиши билан тил жамоасида урфга кириб, доимий ифодалар сифатида турғунлашган, умумхалқ тили лексиконидан жой олиб улгурган бўлади. Бундай ўхшатишлар худди тилда тайёр бирликлар каби нутққа олиб кирилади<sup>70</sup>.

Тилдаги ўхшатишларни тадқиқ этган тилшуносларнинг аксарияти турғун ўхшатишларнинг идиомаларга яқин туришини ёки идиома мақомида бўлишини, улар кўп асрлар мобайнида кишилар нутқида қўлланиш натижаси сифатида турғунлашиб, сўзловчилар онгида муайян моделлар шаклида мустаҳкамланиб қолишини, ўхшатиш эталонининг, яъни ўхшатиш асосидаги образнинг муайян белги-предмет билан мунтазам ва қатъий боғлиқ бўлишини таъкидлайди<sup>71</sup>.

Лингвомаданиятшуносликни кўпроқ турғун ўхшатишлар қизиқтиради. Негаки, “турғун ўхшатишлар миллий онг жумбоғини ечишга имкон берадиган ёрқин образли воситалардан бири ҳисобланади”, “дунёни ўзига хос миллий тарзда кўриш ўхшатиш семантикасида акс этади”<sup>72</sup>.

### **Турли лингвомаданиятлардаги ўхшатишларнинг қиёсий таҳлили**

Ҳар хил лингвомаданиятлардаги турғун ўхшатишларни қиёслаш инсоннинг характери ва хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишларнинг эталони сифатида хайвон ва жониворларни билдирувчи сўزلардан кўпроқ фойдаланилганини кўрсатади. Масалан, қиёсланилган тилларнинг аксариятида тулки айёрлик, алдоқчилик, ёлғончилик рамзи, эталони сифатида фаол ишлатилади: *тулкидай айёр*, *тилки гиби* (туркча) *хитрий как лиса* (русча), *ас фалсе ас фох* (инглизча), *ёу катҳи* (корейсча). Мутахассисларнинг таъкидлашича, ғарб ва славян лингвомаданиятларида, хусусан, инглиз ва рус тилларида *ас фалсе ас фох*, *хитрий как лиса* турғун ўхшатишлари мифопоетик манбаларга асосланади, чунки қадимги тасаввурларга кўра, тулки жодугар ҳисобланган, унда йўқолиш, кўринмайдиган бўлиб қолиш қобилияти мавжуд бўлган<sup>73</sup>. Қайд қилинган хусусиятни шарқ лингвомаданиятида, хусусан, корейс ва хитой маданиятида ҳам кузатиш мумкин. Корейс ва хитой мифологиясида тулкининг қизга айланиб қолиши кенг тарқалган.

Лингвомаданиятларнинг аксариятида турғун ўхшатишларни образ ва унинг мазмуни жихатидан бир-бирига муқобиллиги, муқояса объектларининг ўхшашлигига гувоҳ бўламыш. Масалан, “бефаҳмлиқ, бесўнақайлик, кўполлик” *айиқдай* (ўзбекча), *айи гиби* (туркча), *кўм катҳи* (корейсча), *как медвед* (русча); “кучли, кўркмас”, “мардлик, жасорат” *арслон каби* (ўзбекча), *аслан гиби* (туркча); “семирмоқ”, “кўп овқат емоқ” *чўчқайдай* (ўзбекча), *Ас фат ас а пиг* (инглизча), *твезжи катҳи* (корейсча); “кўп овқат емоқ” *молдай* (ўзбекча), *сў катҳи* (корейсча); “бефаҳм” *эшақдай* (ўзбекча), *эзек гиби* (туркча), *как осел*

<sup>69</sup> Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши: Насаф, 1999. –Б. 70.

<sup>70</sup> Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. –Б. 6.

<sup>71</sup> Некрасова Н. Сравнения общеязыкового типа в аспекте сопоставительного анализа художественных идиологмов // Лингвистика и поэтика. –М.: Наука, 1979. –С. 225; Лебедова Л. Устойчивые сравнения русского языка. –Краснодар: Кубинский ГУ, 2003. –С. 3; Хакимянов Ф. О словаре устойчивых сравнений татарского языка // Российская тюркология. –Москва-Казань, 2010. -№2. –С. 80.

<sup>72</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –М., 2001. –С. 133-134.

<sup>73</sup> Панченко Н. Сравнение как средство дескрипции лжи и обмана // Основное высшее и дополнительное образование: проблемы дидактики и лингвистики. –Волгоград: ВГТУ, 2000. –С. 138-143.

(русча) ва ҳ.к. эталонлар воситасида ифодаланади.

Лингвомаданиятларнинг аксариятида айна ўхшатиш эталонлари турли белгиларнинг ўлчови сифатида қўлланилиши мумкин: ўзбек тилида *қўйдек* “ювошлик”, турк тилида *коюн гиби* “аҳмоқ, довдир”, “қарор беришда ёки хатти-ҳаракатларида бошқаларга тобе бўлган”, рус тилида *овса* эталони “қўрқоқлик”; ўзбек тилида *бўридай* “довюрак, мард”, “ғажимоқ, тиш қайрамоқ”, турк тилида *kurt gibi* “ишнинг кўзини биладиган”, рус тилида *как волк* “оч”; ўзбек тилида *илондай* “чақмоқ, захар сочмоқ”, “совук”, турк тилида *ulan gibi* “хоин, ёқимсиз”, рус тилида *как змея* “баджаҳл”; ўзбек тилида *итдай* “қопмоқ”, “садоқатли”, “ақилламоқ”, “югурмоқ”, “изғимоқ”, “ергашмоқ”, “ишламоқ”, “ичмоқ” турк тилида *köpek gibi* “лаганбардор”, рус тилида *как собака* “ақлли”; ўзбек тилида *ҳўкиздай* “қайсар”, “катта, қўпол”, “қучли”, “ишламоқ”, турк тилида *öküz gibi* “аҳмоқ, тушунчасиз”; ўзбек тилида *маймундай* “сакрамоқ, ирғишламоқ”, “ўйнатмоқ”, турк тилида *maymun gibi* “ғалати, кулгили ҳаракатлар қилмоқ”, “тақлидчи” ва ҳ.к.

Баъзи лингвомаданиятлар учун меъёрий ҳисобланган ўхшатиш эталонлари бошқа халқларнинг лисоний ментал анъаналари учун бегона бўлиши мумкин. Масалан, ўзбекларда хушбичим қоматли аёлларга *сарвадай*, туркларда гавдали аёлларга *at gibi* ўхшатиши қўлланилади. Ҳиндларда соҳибжамол қизнинг юриши филнинг улуғвор ва маҳобатли қадам ташлашига муқояса қилинади. Ёки ҳинд аёли сигирга қиёсланганда у хурсанд бўлади, чунки ҳинд халқининг идрокида сигир гўзаллик тимсоли сифатида гавдаланади. Шунингдек, Ҳиндистонда сигир муқаддас ҳайвон саналади.

Ўзбек лингвомаданияти учун аёлларнинг юзини ойга, олмага, баъзан кулчага, инглизларда олчага, атиргулга, хитой ва корейсларда ўрикка, мажнунтол новдасига қиёслаш меъёр ҳол ҳисобланади.

Хитой ва Кореяда аёлларни илонга ўхшатиш, улар хурсанд бўлишади. Чунки, мазкур лингвомаданиятларда илон донолик, гўзаллик ва эпчиллик рамзи ҳисобланади.

Айна тушунча турли лингвомаданиятларда ўзгача ифода воситалари, яъни бошқача ўхшатиш эталонлари воситасида акс эттирилиши мумкин. Масалан, бақувват кишиларни ўзбеклар филга, инглизлар отга муқояса қилишади: *филдай бақувват, strong as a horse*. Ёки ўзбеклар тинимсиз ишлайдиган, меҳнат қиладиган кишиларни чумолига (*чумолидай*), турклар эса арига ўхшатадилар (*ari gibi*).

Дунёни образли қиёслаш мақсадида истифода этиладиган баъзи ўхшатиш эталонлари бошқа лингвомаданиятларда фразеологизм ёки метафора кўринишида намоён бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ўзбек маданиятида “имилламоқ, судралмоқ” маъносида қўлланиладиган *тошбақадай* эталони корейс маданиятидаги *кабўк тҳата* (тошбақа минмоқ) фразеологизмига муқобил бўлади. Ўзбек тилида “семирмоқ”, “кўп овқат емоқ”ни англатган *чўққадай* ўхшатиш эталони корейс тилида *твезжи* (чўққа) кўринишида метафорага айланганини кўриш мумкин. Ёки рус тилида “қўрқоқ” маъноси *как заяц* ўхшатиши билан, турк тилида *tavşan yürekli* метафораси билан ифодаланади.

Ҳар бир лингвомаданиятда шу халқнинг менталитетини, унинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини акс эттирувчи турғун ўхшатишлар мавжуд бўлади. Масалан, “ўзбек тилидаги *мусичадай беозор (одам)* ўхшатишини бошқа тилларда учратиш қийин. *Мусичадай* ўхшатиш эталонида миллий-маданий коннотация мавжуд, унда “беозорлик” белгисининг ўзбекка хос таъкиди яққол ўз ифодасини топган. Мусичага хос юмшоқ табиат ва ҳаракат ўзбек идрокида ижобий талқин топишидан ташқари, бу мушфиқ куш ҳақидаги исломий ривоят ҳам мусичадай эталонининг анъанага киришига таъсир этгани эҳтимолдан холи эмас. Ана шу тариқа *мусичадай беозор* турғун ўхшатиши беозорликнинг ўзбекча ўлчови сифатида тамоман миллий образ мақомини олган”<sup>74</sup>. Лекин ҳамма лингвомаданиятларда ҳам шундай эмас. Масалан, инглиз тилида “беозорлик” тимсоли сифатида “кабутар” қабул қилинганини кузатиш мумкин: *as harmless as a dove*

<sup>74</sup> Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. –Б. 10-11.

(Мусичадай беозор). Ёки корейс тилида “сигирдай беозор” бирикмасини учратиш мумкин. Шунингдек, *cin gibi* ўхшатиши турк тилига хос миллий-маданий коннотацияни ифодалаб, у “ақлли, билимдон” белгисини ифодалашга хизмат қилади. Чунки турк халқ эртақларида *син* (жин, ажина) ақлли, эпчил, абжир образ сифатида талқин қилинади.

Ўхшатишлар ҳар бир халқнинг иқлими, фауна ва флораси, жойлашган ҳудудининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳам яратилади. Масалан, *Сўфининг тани шу тонда Арабистон тоғларининг саратондаги тошларидай қизиб ёнарди* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Чўлпон томонидан яратилган мазкур ўхшатишда Арабистон иқлимининг жуда иссиқлигидан келиб чиққан ҳолда, Раззоқ сўфининг рухий ҳолати ифодаланган.

Иқлим шароитига кўра қор билан тез-тез тўқнашмайдиган Арабистон, Африка, Миср Араб Республикасининг лингвомаданиятларида “қордек оппоқ сочлар” ўхшатиши учрамайди. Чунончи, қорнинг нималигини кўз олдига келтира олмаган мазкур маданиятларда ижобий баҳоланаётган бирор нарсанинг “қор”га қиёлиниши зарурий образли ифодани ярата олмайди. Шунинг учун бундай ўхшатишни қайд этилган мамлакатларнинг тилларига таржима қилганда, “сутдек оппоқ сочлар” деб бериш мақсадга мувофиқдир.

Ёки “кўпгина оқ рангли нарсаларнинг рус тилидаги сингари ўзбек тилида ҳам образли тарзда “қор”га муқояса этилиши нутқий анъанага айланган бўлишига қарамасдан, ижобий таърифланаётган оппоқ тишлар “қор”га эмас, балки қимматбаҳо “садаф”га қиёс этилади: *Нет, Хор в город уехал, - отвечал парен, улыбаясь и показывая ряд белых, как снег, зубов – // Йўқ, Хор шаҳарга кетган, - деди йигит кулимсираб, садафдек оппоқ тишларини кўрсатиб – ЎХ, 15*<sup>75</sup>.

Ўзбек шеърлятида *тундай* ўхшатишидан сочнинг қоралигини ифодалаш учун кенг фойдаланилади:

Кел энди ташлама, кўйма

Бу туннинг кўйнида ёлғиз.

Ҳижронни бошимга ёйма,

Эй *тундек* сочи қора қиз (Чўлпон. Тун).

Шотланд лингвомаданиятида сочнинг қоралиги зоғ(қарға)га қиёсланади. Бинобарин, Шотландия шимолий ўлка бўлиб, у ерда йилнинг деярли барча фаслида зоғларни учратиш мумкин. Мазкур ўхшатишни шотландиялик шоир Роберт Бёрнснинг “Жохн Андерсон” шеърида учратиш мумкин. Б.Холбекова “Жохн Андерсон” шеърининг рус ва қозоқ тилларидаги таржималарини қўйидагича таҳлил қилади:

Мазмуни: “Қадрдоним, менинг дўстгинам Жон Андерсон, биринчи бор сен билан кўришганимизда, сочларинг зоғ(қарға) рангига ўхшар (яъни қоп-қора эди, ёш эдинг), барқ уриб дўнг пешонангни безаб турарди...”. Инглиз тилида агар соч қарғага ўхшатилса, инглиз ўқувчиси фақат қарға(зоғ)нинг ўзини эмас, балки унинг рангини тушунади. Тадқиқотчи мисрасининг рус таржимони С.Маршак томонидан: *Густой крутой твой локон, Бил черен точно смол* тарзида таржима қилиниб, инглиз тилида “қарға”га қиёсланган соч “мум” (сақич)га айланганлигини, қозоқ таржимони Кубондиқ Шанғитбоев томонидан эса: *Самай шашқн тогилген, Қара эди зой комирден* каби қозоқчалаштирилиши натижасида русчадаги “мум” (сақич) сочлари қозоқчада “кўмирдан ҳам қора”га айланганини айтади<sup>76</sup>.

Ўзбек тилида тим қора, яъни чиройли, жозибадор кўзнинг *чаросга* муқояса қилиниши фикрни образли ифода этишининг анъанавий усули бўлиб, рус тилида бундай вазифа *қора смородина* (черная смородина) зиммасига юклатилади<sup>77</sup>. Шу асосда маҳаллий флоралар замирида *чаросдай қоп-қора кўзлар* ва *глаза, черние как мокрая смородина*

<sup>75</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Дарслик. –Тошкент: Фан, 2005. –Б. 219-220.

<sup>76</sup> Сирождидинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. –Б. 80.

<sup>77</sup> Мусаев Қ. Кўрсатилган асар, 211-бет.



ўхшатишлари юзага келган.

Миф, эртак, дoston ва бадий асар қахрамонлари воситасида ҳам муайян ўхшатишларнинг вужудга келганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, ўзбек тилида “бакуват, пахлавон, гавдали, жуда ҳам кучли, баходир” маъносида *Алтомишдай*; рус тилида “жасур, ботир” маъносида *как Ахилл*, инглиз тилида “жасур ва ботир” маъносида *as brave as Robin Hood* ўхшатишлари қўлланилади.

Умуман, ўхшатишлар ҳар бир халқнинг лингвомаданий бойлиги бўлиб, улар миллий дунёқараш, дунёдаги ҳодисаларни миллий тасаввурларга кўра таққослаш, киёслаш натижасида шаклланади.

Гегел: “ўз маъносида қўлланиладиган сўз ўз-ўзидан тушунарли ифодадир, метафора эса бошқача ифодадир”<sup>78</sup>, – деб ёзган эди. Қатор адабиётларда метафоранинг яширин ўхшатиш эканлиги қайд қилинади<sup>79</sup>. Бинобарин, Аристотелнинг фикрича, ўхшатиш ҳам метафорадир, чунки улар ўртасида арзимаган фарқлар мавжуд, холос. Масалан, *у шердай ташиланди* ифодасида ўхшатиш бор, агар ифода *шер ташиланди* тарзида ўзгартирилса, метафора юзага келади<sup>80</sup>.

Метафораларнинг мазмун жиҳати, шунингдек, уларга бириктирилган маданий коннотациялар когнитив билишнинг манбасига айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам образли-мотивлашган сўзлар (метафоралар) маданий белгиларнинг кўрсаткичига айланади. Лингвомаданиятшуносликни метафораларнинг айнан мана шу жиҳати қизиқтиради.

Когнитив тилшуносликнинг таниқли вакили Ж.Лакофф ҳамда машҳур файласуф М.Жонсон метафораларни шундай изоҳлашади: “Метафоралар нафақат кундалик ҳаёт, нафақат тил, балки тафаккур ва фаолиятимизга ҳам кириб боради. Бизнинг кундалик тушунчавий тизимимиз ҳам ўз моҳиятига кўра метафорикдир”<sup>81</sup>. Ж.Лакофф ва М.Жонсон тадқиқотида таҳлил этилган *вақт бу – пул, вақт бу – чекланган захира, вақт бу – қимматбаҳо буюм* когнитив метафоралари ўзбек тилида сўзлашувчи нутқ эгалари тезаурусиди ҳам мавжудлиги (Масалан: Бу ишга кўп вақт *сарфладим*; Вақтим *тугай* деяпти; Бехуда ишлар вақтни *ўгирлайди*) бир қатор когнитив метафораларнинг когнитив-семантик универсалия эканлигидан далолат беради<sup>82</sup>.

Тадқиқотларда метафоралар онгнинг универсалиялари сифатида белгиланган. Замонавий психологлар дунёни метафоралар асосида кўришни инсоннинг генезиси ва маданияти билан боғлашга ҳаракат қилишади. Бобо тилнинг метафорик хусусиятга эга бўлгани, протокоммуникациянинг эса метафоралар даражасида амалга оширилгани ҳақида тахмин қилинади.

Метафора тилдаги универсал ҳодиса бўлиб, у барча тилга хосдир. Унинг универсаллиги маконда ва замонда, тил структурасида ҳамда унинг вазифаларида намоён бўлади. Метафора ўзида фундаментал маданий қадриятларни акс эттиради, зеро, у миллий-маданий дунёқарашга асослангандир<sup>83</sup>.

“Метафора ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг фаоли ҳисобланади. У тилшуносликда қайд этилишича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва

<sup>78</sup> Гегель. –М., 1969. –С. 115.

<sup>79</sup> Арнольд И. Стилистика современного английского языка. –Л.: Просвещение, 1973. –С. 146; Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. –Б. 9.

<sup>80</sup> Аристотель. Риторика / Античные риторика. –М.: МГУ, 1978. –С. 134.

<sup>81</sup> Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. –М., 1990. –С. 387-416.

<sup>82</sup> Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. –Тошкент: Фан, 2013. –Б. 49.

<sup>83</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.88, 91.

ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланади<sup>84</sup>. Проф. М.Миртожиевнинг қайд қилишича, буни дифференциал-семантик метод бўйича таҳлил этиб кўрилганда яққол тасаввур этиш мумкин. Масалан, *уламоқ* феъли “учларини бириктириб боғламоқ” лексик маъноси – семемасига эга. У яна “учига кўшиб узайтирмоқ” ҳосила маъно – семемани орттирган. Улар билдирган ҳаракат ўртасида ўхшашлик бор. Яъни ҳосила маъно юзага келиши метафора ҳисобланади<sup>85</sup>.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, “метафора – ўхшатишнинг қисқарган шакли”. Проф. М.Миртожиевнинг ёзишича, “бу фикр ҳам ўрни билан тўғри”дир. “Масалан, ўзбек тилида токни зарарлайдиган оидиум касаллигини *кул* сўзининг ҳосила маъноси ифодалайди. Уни “кулга ўхшаш касаллик” ўхшатиш қурилмасининг қисқарган шакли дейиш жуда тўғри бўлади. Бу ўринда ўхшатиш субекти тушиб қолиб, ўхшатиш қурилмасининг фақат *кул* эталони бутун маъносини ўзида сақлаган ва ўхшатишнинг қисқарган шакли – метафора юзага келган. Яъни буни метафоранинг айрим кўриниши сифатида кўрсатиш мумкин<sup>86</sup>.

Лингвомаданий бирликларни қиёслашда ёки уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда ўша давр маданияти, хусусан, халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Масалан, “Шекспирнинг “Қирол Лир” пьесасида Лирга ўзини афғор Том деб таништирган Эдган унга “ўтмиш тарихи”ни ҳикоя қилиб берар экан, унинг нутқида қўлланилган муқоясавий бирликлар рус ва ўзбек тилларига шу тилларда мавжуд бўлган мувофиқ лисоний воситалар ёрдамида адекват ўтирилган: *...ҳог ин слотҳ, фох ин стеалтҳ, волф ин греединесс, дог ин маднесс, лион ин прай* – КЛ, 105 // *...бил я свинёй по лености, лисой по хитрости, волком по жадности, псом по ярости, лвом по хищности* – КЛ, 539 // *...ялқовликда чўчқа, маккорликда кал, сўқтойликда бўри, баджаҳлликда ит, ваҳшийликда арслон эдим* – ҚЛ, 429. Бирликлар таркибларида жониворларнинг уч тилда ҳам бир хил хулқ-атворни жонлантира олишлари уларни моддий жиҳатдан аниқ таржима қилиш, аниқроғи, уларни тайёр эквивалентлари билан алмаштириш имкониятини берган. Ўзбекча таржимада маккорлик анъанавий “тулки” эмас, балки “кал” образи орқали жонлантирилган экан, ушбу ҳолатда аслиятнинг давр хусусияти тўғри яратиб берилган. Ҳозирги пайтда маккорлик ва муғомбирликнинг тулки феъл-атворига бадий муқояса этилиши анъанавий тус олган бўлса-да, ўтмиш ўзбек адабиётида, хусусан, халқ оғзаки ижодиётида бу хулқ “кал кирдикорлари”га муқояса этилар эди<sup>87</sup>.

Н.Д.Аругюнованинг қайд қилишича, метафорада ёлғон ва ҳақиқат ўзаро бирлашади... Метафора нафақат қисқарган ўхшатиш, шу билан бирга, қисқарган қарама-қаршилик ҳамдир<sup>88</sup>.

Метафораларни ҳам худди ўхшатишлар сингари турғун ва индивидуал-муаллиф метафораларига ажратиш мумкин. Турғун метафораларга *дунё – бу – театр, дунё – бу – китоб, севги – бу – олов, вақт бу – пул* ва ҳ.к. мисол бўлади.

Индивидуал-муаллиф метафораларига Н.Ешонқулнинг “Тун панжаралари” номли қиссасидан олинган куйидаги микромаатндаги метафораларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин: “...Сен нега мени бу хилватга, бу зулматган ташлаб кетдинг? Нега қалбимдаги *имон чироқларини* ўчирдинг? Ахир сендан буни кутмагандим-ку? Мана шу кичкина кўримсиз юрагимда *муҳаббатнинг кемалари* сузиб юрарди-ку? Сен нега мени *ёлғизликнинг йиртқич қузғунларига* ташлаб кетдинг? Нега мени *умидсизликнинг оқ*

<sup>84</sup> Baldinger K. Die Senasiologie. –Berlin: Akademie Verlag, 1957. –S. 87; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –С. 70; Ҳожиев А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981. –Б. 221 ва бошқа манбалар.

<sup>85</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б.95.

<sup>86</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б.95.

<sup>87</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Дарслик. –Тошкент: Фан, 2005. –Б. 214-215.

<sup>88</sup> Аругюнова Н.Д. Метафора дискурс / Теория метафоры. –М.: Прогресс, 1990. –С. 5-32.

айиқларига ем қилиб ташлаб кетдинг?”<sup>89</sup>.

Умуман, метафораларни яратиш механизми қуйидагича бўлади: турли мантикий синфлар орасидан умумий хусусиятлар ва белгилар асосида тенглаштирилган икки хил предмет танлаб олинади. Масалан, *бош* – “тананинг бўйиндан юқориги, олдинги қисми”; бошдаги юқори, олдинги қисмлик хусусияти “сабзавотнинг юмалоқ ўрами” ҳосила маънога кўчирилиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида: *бир бош пиёз*; турк тилида: *бир баъ соған*.

Метафоралар маълум “вақт ўтиши билан ўзининг эстетик қимматини, янгилигини йўқотиши мумкин”. Масалан, *столнинг оёғи, шийшанинг оғзи* ва х.к. Бундай ҳолатларда мазкур метафоралар образлилик яратиш воситаси сифатида истеъмолдан чиқади. Умуман, метафоралар тез эскириб, ўрнига янгиси келиб туриши билан тавсифланади.

### Эвфемизм ва дисфемизм

Турли халқларнинг руҳияти уларнинг тилидаги эвфемизм ва дисфемизмнинг юзага келишида намоён бўлади. Муайян тилнинг мазкур ҳодисаларни тадқиқ этишда ана шу тил эгаси бўлган халқнинг руҳияти, дунёқараши, урф-одатлари, удумлари, ирим-сиримлари, инончлари диққатга олинishi лозим.

*Эвфемизм* ифодага ижобий ёндашувни юзага келтириш мақсади билан амалга оширилади<sup>90</sup>. У шу тилда гаплашувчи халқнинг ирими, маданийлиги билан боғлиқ ҳолда юзага чиқарилади. Проф. А. Ҳожиев эвфемизм ҳодисасини шундай изоҳлайди: “Евфемизм (юн. эупҳемисмос < эу – яхши + пхеми – гапираман) – нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; кўпол беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол ботмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Масалан, *иккиқат, бўғоз* сўзлари ўрнида *ҳомиладор, оғир оёқли* сўзларини қўллаш”<sup>91</sup>. *Дисфемизм* эса ифодага салбий ёндашувни юзага келтириш мақсади билан амалга оширилади<sup>92</sup>.

Мавжуд сўзга эвфемистик маъно юкланар экан, бу маъно қўлланмай қолган сўзнинг маъноси бўлади. Яъни у лексик сатҳга мансуб ҳисобланади. Уни асосан табу билан боғлайдилар. Табуга учраган сўз ёки ибора ўрнида тўғридан тўғри эвфемизм қўлланади, яъни маълум сўзга табуга учраган луғавий бирликнинг маъноси юкланади, у эвфемистик маъно бўлиб қолади<sup>93</sup>.

*Табу* сўзини биринчи марта инглиз капитани Ж. Коок 1777-йилда Полинезиядаги Тонга оролида аниқлаган. *Табу* сўзи тонга тилидаги < *тану* < *та* – “белгиламоқ”, “ажратмоқ” ва *пу* – “бутунлай” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “бутунлай ажратилган”, “алоҳида белгиланган”, яъни “ман этмоқ, тақиқламоқ” маъносини англатган. Табу аксарият халқларнинг мифологик инончлари асосида вужудга келган.

**Табу ё диний, ё ирим, ё ноҳушлик уйғотиши нуқтаи назаридан тақиқлашдир**<sup>94</sup>. Масалан, мусулмонларда “Қуръон” китобини таҳоратсиз қўлга олиш, ўзбекларда қиблага оёқ узатиб ўтириш ё ётиш, мўғулларда пичоқни оловга тикиш ман қилинади. Булар диний нуқтаи назардан белгиланган табулардир.

Табулар иккига: *этнографик* ва *лингвистик* табуларга ажралади. Ўзбекларда супургини, ўқловни тик қўймаслик, бировнинг орқасидан супурмаслик, ахлатдан хатламаслик, оташқуракни оёқ остида қолдирмаслик, супрани эгасиз йиғишмаслик,

<sup>89</sup> Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. –Тошкент: Фан, 2013. –Б. 104.

<sup>90</sup> Қаранг: Вандриес Ж. Язык. –М., 1937. –С. 206; Булаховский Л.А. Введение в языковедение. –С. 49; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –С. 284; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: Советская энциклопедия, 1966. –С. 521.

<sup>91</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2002. –Б. 131.

<sup>92</sup> Ахманова О.С. Ўша луғат. –С. 137

<sup>93</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –С. 284.

<sup>94</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б.120.

ноннинг ушоғини ерга туширмаслик, қайчини очиб қўймаслик, қалампирни қўлга бермаслик, туркий ва эроний халқларда сувни ифлослатмаслик, сувга тупурмаслик, мўғулларда қозондан пичоқ билан гўшг олмаслик, чодирда сув тўкмаслик, оловга яқин жойда дарахт кесмаслик, қамчига таянмаслик, корейслар ва хитойликларда косадаги овқатга қошиқни тикиб қўймаслик (фақат мархумга аталган овқатгагина қошиқ тикиб қўйилади) кабилар иримга асосланган этнографик табулар ҳисобланади.

Лингвистик табу луғавий бирликнинг ё халқ ирими нуқтаи назаридан, ё аташ ноҳушлик уйғотиши нуқтаи назаридан муомалада қўлланишининг тақиқланишидир<sup>95</sup>. Масалан, ўзбек тилида *чаён* сўзи тилга олинмайди. Чунки уни аташ чақириш маъносини беради, деб тушунилади. Маълумки, бу ҳашарот хавфли бўлиб, захари ниҳоятда ўткир. У чакса, қаттиқ азоб беради. Шунинг учун унинг номи ўзбекларда тақиқ қилинган. Яъни *чаён* сўзини тилга олмасликнинг ўзи табу деб қаралади... У (яъни табу таъкид бизники – Ш.У.) бошқа халқларда ҳам кўплаб учрайди. Масалан, немислар ҳам, руслар ҳам, татарлар ҳам ўз тилларида айиқнинг номини атамайдилар<sup>96</sup>.

Эвфемизм табуга учраган сўз маъносини ёқимлироқ ифодали бирор сўз ҳосила маъно сифатида акс этилиши ҳисобланади. Масалан, *чаён* сўзи табуга учраган, қўлланиши ман қилинган эди. Бу лексик ҳодисадир. Унинг маъноси *эшак* сўзида ифода топди. Эвфемизм сўз ёки иборанинг ҳосила маъно юзага келтириши билан боғли ҳолда воқеланади... метафора эвфемик маъно ҳосил бўлишида катта аҳамият касб этади. Масалан, *чаён* сўзи лексик маъноси *эшак* сўзи лексик маъноси сўзнинг эвфемик маъноси сифатида воқеланган. Чунки *чаён* думини гажак қилиб туриши жиҳатидан эшакка ўхшайди. Мана шу ўхшашлик *эшак* сўзида эвфемистик метафорик маъно ҳосил бўлиши учун сабабдир<sup>97</sup>.

Эвфемизмлар “овчилик тили”да кенг қўлланилади. Масалан, рус тилида *медвед* сўзининг ўрнига *лесник*, *хозяин*, *потатич* сўзларидан фойдаланилади. Кабардин тилида *айиқ* – *маймоқ*, *кийик* – *сершоҳ*, *тўнғиз* – *йирик*, *бўри* – *кул ранг*, *қуён* – *уч лабли*, *илон* – *узун думли* ва ҳ.к.дан истифода этилади.

Баъзи ўзбек оилаларида эркак хотинига катта қизининг исми билан, хотин эса эрига катта ўғлининг исми билан хитоб қилади. Хотинга нисбатан *онаси*, *ойиси*, *аяси*, эрга нисбатан *отаси*, *дадаси*, *адаси* каби мурожаат шакллари қўллаш мумкин: *Тўзри*, *дадаси*, *мен айтаман*. *Ҳой онаси*, *суюнчини чўз*. Мазкур хитоб шакллари ибтидоий даврлардан қолган табу қолдиғи бўлиб<sup>98</sup>, у оилада эр-хотиндан кўра кўпроқ болаларнинг ота-она жуфтлигини, шериклигини, яъни болаларнинг қадрини, аҳамиятини намоён қилади. Айни ҳолат корейс тилида ҳам кузатилади. Оилада фарзанд туғилгандан кейин эр-хотиннинг муносабатлари ўзгача тус олади. Уларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати янада ортади. Бу ҳурмат катта фарзанднинг исмини қўшиб хитоб қилиш орқали амалга оширилади: эр хотинига (фарзанднинг исми+омма) *Арим-омма* “Аримнинг онаси”, хотин эса эрига (фарзанднинг исми+абба) *Арим-абба* “Аримнинг отаси”, ёки *эги абба* “боламнинг отаси”, деб мурожаат қилади.

Лингвوماданиятларда эвфемик омонимия ҳам кенг тарқалган ҳодисалардан бири саналади. Масалан, ўзбек тилида *кетмоқ* 1, турк тилида *гитмек* 1, корейс тилида *тораката* (*қайтмоқ*)1, рус тилида *уйти* 1, *кетмоқ* 2 “ўлмоқ”, *гитмек* 2 (Бен гидерсем адм калр / Достлар бени хатирласин), *тораката* 2, *уйти* 2 (“ушёл из жизни”); ўзбек тилида *хайрлашмоқ* 1, турк тилида *ведалашмак* 1 *хайрлашмоқ* 2 “ўлмоқ” (Бултур шунақа “ука”лардан учтаси билан хайрлашдим...), *ведалашмак* 2; ўзбек тилида *кузатмоқ* 1, турк

<sup>95</sup> Булаховский Л.А. Введение в языковедение. –С. 49; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: Советская энциклопедия, 1966. –С. 467.

<sup>96</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б.121.

<sup>97</sup> Миртожиев М. Кўрсатилган асар, 122, 124-бетлар.

<sup>98</sup> Kuçkartayev İ. Özbeklerde Hitap Sözlere ve Hitap Kültürü // Uluslararası Dördüncü Türk Kültürü Kongresi Bildirileri. A., 2000, s. 325.

тилида *уғурламак 1*, *кузатмоқ 2* “ўлмоқ” (Тунов куни қишлоқ энг азиз кишисини кузатди), *уғурламак 2* ва ҳ.к.

Хуллас, “**евфемизм** табуға учраган ёки аташ учун ноқулайлик туғдирадиган сўз ўрнида ёқимли ҳис уйғотувчи белги бериш мақсадида, худди шундай белгига яқин нарса, ҳаракат, ҳолат кабиларнинг номи ёки ўша ноқулайликни ёпиб юборувчи сўз ё луғавий бирлик билан аташдир”.

**Дисфемизм** сўзловчининг тингловчига ёки бирор предметга нисбатан масҳара, истехзоли, илтифотсиз қарашини билдиради<sup>99</sup>. Дисфемизмлар сўзнинг деярли ҳосила маъноси сифатида юзага келади. У ҳосила маънони юзага келтирувчи қуйидаги ҳодисалар натижаси бўлади<sup>100</sup>:

1. Метафорага кўра ҳосил бўлади. Масалан, *чўққа* (ўзбекча), *домуз* (туркча), *твезжи* (корейсча); *тулки* (ўзбекча), *тилки* (туркча), *ёу* (корейсча).

2. Метонимияга кўра ҳосил бўлади. Масалан, *чувринди*, *эшак* каби дисфемизмлар одамга нисбатан қўлланар экан, ё унинг устидаги, ё унинг ҳаракатига қараб алоқадорлиги назарда тутилган.

3. Синекдохага кўра ҳосил бўлади. Масалан, *қорин* (ўзбекча), *гөбек* (туркча), *калла* каби дисфемизмлар одамга нисбатан қўлланар экан, унинг белгили мучаси эътиборга олинади.

Дисфемизмлар тилнинг яшовчан қатлами бўлиб, улар барқарорлиги билан тавсифланади.

Ижтимоий мулоқот тизимида инсонлар мазкур жамият, гуруҳ ва ижтимоий муҳитда қабул қилинган рамзлардан фойдаланмасдан яшай олмайдилар. Инсонни хайвондан фарқловчи жиҳатлардан бири – унинг рамзлаштиришга бўлган эҳтиёжидир. Замонавий антропологияда Б.Франклиннинг (*тоолмакинг анимал*) формуласи бироз ўзгартирилиб, “инсон ўзининг табиатига кўра *сймболмакинг анимал*, яъни инсон нафақат “меҳнат қуроллари ишлаб чиқарадиган”, балки “рамзлар яратадиган” маҳлуқ ҳамдир”, деб талқин қилинади. Демак, дунё рамзлардан иборат, рамзлар инсониятнинг илк, ҳақиқий ижодидир.

Инсон моддий муҳитдан ташқари, рамзий оламда ҳам яшайди. Инсон ўз тарихининг илк даврларида маънолар дунёсида яшаган, дунёни рамзлар орқали қабул қилган, табиат билан рамзлар орқали муносабатда бўлган. Шунга кўра, “инсон тилини тўла маънода рамзлар тили дейиш мумкин”. Рамзлар ўз-ўзидан шаклланмаган, улар инсоннинг билиш маҳсули сифатида вужудга келган.

Инсонлар ўртасидаги алоқа “рамз” (“символ”) сўзининг ўзида акс этган. Юнонча “символ” сўзи дастлаб сопол ёки чинни парчасини ифодалаб, дўстона муносабатлар белгиси бўлиб хизмат қилган. Меҳмонни кузатаётган мезбон меҳмонга сопол ёки чинни парчасининг бир бўлагини берган, иккинчи бўлагини эса ўзида олиб қолган. Бу меҳмон қачондир яна уйга келганида, уни ана шу сопол парчасидан таниб олишган. Демак, қадимги даврларда “символ” сўзи “шахс гувоҳномаси” маъносида қўлланилган.

*Рамз* тушунчаси қатор фанлар нуқтаи назаридан турлича талқин қилинади: 1) рамз – белги билан ўхшаш тушунча (тилларни сунъий формаллаштиришда); 2) ҳаётни санъат воситасида образли ўрганишнинг ўзига хослигини ифодаловчи универсал категория (эстетика ва санъат фалсафасида); 3) муайян маданий объект (маданиятшунослиқда, социологияда ва бошқа ижтимоий фанларда); 4) рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади (фалсафа, лингвистика, семиотика ва ҳ.к.)<sup>101</sup>.

<sup>99</sup> Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б.67.

<sup>100</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б.131.

<sup>101</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С. 95.

Лингвомаданиятшуносликни рамзнинг белгилик жиҳати қизиқтиради. Агарда оддий белги инсонга маъноларнинг предметлар оламига кириш имкониятини берса, рамз маъновий муносабатларнинг предметлар мавжуд бўлмаган оламига кириш имкониятини беради. Рамз инсоннинг англаб бўлмайдиган ботиний томонига мурожаат қилади<sup>102</sup>. Рамзни ўз предмети билан алоқасини йўқотган маъно сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Рамз – инсон руҳиятининг тили бўлиб, у табиат билан ана шу тилда гаплаша бошлаган. Айнан ана шу рамзлар тилида мифлар, эртақлар, дostonлар яратилган. Фолклор рамзлари муайян халқнинг илк тафаккур тарзини, тасаввурларини, ижодини тамсил этади. Жумладан, туркий халқлар оғзаки ижодида “Улген – ёруғлик ва эзгулик. Эрликхон – зулмат ва ёвузлик, Момақалди роқ – тангрилар овози, Яшин – тангрининг ўқи, Сел – ёвуз руҳнинг офати, Тоғ – тилсимли кўрғон, Сув, Тупроқ – тириклик, Ғор – руҳлар макони, Осмон – эзгулик тангрилари, Ер ости – ёвуз руҳлар маконининг рамзи, кодлашган исмлари”<sup>103</sup> бўлган.

Қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналарининг энг катта маънавий бойлигимиз эканлигини Президентимиз И.А.Каримов ҳам алоҳида таъкидлаганлар: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб кўлёмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат ... ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан кам топилади”<sup>104</sup>.

Демак, халқ оғзаки ижодида муайян даврда яшаган аждодларимизнинг кечинмалари, тасаввурлари муҳрланган. Уларда ифодаланган рамзларни тадқиқ этиш ва уларни тўғри талқин қилиш аждодларимизнинг ички дунёсини ёритиб беришга, бизни уларга яқинлаштиришга, маънавиятимизни бойитишга хизмат қилади.

#### **Турли лингвомаданиятларда рамзлар талқини**

Рамз – ташқи дунёнинг турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳидаги аксидир. Ҳар бир инсонда, ҳар қандай маданият вакилида ички дунёни ўзига хос қабул қилувчи “туғма механизм” мавжуд бўлади. Бу “туғма механизм” ташқи дунёни рамзлар, тимсоллар орқали “қайта ишлаб” қабул қилишга мослашгандир.

Ижтимоий мулоқот тизимида муайян объектлар, масалан, предмет, ҳаракат, ҳодиса, матн, тасвир, ҳайвон, ўсимлик, ранг, рақам ва ҳ.к. рамз бўлиб хизмат қилади. Рамзлар моддий (буюм, предмет), тушунчавий, сўзли, тасвирий ва овозли бўлиши мумкин.

#### **Ҳайвон рамзлари**

*От* – Маҳмуд Кошғарийнинг таъбири билан айтганда “туркнинг қанотидир”<sup>105</sup>. “От туркий қабилаларда тотем жониворлардан бири бўлиб, эзгулик руҳи сифатида шомонга ёвуз руҳ устидан ғалаба қилишда ёрдам беради. Шомонларнинг ҳассалари кўпинча от рамзини ифодалайди ва ўзбек халқида ҳозиргача отнинг деви бор деган инончлар сақланиб қолган”. Фарғонада, Қўқонда, Самарқандда, Ўратепада девни от қиёфасида тасаввур қилинади. ўзбек халқ эртақлари ва дostonларида “от қаҳрамоннинг садоқатли йўлдоши, ҳамроҳи, ёрдамчиси, баъзан ўринбосари сифатида учрайди. Алпомишни Бойчибор, Гўрўғлини Ғиротсиз тасаввур қилиб бўлмайди. “Паҳлавон Рустам” эртагида от Рустамни ҳамиша фалокатлардан асрайди. “Маликаи айёр” дostonида от қаҳрамоннинг саргузашти ва қаҳрамонликларига тенг шерик. Эртақ ва дostonларда девлар ҳам баъзан от кўринишида келади ёхуд бир юмалаб отга айланади. Бир афсонага кўра, отлар тангрилар билар аждарҳолардан тарқалган. Шу сабабли халқ оғзаки ижодида қанотли отлар кўп

<sup>102</sup> Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. –М.: Флинта, Наука, 2010. –С. 189.

<sup>103</sup> Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши: Насаф, 1999. –Б. 67.

<sup>104</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 23.

<sup>105</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-том. –Тошкент: Фан, 1960. –Б.83.

учрайди”<sup>106</sup>. Ўзбек инончларига кўра, ўлими яқинлашган ёки ўлим хавфи туғилган кишининг тушига от кириб, ўлимдан дарак беради. Ислонда от бахт ва бойлик; буддизмда нарсаларнинг яширин табиати; насронийликда Куёш, жасорат, олижаноблик; келт мифологиясида от-худолар образи; хитой мифологиясида само, олов, жануб, шунингдек, мучаллардан бири; япон мифологиясида оқ от – меҳр, раҳм-шавқат маъбудаси, қора от – ёмғир худоси; Сибир ва Олтой шомонлигида қурбонлик хайвони сифатида талқин қилинади.

*Бўри* – туркий халқларнинг тотеми бўлиб, у жасурлик, бўйсунмасликни тамсил этади. Келт мифологиясида бўри куёшни ютиб юборувчи; Хитойда ебтўймаслик, очкўзлик; насронийликда ёвузлик, ваҳшийликни ифодалайди.

*Кўй* – ислонда қурбонлик хайвони; насронийликда Исо Масих – чўпон ва қурбонлик кўзиси; индуизмда оташ тангриси, муқаддас олов тимсолидир. Ўзбек халқ эртақларида кўк кўчкор – афсонавий хомий жонивордир.

*Тулки* – аксарият маданиятларда айёрлик, алдоқчилик, ёлғончилик тимсоли сифатида талқин қилинади. Японияда оқ тулки – тўкин-сочинликни англатади. Хитойда тулки – узоқ умрни тамсил этади. Шунингдек, хитой ва корейс халқларининг мифологиясида тулкининг қизга айланиб қолиши қизнинг кенг тарқалган. Хитойликларнинг қадимий инончларига кўра, тулки эллик ёшида аёлга, юз ёшида ёш қизга айланади. Минг йил яшаган тулкида тўққизта дум пайдо бўлади ва у Самовий Тулки (тен-ху)га айланади. Самовий Тулки нафақат аёл қиёфасига, балки эркак қиёфасига ҳам кира олади.

*Аждар* – энг мураккаб ва универсал тимсол. Узоқ Шарқ маданиятида, кўпинча аждар билан илон фарқланмайди. Аждар, илон мақоми вазифасини ўтайди. Хитойда илон-аждар ҳаётнинг бошланиши, камалак, у дунё ва бу дунё орасидаги кўприк, шунингдек, мучаллардан бири саналади. Аждар шомонлик мақомини белгиловчи қиёфа ҳисобланади. “Ҳозирги Хитой, Япония, Корея ва Шарқий Осиё ибодатхоналарида сақланиб қолган шомонлар одатига кўра, шу кунларда ҳам аждар, илон рақслари ўйналади”<sup>107</sup>. Қадимги турклар шомончилигида аждар – Бўрон, Қуюн тимсоли; булут, яшин каби табиат стихиялари яхлит ҳолда аждархо – тангри сифатида тушуниланган. Ўзбек халқ эртақларида аждар – ёвуз, йирткич руҳ тимсоли. Ҳинд, грек, арман халқларининг афсона ва мифларида аждархо сув, ҳосилдорлик, сел, дарё, денгиз ва бошқа табиат стихиялари худоси сифатида тасвирланади. Насронийликда аждар ёвуз, қора куч, шайтонни тамсил этади.

*Илон* – ҳам мураккаб ва универсал тимсоллар сирасига киради. Туркий халқлар орасида кенг тарқалган мифологик қарашларга кўра, узоқ яшаган илон маълум вақтдан кейин аждархога айланади. Масалан, татар мифларидан бирида қайд қилинишича, бир ёшдан саккиз ёшгача бўлган илон – “ҳаят” деб аталса, саккиз ёшдан юз ёшга киргунча “афчи”, юз ёшдан минг ёшга қадар “аждаха”, минг йил умр кўрган илон “юхо” деб аталади. Юхо қиз шаклига энишга қодир бўлади. Тўққиз мингга кирган илон “ялмоғиз кампир”га айланади<sup>108</sup>. Японияда илон момақалди роқ маъбудаси саналади. Грецияда илон ақллилик, донолик, қайта тирилиш; Америка хиндулари маданиятида чакмоқ, ёмғир ташувчиси; келт эпосида шифобахш сув, булокни тимсоли сифатида тушунилади. Буддизмда ёвузлик; насронийликда шайтон; яҳудий анъаналарида ёвузлик, гуноҳ, шахват рамзини билдиради.

### Қуш рамзлари

*Қантар* – аксарият маданиятларда тинчлик; япон ва хитой маданиятида узоқ умр, ҳурмат; шумер-семит маданиятида илоҳий куч; юнон-рим маданиятида севги ва ҳаётнинг янгилиниши; яҳудийларда беғуборлик; насронийликда Муқаддас руҳ рамзи сифатида талқин этилади.

<sup>106</sup> Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши: Насаф, 1999. –Б. 68-69.

<sup>107</sup> Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши: Насаф, 1999. –Б. 46.

<sup>108</sup> Жўраев М., Саттиева Д. Ўзбек фольклорида ҳаёт дараҳти. –Тошкент: Фан, 2010. –Б.13.

*Қалдирғоч* – ўзбек маданиятида баҳор, омад; япон маданиятида ҳам вафосизлик, ҳам содиқлик, она ғамхўрлигини англатади. Хитойда журъат, хавф, садоқат, яхши ўзгаришлар тимсоли сифатида баҳоланади. Насронийликда қайта тирилиш, янги ҳаётни тамсил этади.

*Ўрдак* – Қадимги Мисрда тасвирий санъат предмети, қадиги юнон санъатида севги маъбуди Эросни ифодалайди. Хитой ва Кореяда жуфтлик, садоқат рамзи бўлиб, бахтли никоҳни тамсил этади. Шунинг учун никоҳ тўйларида келин-куёвга ўрдак ҳайкалчалари совға қилинади.

*Бойқуш* – ўзбек маданиятида ўлим, ёмон хабар; рус маданиятида тунги фаолият; япон маданиятида ўлим, ёмонлик аломати сифатида талкин қилинади. Хитойда ёвузлик, жиноят, ўлим, даҳшат, кўрнамак фарзандлар; Мисрда ўлим, тун, совуқлик; Америка хиндуларида донишмандлик, башоратгўйлик; Мексикада тун, ўлим рамзи бўлиб келади. Яҳудий анъаналарида сўқирлик; индуизмда ўликлар маъбуди; насронийликда шайтон, қора кучлар, қайғу, ёмон хабар тарзида шарҳланади.

*Лайлак* – ўзбек маданиятида баҳор, бахт-саодат; хитой маданиятида узоқ умр, бахтли ва хотиржам кексалик, ота-онага қарайдиган, уларни иззат-хурмат қиладиган ўғил; Мисрда ҳам ота-онага қарайдиган, уларни иззат-хурмат қиладиган ўғилни тамсил қиладди. Чунки лайлакка ота-онаси кексайганда уларни боқадиган куш сифатида қаралади. Юнон мифологиясида лайлак маъбудаси – ҳаёт берувчи, боқувчи аёл кўринишида тасвирланган. Насронийликда софлик, озодалик, хурмат ва хушёрлик тимсоли сифатида талкин қилинади.

*Қарга* – ўзбек ва рус маданиятларида совуқ қор, ёмон хабар элчиси.

#### **. Дарахт ва ўсимлик рамзлари**

“Дарахт” тушунчаси турли халқларнинг тасаввур оламида ҳар хил сўзларнинг ассоциатив қаторини ҳосил қиладди. Масалан, *дарахт* деганда ўзбеклар чинор, қайрағоч, тут, теракни, турклар тол (*сöğüt*), арча (*çam*)ни, руслар дуб, қайин, эманни, японлар сакуруни, хиндлар палма ёки бамбукни тасаввур қилиши мумкин.

“*Ҳаёт дарахти*” – дунё маданиятида оламнинг асоси (ўзак, ўқ, устун), яъни осмон, замин ва ер ости оламларини ўзаро бирлаштириб турувчи восита сифатида тасаввур қилинади. “Ҳаёт дарахти”нинг ўзбек фольклоридаги тимсоли чинордир. Чинор узоқ умр рамзи саналади. Қадимги хитойликлар тут дарахтини “ҳаёт дарахти” сифатида талкин қилганлар.

*Қайрағоч* – туркий асотирларда муқаддас дарахт ҳисобланади. “Олтой афсоналарига кўра, Қорахон ўзи бунёд этган оролга тўққиз шохли қайрағоч дарахтини ўтказди. Бу дунёдаги илк қайрағоч бўлиб, унда тангри тимсоли акс этарди. “Маликаи айёр” достонида девларнинг макони қайрағоч билан боғланади”<sup>109</sup>.

*Атиргул* – аксарият маданиятларда қизил атиргул – севги, оқ атиргул – ажралиш, қора атиргул эса – қайғу, ҳасратни ифодалайди.

*Хризантема* – Хитойда ўлим, қабристон тушунчаларини ассоциациялайди.

*Қирққулоқ* – японлар учун кириб келаётган янги йилда омад тилаш; руслар учун эса ўлим, қабристон тимсоли саналади.

*Бодрезак (калина)* – рус анъаналарида қиз, севги тимсоли ҳисобланади.

*Шувоқ, ёвшан (полин)* – рус лингвوماданиятида қайғу, ғамни англатади.

#### **Рангларнинг рамзлари**

*Оқ ранг* – деярли барча халқлар лафзида софлик, ростгўйлик, эзгулик тимсоли сифатида ифодаланади. Ўзбек маданиятида оқ ранг покизалик, мусаффолик, эзгулик рамзини англатади. Масалан, оқлик, оқ ўрар, она сутидек оқ, оқ от ёки келинларнинг оқ либос кийишлари. Рус халқ оғзаки ижодида оқ – яхшиликни англатади. Узоқ Шарқ мамлакатлари маданиятида оқ – мотам рангини билдиради. Агар мотамда қора кийим кийилса, марҳумнинг руҳи ҳеч нарса кўрмайди, деб ишонилган. Шунинг учун ҳам

<sup>109</sup> Эшонкулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши: Насаф, 1999. –Б. 71.



мотамда оқ ранг бу дунёдан кейинги ҳаёт, кўриш рамзи ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида ҳам мотамда оқ кийим кийиш удуми мавжуд. Баъзи лингвомаданиятларда оқ ранг қўрқоқлик тимсоли сифатида келади. Масалан, Биринчи жаҳон урушида ҳарбий хизматдан қочиб кетган франсуз аскарлари ёки зобитига қўрқоқлик рамзи сифатида оқ патлар юборилган.

*Қора ранг* – турли лингвомаданиятларда ёвузлик, ўлим, тун, ғам-ғусса, қайғуни ифодалайди. Қора осмон, қора ер, ғор, чуқур, қабр қоронғулик салтанати, марҳумлар диёри бўлиб, у ерда қандайдир хавф-хатар, таҳдид яширингандек талкин қилинади. Рус халқи тилида “черный” (қора) сўзи эски, қари, ифлос, тугалланмаган, ёруғликдан маҳрум қандайдир нарсани англатади: *черная старуха, чернавка, черный ход, черный пол, черновик*. Африка халқларида ёвузлик, ёмон нарсалар, бахтсизлик, фалокат, касаллик, жодугарлик, ўлим, шахват, тун каби маъноларни англатади. Шарқ ва Ўрта Осиё маданиятида баъзан қора ранг улуғворлик, буюқлик рамзи сифатида талкин қилинган.

*Қизил ранг* – қадимдан инсоният ҳаётида муҳим рол ўйнаб келган. Рус тилида *красный* (қизил) ва *красивый* (чиройли) сўзлари бир ўзакдан ҳосил бўлгани учун ҳам қизил ранг ижобий маъно касб этади. Масалан, *Красная площадь* (Қизил майдон) ва *красная девиса* – чиройли қиз; ёки *красные дни* – муваффақиятли пайтлар, яхши давр. Хитойда қизил ранг фаровонлик, тўкин-сочинлик ва бахтли ҳаётни тимсоли сифатида қабул қилинади, шунингдек, қизил дарвозалар олий табақадаги зодагонлар, бойлар яшайдиган уйларни ифодалаган. Узоқ Шарқ мамлакатларида қизил ранг келин ва куёв атрофидаги барча буюмларда ўз аксини топган бўлади. Корея ва Мўғулистонда янги йил кийимларига тумор сифатида қизил доирачалар тикиб қўйилади. Айрим лингвомаданиятларда қизил ранг жуғрофий белги сифатида қўлланилади. Масалан, Майя қабиласида қизил ранг шарқни, Қадимги Мексиканинг тоғли халқларида жанубни ифодалаган.

Айтилганлар билан бирга, қизил ранг турли маданиятларда қондан оқадиган ҳаёт, тириклик тимсоли бўлиб ҳам келади. Баъзан таҳдид, уруш, куч-қудрат, жасорат, ҳақиқат рамзини ифодалайди. Масалан, ХВИИ асрдан бошлаб Британия ҳарбий-денгиз флотининг байроғи қизил рангда қабул қилинган ва у “жангга даъват” маъносини англатган. Туркия Жумҳурияти кўплаб турк халқининг қони тўкилиши эвазига ташкил топганлиги учун ҳам унинг байроғи қизил рангда қабул қилинган. Ёки 1917-йилдан 1991-йилгача Россия Федерациясининг давлат байроғи қизил рангда бўлган. Шунингдек, аксарият давлатларнинг йўл ҳаракатида қизил ранг “Тўхташ!” деган оғоҳлантиришни англатади.

*Яшил ранг* – қатор маданиятларда янгиланиш, баҳор, барҳаётликни ифодалайди. Яшил ранг – ёшлик, умидни англатиш билан бирга, ёш, тажрибасиз кишиларга нисбатан ҳам қўлланилади. Қатор ислом давлатларининг байроғида яшил ранг мусулмонликни тамсил этади. Айрим маданиятларда яшил ранг бахтсизликни ифодалайди. Масалан, инглиз иримларига кўра, келиннинг сепига бирон яшил рангли нарса кириб қолса, у албатта, бахтсизлик келтиради. Хитой ва Узоқ Шарқ лингвомаданиятида яшил ранг очкўзлик, қайсарлик ва тамагирлик рамзи ҳисобланади. Денгиздаги яшил байроқ кема ҳалокатидан дарак беради. Йўл ҳаракатида яшил рангдан “Ҳаракатланиш мумкин!” ёки “Йўл очик!” маъносини ифодалаш учун фойдаланилади.

*Стереотип* – муайян гуруҳ ёки жамоанинг соддалашган, схемалашган, эмоционал бўёқдор ва фавқулодда барқарор бўлган образи, турли маданият вакиллари тили ва тафаккурининг ўзига хослигидир. Стереотиплар ҳеч қачон алоҳида кишиларда пайдо бўлмайди, улар ҳар доим гуруҳларда юзага келади.

Стереотип ҳодисаси нафақат тилшуносларнинг ишларида, балки социологлар, этнографлар, когнитологлар, психологлар ва этнопсихологларнинг ҳам тадқиқотларида ўрганилади. Ушбу фанларнинг ҳар қайси вакили стереотипларнинг хусусиятини ўз соҳасининг тадқиқоти нуктаи назаридан белгилайди. Шунга кўра, ижтимоий стереотиплар (касбига, ёшига кўра), мулоқот стереотиплари, ментал стереотиплар, маданий стереотиплар, этномаданий стереотиплар ва ҳ.к. фарқланади. Масалан, ижтимоий стереотиплар шахснинг тафаккури ва муомаласини кўрсатади.

Этномаданий ёки миллий стереотиплар энг кўп ўрганилган бўлиб, улар бирон бир халққа хос бўлган умумий хусусиятларни ифодалайди. Этномаданий стереотиплар миллий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни кўрсатади, муайян миллатнинг ўзини ўзи англаши ва менталитетининг таркибий қисми ҳисобланади, шунингдек, миллий характер билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Лингвомаданиятшуносликни кўпроқ этномаданий, яъни миллий стереотиплар қизиқтиради. Масалан, японлар билан дастлаб мулоқотга киришган европаликлар японларнинг қайғули ҳодисалар, жумладан, яқин қариндошларининг касаллиги ёки ўлими ҳақида юзларида табассум билан гапиришларидан хайратга тушишган ва ҳозиргача хайратланишади. Бу каби ҳодисалар бераҳм, шавқатсиз япон стереотипининг шаклланишига асос бўлган. Бироқ мазкур ҳолатда табассумни европа маданиятининг ўлчовларидан эмас, балки япон маданиятининг ўлчовларидан келиб чиққан ҳолда тушуниш мақсадга мувофиқдир. Чунки қайд қилинган ҳолат японларнинг атрофдагиларни ўзининг қайғуси билан безовта қилмаслигини тимсоллайди.

Маданиятлараро мулоқотда ўзбеклар меҳмондўстлиги, руслар таваккалчилиги, қозоқлар қайсарлиги, турклар ҳиссиётлилиги, хитойликлар сертакаллуфлиги, японлар хушмуомалалиги, италянлар қизиққонлиги, эстонлар сусткашлиги, немислар тартибга аниқ риоя қилиши билан бутун халқ ҳақидаги стереотип тасаввурларни юзага чиқарган.

Қайд қилинган этномаданий стереотиплар орасида, айниқса, немис стереотипи ўзига хослиги билан ажралиб туради. Немис маданиятида тартиб аниқлик, пухталиқ, ўз вақтида бўлишиқ, буйруққа, қонунларга ҳурмат, поғоналиқ, мақсадга интилиш, рационализм сифатида тушунилади. Немис менталитетининг стереотиплари асосида протестантлик этикасининг хусусиятлари ётади. Унда ҳар бир киши ўзининг хатти-ҳаракатлари учун Худо олдида жавоб беради. Шунинг учун ҳам немислар учун қонун муқаддас, барча нарсдан устун ҳисобланади: “Дие Гесетзе охне Ансехен дер Персон хандхабен” (Мансабдан қатъий назар, қонун барча учун бир).

Бир инглиз журналисти тунги соат 2да бахтсиз ҳодисанинг гувоҳи бўлган: бўш йўлни кесиб ўтаётган пиёдани бирданига пайдо бўлган машина уриб юборган. Жабрланган пиёдани касалхонага олиб кетишган. Журналист немис полициячисидан энди нима бўлишини сўраганда, полициячи: “Ҳеч нарса бўлмайди, агарда яшаб кетса, 50 марка жарима тўлайди, чунки у йўлни ўтиш мумкин бўлмаган жойда кесиб ўтди”, - деб жавоб қайтарган.

Стереотип тасаввурлар асосида миллий характерларни очиб беришга қаратилган бир қанча латифалар ҳам яратилган. Масалан, “Бир куни турли миллат вакиллари кино кўришга юборишибди. Филмнинг мазмуни қуйидагича экан: чўғдек ёнаётган чўл ва қиздираётган қуёш. Эркак ва аёл зўрға судралиб кетишмоқда. Бирдан эркак қаердандир серсув апелсин топади ва уни аёлга беради. Томошабинларга шундай савол берилибди: У қайси миллат вакили?”.

Франсуз-томошабин шундай жавоб берибди: “Фақат франсузгина аёлга шундай сермулозамат бўлиши мумкин!” Рус: “Йўқ. Бу рус! Буни қаранг, аҳмоқ. Ўзи ейиши мумкин эди”. Яхудий: Йўқ, бу яхудий. Ким ҳам чўлдан апелсин топа оларди?” Мазкур стереотиплар воситасида франсузларнинг сермулозаматлиги, русларнинг бепарволиги ва яхудийларнинг уддабуронлиги кўрсатилган.

Кишилар этномаданий стереотипларни намуна сифатида қабул қилишади ва “бошқалар қулмаслиги” учун уларга мослашишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун ҳам стереотиплар кишиларга катта таъсир кўрсатади. Стереотипларда акс этган хусусиятлар кишиларда ҳам шакллана бошлайди<sup>110</sup>.

Этномаданий стереотипларни ўрганган этнопсихология мутахассисларининг қайд қилишларича, иқтисодий жиҳатдан юксак даражада ривожланган миллатларда ақллиқ, ишбилармонлиқ, уддабуронлиқ, иқтисодий жиҳатдан қоққ бўлган миллатларда эса меҳр-

<sup>110</sup> Маслова В. А. Лингвокультуроология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С. 108.

мурувват, самимийлик, меҳмондўстлик каби фазилатлар мужассамлашган бўлади. С.Г.Тер-Минасовага (2000, 255-бет) кўра, инглиз жамиятида касбий маҳорат, меҳнатсеварлик, масъулият ва ҳ.к., рус жамиятида эса меҳмондўстлик, киришимлилиқ, ҳаққонийлик сингари ҳислатлар қадрланади.

В.А.Маслованинг фикрича, “стереотиплар ҳар доим миллий бўлади, агар бошқа маданиятларда айни стереотиплар учраб қолса, унда улар ҳақиқий эмас. Ёки улар бир-бирига тўла мос келса ҳам барибир қайсидир жиҳатлари билан фарқ қилади. Масалан, турли маданиятларда навбатга туриш ҳолатлари ҳар хил бўлади, шунга кўра стереотип муомаласи ҳам фарқ қилади. Россияда “Ким охири?” деб сўралади ёки шунчаки навбатга турилади. Европа мамлакатларининг аксариятида навбатга туриш учун махсус аппаратдан чипта (рақам ёзилган кичик қвитанция) йиртиб олинади ва шундан кейин дарча тепасидаги электрон рақамлар таъқиб қилинади”<sup>111</sup>. Америка ва Жанубий Кореяда ҳам банк, почтаҳона, касалхона ва ҳ.к.даги навбат махсус аппаратдан йиртиб олинган чиптага мувофиқ таъқиб этилади. Ўзбек маданиятида ҳам навбатга туриш учун “Ким охири?” деб сўралади. Баъзан жуда катта навбат бўлган ҳолатларда рўйхат қилинади.

### **Стереотип юзага келишининг сабаблари**

Стереотип юзага келишининг сабаблари турличадир. Улардан асосийлари қуйидагича:

**1. Онгининг ҳимояли реакцияси.** Информациялар ҳажмининг доимий равишда ўсиб боришидан миёни ҳаддан зиёд зўриқиши ҳимоялаш. Ахборотларни стереотиплаштириш миёна зўриқишини табиий шаклда ҳимоялашни юзага чиқаради. Мазкур ҳимоясиз инсон онги доимий мулоҳазалардан боши берк кўчага кириб қолиши мумкин. Стереотипларнинг мавжудлиги бу жараённи енгиллаштиради. Кишилар содир бўлаётган ҳодисаларга ҳар доим ҳам эътибор бермасдан, яъни ҳар сафар ҳиссиёт, изтиробларга берилмасдан уларни ўзларининг тажрибасидан маълум бўлган мавзуй гуруҳларга киритишади. Доимо ўзгаришда бўлган дунё инсонни келиб тушаётган ахборотларни қулайроқ ва ихчамроқ моделларга таснифлашга мажбур қилади. Бундай моделлар стереотиплар, деб номланади. Стереотипларни рад этиш инсондан бутун диққат-эътиборини жалб этишни талаб қилиб, унинг ҳаётини битмас-туганмас синовлар ва хатоларга тўлдирган бўларди. Стереотиплар инсонга ўраб олган дунёни фарқлай олиши, уни соддалаштириши, тартибга солишида ёрдам беради. Инсонни ҳар сафар “Америка очиш” ёки “радио ихтиро қилиш”дан халос қилади. Демак, инсоннинг ўз ҳаётида стереотиплардан фойдаланиши табиий ҳол саналади.

**Ўз гуруҳининг қадриятлари, қизиқишлари, ўбрўйи ва ҳ.к.ни ҳимоялаш.** Ўзини муайян маданиятга алоқадор қилиш ва бошқа халқлар билан қиёслаш ҳар бир инсонга унинг ўзига хослигини, индивидуаллигини ҳис қилишига ёрдам беради. Масалан, франсузлар наздида белгияликлар ҳазил-мутойибадан йироқ, калтафаҳм, швецарияликлар – ҳасис, зикна, майдақаш, италянлар – ёлғон-яшиқларни қўшиб гапирадиган, турклар – жисмонан бақувват, инглизлар худбин халқдир.

Инсон стереотипларни турли йўллар воситасида ўзлаштиради.

Биринчидан, бошқа гуруҳлар ҳақида ўйлаш “одати” маълум маънода “она сути орқали” ўзлаштирилади. Стереотипларнинг аксарияти ота-оналар томонидан фарзандларнинг онгига сингдирилган образлар орқали ўтади ва ривожланади. Стереотиплар 12 ёшдан 30 ёшгача бўлган даврда батамом шаклланиб мустаҳкамланади ва уларни бу ёшдан қайин ўзгартиш жуда қийин кечади. Бинобарин, бу нафақат бегона гуруҳларга алоқадор, балки бошқа гуруҳлар наздидаги ўз миллатига ҳам тегишли бўлади. Масалан, ўзбек хонадониде болага “ўзбеклар меҳмондўст, бағрикенг” ёки “лўлилар фирибгар, товламачи” дейилса, бола сўзсиз мазкур стереотипларни қабул қилади.

Иккинчидан, стереотиплар чекланган шахсий алоқалар воситасида ҳам юзага келиши мумкин. Масалан, сизни бозорда Тожикистондан келган савдогар алдаса, сиз

---

<sup>111</sup> Кўрсатилган асар, 110-бет.

бутун тожик халки хақида товламачи деган нотўғри хулосага келишингиз мумкин. Бундай ҳолатда стереотип инсоннинг чекланган информацияси натижасида пайдо бўлади.

Учинчидан, стереотипларнинг вужудга келишида оммавий-ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бўлади. Оммавий-ахборот воситаларининг стереотипларни шакллантириш имконияти чекланмаган. Кўпчилик учун матбуот, радио ва телевидения ишончли манба саналади. Оммавий-ахборот воситаларининг фикри омманинг фикрига айланади.

Умуман, ҳар қандай шахс муайян маданиятлар билан боғланган стереотиплар оламида яшайди. Стереотип турли маданият вакилларининг тили ва тафаккурининг ўзига хослигидир.

“Лакуна” термини илк бор канадалик тилшунослар Ж.П. Вине ва Ж. Дарбелнелар томонидан илмий муомалага киритилиб, унга шундай таъриф берилган: “Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лакуна ҳодисаси воқеланади”<sup>112</sup>.

В.Г. Гак лакуналарни “тилнинг лексик тизимидаги бўшлиқлар, бор бўлиши керакдек кўринган сўзларнинг мавжуд эмаслиги”<sup>113</sup>, деб тушунтиради. Тадқиқотчи лакуналарни мазкур жамиятда тушунчаларнинг мавжудлиги, бироқ уларни ифодаловчи сўзларнинг йўқлиги, бундай тушунчалар учун бошқа тилда алоҳида лексик ифодаларнинг мавжуд бўлиши деб ҳисоблайди. Лакуналарга мисол тариқасида франсуз тилида рус тилига қиёсан *сутка* ва *кипяток* сўзларининг мавжуд эмаслигини келтиради.

Лакуналар (Ж.П. Вине ва Ж. Дарбелне, В.Л. Муравев), оралик, лакуна (К. Хейл), зид сўзлар, ораликлар, лакуналар ёки тил харитасидаги оқ доғлар (Й.С. Степанов), таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар (В.Г. Чернов), муқобилсиз, нол сўз (И.А. Стернин), муқобилсиз ёки фонли лексика (Л.С. Бархударов, Й.М. Верещагин, В.Г. Костомаров), тасодифий лакуналар, таржимасиз лексика (Л.С. Бархударов) ва ҳ.к. қўлланилганини кўриш мумкин.

С.Влахов ва С.Флоринлар лакуна ҳодисасини ифода воситаларининг алоҳида категорияси бўлган реалиялар, яъни “бирон халқнинг маиший, маданий, ижтимоий ва тарихий ҳаёти учун характерли ва бошқа халқ учун бегона бўлган, бошқа тилда аниқ муқобили бўлмаган сўз ва сўз бирикмалари”<sup>114</sup> сифатида талқин қилишган. О.А. Огурсованинг фикрича, мазкур лексемалар қиёсланаётган тилларда ўхшаши бўлмаган сўзлардир. Олима *лакуна* терминини қўллашни маъқул кўради ва уни сўз бирикмаси эмас, коннотациядан ҳоли бўлган қисқа сўз эканлигини; тасвирланаётган ҳодисани фарқлилик даражаси хусусида сўз юритиш мумкин бўлгани учун унга нисбатан муқобилсиз терминини қўллашнинг ўринсиз эканлигини қайд қилади. “Лакуна қиёсланаётган тилларнинг бирида мавжуд бўлган ва бошқасида учрамайдиган грамматик категория, сўзлар ва сўз бирикмаларидир”<sup>115</sup>.

Аксарият тадқиқотчиларнинг тиллар ва маданиятлардаги фарқлиликларни таҳлил қилишда “лакуна” (лот. ласуна – бўшлиқ, чуқурлик, чўнқир жой; франс. ласуне – бўшлиқ, бўш жой) терминини қўллашлари бежиз эмас. А.М.Прохоровнинг таҳрири остидаги “Советский энциклопедический словарь” (М., 1981)да тилшунослик ва адабиётшуносликдаги лакуналар “матнда бўш қолган, тушиб қолган жой” деб изоҳланган. Бунга ўхшаш изоҳни “Словар иностранных слов” (М., 1984)да ҳам учратиш мумкин.

Муайян халқнинг маданиятида бошқа маданият вакиллари томонидан қабул

<sup>112</sup> Vinay J.P., Darbelnet J. Stylistique comparee du fraicais et de l'anglais. –Paris, 1958. –P. 10.

<sup>113</sup> Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. –Л.: Просвещение. Ленингр. от-е, 1977. –С. 261.

<sup>114</sup> Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. –М.: Высш. шк., 1986. –С. 55.

<sup>115</sup> Огурцова О.А. К проблеме лакунарности //Функциональные особенности лингвистических единиц: Сб. трудов Кубанского ун-та. Вып.3. Краснодар: Изд-во Кубанского ун-та., 1979. –С. 79.

килинмайдиган стереотип характердаги бир қатор ўзига хос унсурлар мавжуд бўлиб, улар Й. А. Сорокин ва И.Й.Марковиналар томонидан лақуналар деб номланади. Реципиент ҳар доим ҳам ўзга маданият матнини тўлиқ тушуна олмайди. Матндаги айрим бирликлар унга ғалати туюлади ва улар махсус изоҳ талаб қилади. Бундай бирликлар матн яратилган маданиятнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари, лақуналарни юзага чиқаради.

Лақуналар маданиятлараро мулоқотда тиллар ва маданиятлар ўртасидаги фарқларни кўрсатиб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Лақуналар, асосан, тилларнинг қиёсида сезилади. Масалан, инглиз тилида “юрисст, адвокат” маъносини англатган *lawyer* сўзидан бошқа адвокатлик касбининг турли-туманлигини ифодалайдиган *атторней* “вакил”, *барристер* “олий судларда ишпирок этиш ҳуқуқига эга бўлган адвокат”, *солиситор* “мижозларга ва ташкилотларга маслаҳат берувчи; қуйи судларда ишпирок этиш ҳуқуқига эга”, *соунсел* “юрисстконсулт”, *соунселлор* “маслаҳатчи”, *адвосате* “олий даражадаги адвокат” (Великобритания, 1978) каби сўзлар ҳам қўлланилади. Мазкур ифодаларга ўзбек ва рус тилларидаги фақат *адвокат* сўзигина муқобил бўла олади.

Ўзбек тилида онанинг онасига ҳам отанинг онасига ҳам *буви*, онанинг отасига ҳам, отанинг отасига ҳам *бува* дейилса, турк тилида *аннеанне*, *бабаанне*, корейс тилида отанинг онасига *ҳалмони*, отанинг отасига *ҳарабожи*, онанинг онасига *виҳалмони*, онанинг отасига *виҳарабожи* дейилади. Ёки корейс тилида *обба* “ака” аёлларнинг, *ҳйёһ* “ака” эркакларнинг, *онни* “опа” аёлларнинг, *нуна* “опа” эркакларнинг нутқида ишлатилади<sup>116</sup>.

Кўринадики, ўзбек тилида онанинг онаси// отанинг онаси, онанинг отаси//отанинг отаси каби тушунчалар мавжуд бўлса-да, уларни ифодалаш учун фақат икки сўз: *буви* ва *бувадан* фойдаланилади. Турк ва корейс тилларида эса бу тушунчаларнинг ҳар бири алоҳида сўзлар (*аннеанне*, *бабаанне*, *ҳалмони*, *виҳалмони*, *ҳарабожи*, *виҳарабожи*) воситасида ифодаланган.

Демак, мазкур сўзлар ўзбек тилида лақуналарни юзага чиқаради.

### Лақуналарнинг турлари

Маданиятлараро вербал ва новербал коммуникация жараёнида “мулоқотнинг узилиши”, “мулоқотнинг муваффақиятсизликка учраши”, “ноқулай алоқа”, “лисоний тўқнашув”, “маданий шок” ва х.к. ижтимоий-маданий лақуналарни келтириб чиқаради. Ижтимоий-маданий лақуналарни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Турли лингвомаданият жамоалари вакилларининг миллий-маданий хусусиятларини акс эттирадиган субъектив лақуналар. *Субектив ёки миллий-психологик лақуналар* маданиятлараро мулоқот жараёнида ишпирокчиларнинг миллий-психологик қарашлари бир-бирига мос келмаганда юзага келади. Масалан, немислар ўта тартиблилиги билан бошқа халқлардан ажралиб турса, корейслар аксарият ҳолларда кеч қолиши билан бошқа халқлардан фарқланади. Корейс мулоқотида саломдан кейин катталарга *шикса ҳашоссоё?* (овқат едингизми?) ёки кичикларга *баб моқоссоё* (овқат едингми?), деб сўраш одат (бу одат Корейдаги уруш йилларидаги оғир очарчилик пайтида ҳол-аҳвол сўраш оқибатида шаклланган) бўлса, ўзбек мулоқоти учун бу ҳолат нотабиий саналади. Япон жамияти мулоқот шаклларидаги “ўзиники-бегона” қарама-қаршилиги ҳам субъектив ёки миллий-психологик лақуналарни акс эттиради. Японияда “ўзиникилар” билан диалектлар воситасида мулоқотга киришилса, “бегоналар” билан, хусусан, чет элликлар билан адабий тилда мулоқот қилинади<sup>117</sup>.

2. Турли фаолиятларнинг ўзаро алоқасида миллий-маданий хусусиятларни акс эттирадиган *фаолият-коммуникатив лақуналари*. Мазкур гуруҳга муайян маданиятга хос бўлган хатти-ҳаракат ва имо-ишоралар, урф-одатлар, анъаналар билан боғлиқ маиший ёки кундалик муомала, шунингдек, муомала маданияти қиради. Масалан, “*Бу китоб сизники*

<sup>116</sup> Усманова Ш. Маданиятлараро мулоқотда лақуналарнинг ўрни // Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. V. – Тошкент: “Akademnashr”, 2013. –Б. 152-156.

<sup>117</sup> Усманова Ш. Маданиятлараро мулоқотда лақуналарнинг ўрни // Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. V. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 152-156.

эмасми?” ёки “*Ертага банд эмасмисиз?*” саволига деярли барча маданиятларда “*Йўқ, меники эмас*”, “*Йўқ, банд эмасман*”, деб инкор маъносида *бош чайқаб* жавоб берилади. Корейслар (японлар ҳам) “*Не, не чеки анимнида*” (“*Ҳа, менинг китобим эмас*”) ва “*Не, бабижи ансимнида*” (“*Ҳа, банд эмасман*”), деб тасдиқ маъносида *бош иргаб* жавоб беради. Чунки корейс мулоқотида асосий эътибор суҳбатдошга қаратилган бўлиб, уни ҳурматлаш биринчи ўринда туради. Ёки аксарият халқларнинг сўзсиз мулоқотида *бош бармоқни кўтариши* ҳолати “жуда яхши”, “жуда зўр” маъноларни ифодаласа, корейс мулоқотида “бошлик”, “еркак” ва “мухр” маъноларини англатади. Ўзбеклар ёки айрим халқларда *қўлини олдинга узатиб, кўрсаткич бармоқ* билан “бу ерга кел”, деб ишора қилинса, корейс ёки японларда бу ишора итларни чакириш учун қўлланилади<sup>118</sup>. Бундай лақуналарнинг воқеланиши нафақат у ёки бу мулоқотнинг нотўғри тушунилишига, балки маданиятлараро тўқнашувларни ҳам юзага чиқариши мумкин.

Баъзан турли халқлар маданиятида ранглар ифодалаган рамзий маънолар ҳам ўзига хос лақуналарнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, рус лингвомаданиятида ёшлик “*зелёный юнес*”, “*зелен виноград*” яшил рангнинг коннотациялари воситасида ифодаланса, Хитой анъаналарида мазкур маъно учун оқ ранг коннотациясидан фойдаланилади: *баи миан шу шен* – “тажрибасиз ёшлар, илмга янги кириб келган”<sup>119</sup>.

3. Матнларнинг хусусиятлари (матннинг мазмуни, матнни яратиш ва уни тушуниш, муайян реципиентга йўналиш, муаллиф поетикаси ва х.к.)дан келиб чиқадиган *матний лақуналар*. Масалан, реципиент она тилида бўлмаган матнни ўқиш жараёнида унга “бегона” бўлган маданият билан тўқнашади ва уни ўзининг миллий маданияти доирасида қабул қилишга ҳаракат қилади. Натижада реципиент “бегона” маданиятнинг ўзига хос хусусиятини нотўғри талқин қилади. Бундай ҳолатларда лақуналар матнни тушунмасликдан юзага келади. Шунингдек, муаллиф ва китобхон орасидаги замонда (замонавий китобхон классик асарларни тушунмаслиги мумкин) ҳам фарқ бўлиши мумкин.

4. Маданий макондаги лақуналар у ёки бу лингвомаданият жамоаси вакилларининг маданий макон ва ички кўринишни баҳолашдаги номуносивлигини ифодалайди. Мулоқот жараёни кенг маънода олинганда *маданий макондаги лақуналар*, тор коммуникатив акт миқёсида олинганда *ички кўриниши лақуналари* деб юритилади. Маданий макон деганда ҳар қандай маданият ташувчисини ўраб олган муҳитнинг чексизлиги тушунилади. Маданий маконнинг таркибига қуйидагилар киради:

- у ёки бу лингвомаданият жамоаси вакилларининг атроф-муҳитга қандай аҳамият бериши;

- мазкур жамоа вакилларининг турмуш тарзи, ҳаёти;

- мазкур жамоа вакилларининг билимлар захираси, маданий фонди.

Маданий макон ва уни таркиб топтирувчи атроф-муҳит, турмуш тарзи, билимлар захираси, маданий фонд каби унсурлар бошқа маданият жамоасининг вакили учун лақуна хосил қилувчилар саналади.

Маданий лақуналарнинг ўзига хос турларидан бири *этнографик лақуналар*дир. Улар маълум бир маданиятга оид бўлиб, бошқа маҳаллий маданиятда мавжуд бўлмайди. Этнографик лақуналар кўпинча маиший ҳаёт предметларини тавсифлаш учун хизмат қилади. Бошқа маданият реципиенти улар ҳақида тасаввурга эга бўлмайди, бундай тушунчаларнинг асосий маъноси англай олмайди. Масалан, корейс турмушидаги “*ўндо*л” тушунчаси корейс уйларидаги пол остидаги иситиш тизимини англатади. Ёки ўзбек

<sup>118</sup> Usmanova Sh. O‘zbekcha va koreyscha so‘zsiz muloqotning milliy-madaniy xususiyatlari // International Journal of Central Asian Studies. Vol.9. –Seoul, 2004. –Б. 51.

<sup>119</sup> Вань Ланьсяосюань. Национально-культурные особенности картин мира русского и китайского языков (на материале коннотаций – цветообозначений) <http://jurnal.org/articles/2010/fil128.html>

маиший ҳаётидаги “танча” тушунчаси исиниш жиҳозини билдиради. Табиийки, бошқа маданият реципиентлари мазкур предметлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга, бу тушунчаларнинг маънолари англашга қийналади. Кўринадики, этнографик лақуналар маиший ҳаёт предметларига хос бўлиб, улар тасвирий ва тавсифий изоҳларни талаб қилади<sup>120</sup>.

В.Муравев этнографик лақуналарнинг пайдо бўлишини қиёсланаётган маданиятлардан бирининг соҳибда бошқа маданият вакилида бўлган турли ижтимоий-маданий омиллар натижасида юзага келган лингво-этнографик ассоциациянинг йўқлиги билан боғлайди<sup>121</sup>.

### Лақуналарни бартараф қилиш йўллари

Маданиятлар аралашган бугунги кунда турли тиллар, халқлар, уларнинг маданиятларига қизиқиш, уларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Иккита миллий маданият ҳеч қачон бир-бирига тўлиқ мос тушмайди. Реципиентнинг бошқа маданиятдаги матнни ўз маданияти доирасида қабул қилиши ўша маданиятни тушунмасликка, айрим ҳолларда маданиятлараро тўқнашувларга сабаб бўлади. Лисоний тўсиқлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда ҳам айнан маданиятлардаги фарқлар маданиятлараро мулоқотга халақит қилиши мумкин.

У ёки бу лингвомаданият жамоасининг миллий хусусиятларини ифодаловчи лақуналар чет тилларни ўргатишда ўзига хос тўсиқ саналади. Бироқ маданиятлараро мулоқот тажрибаси мазкур маданиятларнинг миллий ўзига хос фарқларидаги қийинчиликларни бартараф қилишда турли усулларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бинобарин, Г. А. Антипов, О. А. Донских, И. Й. Марковина ва Й. А. Сорокинлар ижтимоий лақуналарни бартараф қилишнинг икки: *тўлдириш* ва *компенсациялаш* усулларига ажратишади<sup>122</sup>.

Лақуналарни *тўлдириш* реципиент учун бошқа маданиятга тегишли бўлган айрим тушунчанинг маъносини очиб бериш жараёнидир. Лақуналарни тўлдиришнинг энг қўп тарқалган тури матн таржимасида миллий-маданий хусусиятга эга бўлган унсурни сақлаб қолишдир. Масалан, *Ин дер Гастстятте бестеллте эр Ҳаскенетер. У ресторанда зираворланган хом гўштдан тайёрланадиган хакенетер олиб келишни буюрди*<sup>123</sup>.

Ижтимоий лақуналарни бартараф қилишнинг яна бир усули *компенсациялаш* бўлиб, унинг асосий вазифаси миллий ўзига хос тўсиқни олиб ташлашдир. Матндаги лақуналарни компенсациялашнинг энг содда тури бошқа маданиятга оид бўлган парчани реципиент тилида беришда муаллиф томонидан реалаялардан фойдаланишдир. Масалан, “*У него (дерева) густая раскидистая крона, продолговатие листья, как у нашей черемухи, только в несколько раз крупнее*”<sup>124</sup>.

Бунда ҳавола ва иқтибослар келтириш компенсациялаш усулининг асосий унсури бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, лақуналар бир томондан миллий маданиятнинг ўзига хос белгиси, менталитет хусусиятлари даражасининг кўрсаткичи бўлса, иккинчи томондан маданиятлараро ўзаро таъсир шароитида ўзга кўринишга кира оладиган бирликлар ҳисобланади. Лақуналарни тадқиқ қилиш лақунология фанини шакллантиришга, унинг тушунчавий-терминологик аппаратини ва тадқиқот методларини ишлаб чиқишга, тиллар

<sup>120</sup> Усманова Ш. Маданиятлараро мулоқотда лақуналарнинг ўрни // Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. V. – Тошкент: “Akademnashr”, 2013. –Б. 154.

<sup>121</sup> Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). –Владимир, 1975. –С.38.

<sup>122</sup> Антипов Г. А., Донских О. А., Марковина И. Ю., Сорокин Ю. А. Текст как явление культуры. Новосибирск, 1989.

<sup>123</sup> Папикян А. В. Социокультурные лакуны: типология, причины появления и способы заполнения при изучении иностранных языков. – С. 481. Электрон вариант.

<sup>124</sup> Пиляцкий Б. Восточная и Южная Азия. М., 1981. - С.175.

ва маданиятлар ўртасидаги фарқларни кўрсатиб беришга, маданиятлараро мулоқотда тўсиқларни енгишга, чет тилларни ўргатишда самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Тилнинг фразеологик фонди халқ маданияти ва менталитетининг қимматли маълумотлар манбайи саналади. Фразеологизмларда муайян халқнинг мифлари, удумлари, ривоятлари, таомиллари, урф-одатлари, маънавияти, ахлоқи ва ҳ.к. ҳақидаги тасаввурлари мужассамлашган бўлади.

Машхур рус тилшуноси Б.А. Лариннинг таъкидлашича, “Фразеологизмлар ҳар доим халқ дунёқараши, жамият тузилиши ва ўз даврининг мафқурасини билвосита акс эттиради”.

Фразеологизмларнинг семантикасида халқ маданияти ривожининг узоқ жараёни акс этади. Ҳар бир тилнинг фразеологизмларида халқ ҳаётига мансуб ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар, ахлоқий ва маънавий-маданий меъёрлар, диний тасаввурлар, миллий анъана ва урф-одатлар, маданий стереотиплар ва архетиплар ўз аксини топган бўлиб, улар авлоддан-авлодга узатилади.

Ф. И. Буслаевга кўра, фразеологизмлар ўзига хос кичик дунё бўлиб, улар аждодлар томонидан авлодларга мерос қилиб қолдирилган ахлоқий қоидалар ва ҳаққоний фикрларни ўз ичига олган қисқа, ҳикматли ифодалардир. Улар миллатнинг ўзига хос руҳини бетакрор образлар воситасида ифодалайдиган ҳар қандай миллий тилнинг жонидир<sup>125</sup>.

В.А. Маслова фразеологизмлар таҳлил қилиб, улар ҳақида қуйидаги гипотезани илгари суради:

1. Фразеологизмларнинг аксариятида аниқланиши лозим бўлган миллий маданиятнинг “изи” мавжуд.

2. Фразеологик бирликларнинг ички шаклида обектив оламнинг у ёки бу ҳодисаларини образли тасаввур бўлган маданий информация сақланади ва у фразеологизмга маданий-миллий бўёқ беради.

3. Маданий-миллий ўзига хосликни аниқлашда маданий-миллий коннотацияни очиш жуда муҳимдир<sup>126</sup>.

Оламнинг лисоний манзарасини яратишда фразеологизмлар алоҳида рол ўйнайди. Аниқроғи, фразеология олам лисоний манзарасининг бўлагидир. Фразеологик бирликлар “халқ ҳаётининг кўзгуси”дир. Фразеологик бирликларнинг табиати тил эгасининг билимлари, ҳаётий тажрибаси ва мазкур тилда сўзлашувчи халқнинг маданий-тарихий анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир. Фразеологик бирликларнинг семантикаси инсон ва унинг фаолиятини тавсифлашга қаратилади<sup>127</sup>.

Фразеологик бирликлар ҳар доим субектга қаратилган бўлади, яъни улар оламини тасвирлаш учунгина эмас, балки уни талқин қилиш, баҳолаш ва унга субектив муносабат билдириш учун юзага келади. Фразеологизм ва метафоралар айнан мана шу жиҳати билан бошқа атов бирликларидан ажралиб туради.

Ҳар бир халқ вакили ўз фикрини образли ёки ҳис-ҳаяжонли тарзда ифода этиш мақсадида барқарор сўз бирикмалари яратишда ўзига яқин ёки таниш нарса ва ҳодисалар номларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Масалан, “бошдан-оёқ”, “тўла-тўқис”, “бутунлай”, “тамомила” тушунчаларининг образли ифодаси учун юнон тилида *От алфи до омеги* ибораси ишлатилади. Мазкур иборанинг таъсирида турк тилида *Аъдан Зъе кадар* рус тилида *От А до Я* иборалари пайдо бўлган. Ёки юнон тилида “ибтидо ва интиҳо”, “ҳаётнинг боши ва охири” маъносида “Алфа ва Омега” ибораси қўлланилади. Айни

<sup>125</sup> Буслаев Ф. И. Русские пословицы и поговорки, собранные и объясненные. –М., 1954. – С. 37.

<sup>126</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С. 82.

<sup>127</sup> Фразеологический словарь русского литературного языка / Под ред. А. И.Федорова. – М., 1996; Образные средства русского языка / Под ред. В.Н.Телия. –М., 1995.



ибораларнинг образлилиги мазкур тиллардаги биринчи ва охириги ҳарфларнинг мажозий қўлланилиши – бир-бирига қарши қўйилиши асосида вужудга келган.

Лингвомаданиятшунослик фанининг асосчиларидан бири, Москва фразеологик мактабининг раҳбари В.Н.Телиянинг ёзишича, тилнинг фразеологик таркиби “лингвомаданий жамоа миллий ўзлигини кўрадиган кўзгудир”. Айнан фразеологизмлар тил эгасининг дунёни, ҳодисаларни ўзига хос кўришини намоён этади<sup>128</sup>. Масалан, ўзбек халқининг турмуш тарзи (*бозор баҳоси* “ҳамма қатори, ҳеч ён босмай”, *хирмон кўтармоқ* “ёкин-тикинни йиғиб, ҳосил меъёрини ҳисоб-китоб қилмоқ”), миллий кийим-кечаклари (*тўн кигизмоқ* “қўшиб-чатиб, пардозлаб гапирмоқ”, *кавушини тўзрилаб қўймоқ* “хайдаб юбормоқ”), егуликлари (*хамир учидан патир* “катта кўп нарсадан бошланғич ва кичик бир қисм”) ва ҳ.к .

### **Фразеологизмларнинг миллий-маданий семантикаси**

Фразеологизмларнинг муайян гуруҳи халқларнинг урф-одатлари, анъаналари ва иримлари таъсирида шаклланади. Масалан, “қиз болани гўдаклигидаёқ бўлажак қайлиғи деб белгилаб қўймоқ” маъносида ўзбек тилида *қулогини тишламоқ*, турк тилида *бешик кертме ниҳанли*, “кўзикмасин” маъносида ўзбек тилида *кўз тегмасин*, турк тилида *назар деғмесин*, “келин қилиб олишга шартлашиб келмоқ” маъносида ўзбек тилида *бошини боғламоқ*, турк тилида *баши бағли олмак*, “айтган фикринг асло ҳақиқатга айланмасин” маъносида ўзбек тилида *нафасингни ел учирсин*, турк тилида *ағзидан ел алсин* каби иборалар шулар жумласидандир. Ёки русларда ёшларнинг никоҳдан кейинги бахтиёр дамлари *медовий месяц* ибораси воситасида ифодаланади. Ўзбеклар бунга «чилла» дейдилар. Ўзбек тилидаги *чилласи чиқди* ибораси “туққанига қирқ кун бўлди” маъносида қўлланилади.

Фразеологик бирликлар халқ оғзаки ижодиёти, турли-туман афсоналар асосида пайдо бўлиб, улар таркибида машҳур тарихий ҳамда диний-мифологик шахслар номлари учраши мумкин. Масалан, *Хўжа кўрсинга* “шунчаки номигагина”, *Мусонинг аламини Исодан олмоқ* “айбдор четда қолиб, айбсиз кишига қарши иш тутмоқ”, *Хизрни йўқласам бўлар экан* “кимнидир кўриш истаги кўқисдан рўёбга чиққанда айтиладиган ибора”. Турк тилида: *Бир Көрөғлий бир Айваз* “бола-чақаси йўқ эр-хотин”, *Дердини Марко Пашаъя анлат* “дардини эшитадиган ҳеч ким йўқ”.

Турли географик номлар ҳам фразеологик бирликлар компонентлари вазифасини бажариши мумкин. Масалан, ўзбекча фразеологик бирликлар таркибида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шаҳар, қишлоқ, дарё ва саҳролар номлари учрайди... Фразеологик бирликлар таркибида қўлланилган топонимлар ўзлари жонлантирадиган сифат ва белгилар, чунончи, узоқлик, сахийлик, тақводорлик каби аломатлар тимсоллари сифатида намоён бўлади. Масалан, *бева хотинга Бухородан ит хуради, онасини Учкўрғондан кўрсатмоқ* фразеологик бирликлари таркибидаги “Бухоро”, “Учкўрғон”, *до Москви не перевешаеш, кричат во всю Ивановскую* фразеологизмлари таркибидаги “Москва”, “Ивановская” Ўзбекистон ва Россия ҳудудларида жойлашган географик номлар бўлса, *язик до Киев доведет, тухуми Бағдоддан келибдими?*, *До ин Роме ас тхе Романс до* номларидир<sup>129</sup> ёки “умид қилган, кутган нарсанинг тескариси бўлиб чиқди” маъносидаги *Гөрйндий Сивасын бағлари*, “бу иш ҳозирча бўлгани билан кейинчалик орқасидан ғавғо чиқади” маъносидаги *Караманъин коюну, сонра қикар оюну* таркибида фойдаланилган “Киев”, “Бағдод”, “Роме (Рим)”, “Сивас”, “Караман” шаҳарлари рус, ўзбек, инглиз ва турк халқлари узоқ асрлар давомида муносабат-мулоқотда бўлиб келган шаҳар номларидир.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос кийим-кечак номлари ва реалиялари ҳам миллий фразеологизмларни ҳосил қилишда асос вазифасини ўтайди. Масалан, *тўнини тескари кийиб олмоқ* “ўчакишган ҳолда қасарлик қилмоқ”, *дўппини осмонга отмоқ* “жуда хурсанд бўлмоқ”, *дўппи тор келди* “илож-имконсиз оғир аҳволга тушмоқ”, *бир-икки яқтакни*

<sup>128</sup> Кўрсатилган бет.

<sup>129</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Дарслик. –Тошкент: Фан, 2005. – Б. 239.

*ортиқроқ йиртган “ёши каттароқ, турмуш тажрибаси кўпроқ” чоригини судрамоқ “зўрға-зўрға, амал-тақал қилиб яшамоқ”, пайтавасига қурт тушиди “хотиржамлиги бузилиб, бир ерда тинч тура олмаслик”, кўрпасига қараб оёқ узатмоқ “имкониятини ҳисобга олиб иш тутмоқ”, човлисини солмоқ “аралашмоқ”, турк тилида Алиънин кйлаҳини Велиъе Велиънин кйлаҳини Алиъе гийдирмек “пули бўлмагани ҳолда, бировдан олган пулни бошқасига, бошқасидан олганини яна бошқа бировга бериб кун кўрмоқ”, Бир дон бир гёмлек “ярим яланғоч ҳолда” иборалари шулар жумласидандир.*

Истеъмол қилинадиган таом номлари мавжуд бўлган фразеологик бирликлар ҳам кўп ҳолларда миллий хусусиятга эга бўлади. Агар гап истеъмол қилинадиган таом турлари ҳақида кетадиган бўлса, биринчи навбатда, бундай таомлар тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳалол ёки ҳаромлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бундай бирликларнинг образлилиги жорий этилган тақиқ асосида яратилади. Тақиқланган маҳсулот номи эса ифоданинг миллий хусусиятини ташкил этади. Масалан, бақа гўшти франсузларнинг энг лаззатли таоми ҳисобланса, хитойликларда бундай фазилат илон гўшти зиммасига тушади. Қадимда руслар от гўштини емаган бўлсалар, ҳақиқий мусулмон чўчка гўштини истеъмол қилмайди. Мол гўшти дунёнинг деярли барча халқлари учун истеъмолбоп бўлгани ҳолда, уни ҳиндлар емайдилар, чунки сигир уларнинг тасаввурида муқаддас саналади. Шунинг учун ҳам Л. Н. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романида Кутузов княз Андрейга: «И франсузи... вер моему слову, будут у меня лошадиное мясо ест! — ВМ, ИИИ, 171 // Менга ишон, франсузларга ҳам от гўшти егизамиз! - УТ, ИИИ, 200 деган экан, унинг нутқидаги “Ест лошадиное мясо” бирлиги “жазоланмоқ” маъносини англатадики, мазкур тушунча сўзма-сўз ўгириш натижасида таржимада ўз аксини топмаган. Ўзбекча матнда кўркитиш маъно белгиси йўқолган, чунки от гўштининг истеъмол қилинишига турк халқларида ҳеч қандай тақиқ жорий қилинмаган<sup>130</sup>.

Айрим фразеологизмлар таркибида келадиган мусиқавий асбоб номлари ҳам ибораларга миллий руҳ бағишлайди. Масалан, ўзбек тилида “рўёбга чиқиши аниқ бўлмаган нарса ҳақида ҳовлиқмалик билан вақтидан олдин гапирмоқ” маъносида *тўйдан илгари ногора қоқмоқ* фраземаси қўлланилади. Ёки рус тилида “биронинг кўрсатмаси билан бирор иш қилмоқ” маъносининг образли ифодаси учун *плясат под чю-либо дудку* фразеологизмидан фойдаланилади. Уни ўзбек тилида *биронинг ногорасига ўйнамоқ* шаклида бериш мумкин.

Фразеологизмларнинг шаклланишида бирон бир маҳаллий ҳунармандчилик ёки саноатнинг ҳам муайян таъсири кузатилади. Жумладан, Россиядаги Тула шаҳри ўзининг самоварлари, инглиз шаҳри Нюкастл эса кўмир саноати билан машҳурдир. Бу каби хусусиятлар *ездит в Тулу со своим самоваром* ёки *то саррй соалс то Невсастле* сингари фразеологик бирликларни юзага чиқарган.

Бирон тилнинг ўзигагина хос бўлган ҳисоб сўзлари қолипнинг фразеологизмларга кўчганини кўриш мумкин. Масалан, “жуда қисқа, жуда оз вақт давом этадиган” маъносидаги *бир тутам* (*Бир тутам* қиш кунини Гулнор учун битмас-тугамас узоқ кўринди), “қиттак, озгина” маъносидаги *бир чимдим* (*Ҳазил-хузул, бир чимдим* суҳбатдан сўнг Мирхайдар ва Ўқтам пахта даласига йўл олдилар), “жиндак, қиттак, жуда оз” маъносидаги *бир шингил* (*Қани, шунақа бемаза ҳазилдан бир шингил* ашула яхши), “жуда ёш, деярли гўдак” маъносидаги *бир қарич* (*Бир қаричлигимдан* етим қолиб, амакининг хизматида ўтиб кетганман). Турк тилида ҳам куйидаги фразеологизмларни кузатиш мумкин: Суат даҳа ҳок генҳ ве *акли бир қарй ҳавададир* (ўйламасдан ҳаёлига келганини қиладиган); Факат крал ҳазретлери бйгүн гесе Феҳафеҳъи коваламактан *дили бир қарй дйҳарда* солуюп дуруёр (чопишдан, юришдан ёки чанқаш туфайли жуда чарчамок); Затен санім бурнумда бир де капйй бййле *беҳ қарй суратла* аҳарсан... (хафа, қовоғи солинган).

Хуллас, фразеологизмлар дунё, обектив борлиқ ва жамият ҳақида маданий информация ташувчи лингвوماданий бирлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фразеологик

<sup>130</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Дарслик. –Тошкент: Фан, 2005. – Б. 243.

бирликлар ўзида халқ менталитети ва маданиятини сақловчи “ҳикматлар хазинаси” бўлиб, улар авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирилади.

Ўзбек тилининг фразеологик бойлиги ҳалигача тўлиқ тўпланмаган. Фразеологизмлар лингвомаданий жиҳатдан ўрганилмаган. Шунинг учун фразеологик бирликларни йиғиш, таснифлаш, лингвомаданий нуқтаи назардан тадқиқ этиш, уларни ўзга маданият иборалари билан қиёсий ўрганиш бугунги ўзбек тилшунослигининг кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалаларидан биридир.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Тилнинг фразеологик фонди қандай маълумотлар манбайи саналади?
2. Фразеологизмларда нималар ҳақидаги тасаввурлари мужассамлашган бўлади?
3. Рус тилшуноси Б. А. Лариннинг фикрича, фразеологизмлар нимани билвосита акс эттиради?
4. Урф-одатлар, анъаналар ва иримлар таъсирида шаклланган фразеологизмларга мисоллар келтиринг.
5. Таркибида диний-мифологик шахс номлари учраган фразеологизмларга мисоллар келтиринг.
6. Миллий реалияларни ифодаловчи фразеологизмларга мисоллар келтиринг.
7. “Лакуна” термини илк бор ким томонидан илмий муомалага киритилди?
8. Лакунага таъриф беринг.
9. Лакуналар қандай аниқланади?
10. Қандай ҳодисалар ижтимоий-маданий лакуналарни келтириб чиқаради?
11. Субъектив ёки миллий-психологик лакуналар қандай юзага келади?
12. Нима учун инсон тили “рамзлар тили” дейилади?
13. Турли лингвомаданиятларда “от” рамзи қандай маъноларни ифодалайди?
14. Дунё маданиятида “ҳаёт дарахти” қандай тасаввур қилинади?
15. Энг мураккаб ва универсал ҳайвон тимсолига мисол келтиринг.
16. Немис стереотипини тавсифланг.
17. В.А.Маслованинг фикрича, стереотиплар қандай бўлади?
18. Стереотиплар юзага келишининг сабабларини кўрсатинг.
19. Лингвомаданиятларда ўхшатишлар қандай ўрин тутади?
20. Лингвомаданиятларнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини акс эттирган ўхшатишларга мисоллар келтиринг.
21. Инсоннинг нутқий фаолияти туғмаи ёки кейин шаклланганми?
22. И.Гердер инсон фаолиятидаги қайси ҳодисаларни асосий, деб ҳисоблаган?
23. В.фон Гумбольдтнинг таълимотида тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати қандай ёритилган?
24. Э. Сепирнинг фикрича, маданият нима?
25. Э.Сепирга кўра, тил олдин пайдо бўлганми ёки маданият?
26. Тил ва маданиятнинг фарқини Э. Сепир қандай изоҳлаган?
27. Э.Сепир ва Б.Уорфнинг гипотезасида қайси асосий масалалар ажратилади?
28. Ўзбек тилшунослигида тил ва маданият тушунчалари қандай изоҳланади?
29. “Оламнинг манзараси” тушунчаси нима асосида яратилади?
30. М. Хайдеггернинг фикрича, олам манзараси нимани ифодалайди?

#### **Адабиётлар:**

1. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. - М.: Гнозис, 2003. - 288 с.
2. Жинкин Н. И. Язык. Речь. Творчество. — М.: Лабиринт, 1998.
3. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001. -208с.
4. Фурманова В. П. Межкультурная коммуникация в теории и практике преподавания иностранных языков в вузе. - Саранск, 2009. -164 с.

## ГЛОССАРИЙ

**АНТРОПОЦЕНТРИК ПАРАДИГМА** – тадқиқотчилар қизиқишларининг объектдан субектга ўзгариши, йўналтирилиши, яъни инсоннинг тилда, тилнинг эса инсонда таҳлил қилиниши. Бунда асосий эътибор нутқий фаолият бажарувчиси, яъни нутқ тузувчи ва уни идрок этувчи тил эгасига қаратилади. Антропоцентрик парадигма нуқтаи назаридан инсон дунёни ўзини билиш, ўзининг назарий ва амалий фаолияти орқали танийди. Замоनावий тилшунослиқда тил тизимини антропоцентрик нуқтаи назардан ўрганиш, асосан, лингвистик семантика, когнитив тилшунослик, психолингвистика, прагмалингвистика ҳамда лингвомаданиятшунослиқга оид тадқиқотларда амалга оширилади.

**АРХЕТИП** – индивидлар онгида пайдо бўладиган ва маданиятда тарқаладиган турғун образ. Архетипларда шахсий тажриба оқибатида эмас, балки аждодлардан мерос қилиб олинган “коллектив ғайриихтиёрийлик” ифодаланади.

**ДИСФЕМИЗМ** – сўзловчининг тингловчига ёки бирор предметга нисбатан масхара, истехзоли, илтифотсиз қарашини билдиради. Дисфемизм ифодага салбий ёндашувни юзага келтириш мақсади билан амалга оширилади.

**ГЕШТАЛТ** – немисча сўз бўлиб, у “образ, тузилма, яхлит шакл” маъноларини англатади. Гешталт яхлит образ ҳисобланади, яъни бирон бир объектни бутунича идрок қилиниши гешталт, деб тушунилади. Гешталтлар концептуал боғланишлар бўлиб, улар инсон психикасининг ботинига тегишли бўлган ва табиий тилнинг категориялари доирасидан ташқарида ётган универсал тасаввурлар моҳиятидир.

**КОНЦЕПТ** – лотин тилидаги сонсептус «тушунча» сўзининг калкасидир. Рус тилшунослигида *концепт* тушунчаси XX асрнинг биринчи чорагида файласуф С. Асколдов томонидан илмий муомалага киритилади. Ушбу термин тилшунослиқда ўтган асрнинг 80-йилларига қадар *тушунча* сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса, бугунги кунга келиб унинг изохи *тушунча* терминига нисбатан кенгайганини кўриш мумкин. Концепт икки томонли хусусиятга эгадир. Бир томондан, маданият концепт кўринишида инсоннинг ментал дунёсига кирса, бошқа томондан, инсон концепт ёрдамида маданиятга киради ва баъзан унга таъсир кўрсатади. Концептнинг когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, шунингдек, адабиётшунослик фанларидаги изохи ўзаро фарқланади. Концепт лингвомаданий бирлик сифатида у ёки бу халқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди.

**ЛАКУНА** (лот. ласуна “бўшлиқ, чуқурлик, чўнқир жой”; франс. ласуне “бўшлиқ, бўш жой”) – бирон халқнинг маиший, маданий, ижтимоий ва тарихий ҳаёти учун характерли ва бошқа халқ учун бегона бўлган, бошқа тилда аниқ муқобили бўлмаган сўз ва сўз бирикмалари. Лакуналар қиёсланаётган тилларда ўхшаши бўлмаган сўзлар бўлиб, улар, асосан, тилларнинг қиёсида сезилади.

**ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИК** (лот. лингуа “тил”; султус “ҳурмат қилиш, таъзим қилиш”; юнон. “илм, фан”) – маданиятшунослик ва тилшунослик кесишган нуқтада шаклланган тил тадқиқининг янги соҳаси. Лингвомаданиятшунослик маданият ва тилнинг ўзаро алоқасини, ўзаро таъсирини, тилда ўз аксини топган халқ маданиятининг кўринишларини тадқиқ этади. Лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келган. Лингвомаданиятшунослик этнолингвистика, социоллингвистика лингвомамлакатшунослик ва этнопсихоллингвистика билан чамбарчас алоқададир. Лингвомаданиятшуносликнинг *обекти* – маданият ва тилнинг ўзаро алоқаси, ўзаро таъсирини бир бутунликда тадқиқ қилишдир. Лингвомаданиятшуносликнинг *предмети* – маданиятда рамзий, образли, метафорик маъно касб этган ва натижалари инсон онгида умумлаштирилиб миф, афсона, фолклор ва диний дискурсларда, поетик ва прозаик бадиий матнларда, фразеологизмларда, метафораларда ва рамзларда акс этадиган тил бирликлари саналади.

**ЛИНГВОМАДАНИЙ КОНЦЕПТ** – этномаданий хусусиятга эга бўлган ва борлик ҳақидаги функционал аҳамиятга молик информацияни узатадиган маданиятнинг асосий

бирлигидир. У маданий универсалияларни ифодалайди. Лингвомаданий концепт тафаккурда мавжуд бўлади, у ўзида когнитив-рационал ва эмоционал-психологик мазмунни бириктиради. Лингвомаданий концепт барча тил эгалари учун дунёқараш модели вазифасини ўтайди. Лингвомаданий концепт миллий характернинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи маданият воситаси ҳисобланади.

**ЛИНГВОМАДАНИЙ ПАРАДИГМА** – бу дунёқарашнинг этник, ижтимоий, тарихий, илмий ва ҳ.к. ўзаро алоқадорликдаги категорияларини акс эттирадиган тил шаклларидаги мажмуи.

**ЛИНГВОМАМЛАКАТШУНОСЛИК** – тилда ўз аксини топган миллий реалияларни ўрганати. Миллий реалиялар муқобилсиз тил бирликлари бўлиб, улар мажмуи маданиятга хос бўлган ҳодисаларни ифодалайди.

**МАДАНИЙ АНЪАНА** – жамиятда тўпланадиган ва қайта тикланадиган ижтимоий стереотиплашган гуруҳлар тажрибасини ифодаладиган интеграл ҳодиса. Маданий анъаналар – ижтимоий ва маданий мероснинг қимматли унсурлари мажмуи.

**МАДАНИЙ КОННОТАЦИЯ** – маданият категорияларидаги денотатив ёки мажозий-мотивлашган маъно жиҳатларининг талқини. Маданий коннотация тил белгисидаги маданият даражасининг кўрсаткичини ифодалайди.

**МАДАНИЙ МАКОН** – маданият вакиллари онгидаги маданиятнинг мавжуд бўлиш шакллари.

**МАДАНИЙ МЕРОС** – маданият учун аҳамиятли бўлган маданий бойликларни, информацияларнинг берилиши.

**МАДАНИЙ СЕМА** – сўзга нисбатан кичикроқ ва универсалроқ бўлган семантик бирликлар, семантик белгилар. Масалан, *палов*, *дўппи*, *ўчоқ* сўзларидаги қуйидаги маданий семаларни ажратиш мумкин: *палов* – гуруч, сабзи, гўшт, пиёз ва ёғ солиб тайёрланадиган ўзбек миллий таоми; *дўппи* – авра-астарли, кўпинча қавима, пилта урилган тўғарак ёки тўртбурчак шаклдаги ўзбекларнинг миллий бош кийими; *ўчоқ* – ичига ўт ёқиладиган, овқат пишириш учун устига қозон ўрнатиладиган қурилма.

**МАДАНИЙ ФОН** – ижтимоий ҳаёт ва тарихий ҳодисаларни ифодаладиган номинатив бирликларнинг (сўзлар ва фразеологизмларнинг) тавсифи. Масалан, *Даққиюнусдан қолган / Одам атодан қолган* “жуда эски, қадимги”, *жамалак ўртоқ* “болалиқдаги дугона”, *қизил* (Октябр инқилоби, шўро тузуми, армиясига оидликни билдирадиган сўз сифатида қўлланган).

**МАДАНИЯТ** – муайян халққа хос бўлган борлиқдаги ҳаёт ва фаолият, шунингдек, инсонлар орасидаги ўзаро муносабат (урф-одатлар, расм-русумлар, мулоқот хусусиятлари) ва дунёни кўриш, тушуниш ва яратиш усуллари. “Маданият” тушунчаси муайян тарихий давр (антик маданият), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек маданияти), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (масалан, меҳнат маданияти, бадиий маданият, турмуш маданияти)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода “маданият” термини кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади. Маданият – меъёрлар, қадриятлар, идеаллар, намуналарнинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари тизимида асосланган субектлар фаолиятининг барча шакллари мажмуи, у бошқа маданиятлар билан ўзаро алоқада яшайдиган жамоанинг мерос қилиб олган хотираси.

**МАДАНИЯТЛИЛИК** – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида жамиятнинг моддий ва ижтимоий неъматлар мажмуида эга бўлиши.

**МАДАНИЯТ ТИЛИ** – мавжуд бўлган ёки қайтадан ҳосил бўлган тасаввурлар, тушунчалар, образлар ва бошқа маъновий конструкциялар тузилишининг белгилар ва уларнинг муносабатлари тизими воситасида шаклланиши.

**МАДАНИЯТШУНОСЛИК** (маданиятшунослик) – инсонни ижтимоий ва маданий ҳаётидаги унинг табиат, жамият, тарих, санъат ва бошқа соҳаларга кўра ўзини ўзи англашини тадқиқ этади.

**МЕНТАЛИТЕТ** (нем. менталитät < лот. менс, ментис – ақл, идрок) – жамият,

миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қуввати. Менталитет – халқ менталлигини, унинг ақлий ва руҳий қувватининг ички тузилишини ва дифференциациясини акс эттирадиган категория. Менталитетлар турли масштаблардаги лингвомаданий жамоаларнинг психолингво-интеллектларини намоён қилади. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.

**МЕНТАЛЛИК** – миллий характернинг интеллектуал, маънавий ва ирода хусусиятларини ўзида бирлаштирадиган, она тили категориялари ва шаклларидаги дунёқарашнинг кўриниши. Менталликнинг бирлиги мазкур маданиятнинг концепти ҳисобланади.

**МЕТАФОРА** (юн. метафора - кўчириш) – ҳосила маъно юзага келиши, у бирон предмет номини бошқа предметга ўхшашлигини эътиборга олиб кўчиришдир. Метафора – ўхшатишнинг қисқарган шакли. Метафора нафақат қисқарган ўхшатиш, шу билан бирга, қисқарган қарама-қаршилик ҳамдир. Метафора тилдаги универсал ҳодиса бўлиб, унинг универсаллиги маконда ва замонда, тил структурасида ҳамда унинг вазифаларида намоён бўлади. Метафора ўзида фундаментал маданий қадриятларни акс эттиради.

**МИФОЛОГИЯЛАШТИРИЛГАН ТИЛ БИРЛИКЛАРИ** – архетиплар ва мифологемалар, удумлар ва ривоятлар, таомиллар ва урф-одатлар.

**МИФОЛОГЕМА** – мифнинг “бош қаҳрамони”, унинг муҳим персонажи ёки вазияти.

**МУҚОБИЛСИЗ ЛЕКСИКА** – ҳар қандай тил ёки диалектда бошқа тилга бир сўз билан таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар. Муқобилсиз лексика муайян халқ маданиятига хос ҳодисаларни акс эттиради. У кўпинча маҳаллий халққа хос пул, масофа-узунлик бирликлари, рўзғор ашёлари, кийим-кечак, егулик-ичкилик ва ҳ.к. тушунчаларни англатадиган сўзлардан таркиб топади.

**НУТҚ ЭТИКЕТИ** – инсонларнинг расмий ва норасмий вазиятлардаги ўзаро мулоқотида уларнинг ижтимоий ва психологик ролига мос равишда амал қилинадиган ижтимоий ва маданий ўзига хос нутқий муомала қодалари. Нутқ этикети – бу “ижтимоий силликланган” ҳудуд, мулоқотнинг миллий-маданий компоненти.

**ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ** – лисоний шаклларда муҳрланган инсоннинг олам ҳақидаги билимлари мажмуи. Яъни оламнинг лисоний манзараси лексика, фразеология ва грамматикада муҳрланган олам ҳақидаги билимлар мажмуасидир. Оламнинг лисоний манзараси инсонни оламга (табиатга, ҳайвонларга, ўз-ўзига) бўлган муносабатини шакллантиради. Оламнинг лисоний манзараси инсоннинг турли олам манзараларини изоҳлайди ва умумий олам манзарасини акс эттиради. Оламнинг лисоний манзараси турфа ранглар, хусусан, мифологемалар, образли метафорик сўзлар, ўхшатишлар, коннотатив сўзлар, стереотиплар, рамзлар ва ҳ.к. воситасида яратилади.

**ОЛАМНИНГ МАНЗАРАСИ** – инсон ва муҳит ҳақидаги маълумотни қайта ишлаш натижаси, оламни манзарадек тушуниш. Олам манзараси макон, замон, миқдор ва ҳ.к. ўлчовлар воситасида тасаввур этилиши мумкин. Унинг шаклланишига тил, анъаналар, табиат ва ландшафт, таълим ва тарбия ва бошқа ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади.

**ПАРАДИГМА** – ўз тадқиқот фаолиятига ва объектига эга бўлган, муштарак илмий ва фалсафий ғоялар билан бирлашган у ёки бу илмий ёки фалсафий ҳамжамиятлар томонидан қўлланиладиган ўзига хос методлар ва усуллар йиғиндиси.

**РАМЗ** – ташқи дунёнинг турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳидаги акси. Рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади. Агарда оддий белги инсонга маъноларнинг предметлар оламига кириш имкониятини берса, рамз маъновий муносабатларнинг предметлар мавжуд бўлмаган оламига кириш имкониятини беради. Рамз инсоннинг англаб бўлмайдиган ботиний томонига мурожаат қилади. Рамзни ўз предмети билан алоқасини йўқотган маъно

сифатида тасаввур қилиш мумкин. Ижтимоий мулоқот тизимида муайян обектлар, масалан, предмет, ҳаракат, ҳодиса, матн, тасвир, ҳайвон, ўсимлик, ранг, рақам ва ҳ.к. рамз бўлиб хизмат қилади. Рамзлар моддий (буюм, предмет), тушунчавий, сўзли, тасвирий ва овозли бўлиши мумкин.

**СОЦИОЛИНГВИСТИКА** – тилшуносликнинг тилни ва унинг мавжуд бўлган ижтимоий шароитлар билан боғлиқлигини ўрганадиган соҳаси. Ижтимоий шароитлар деганда, амалдаги тил ривожланаётган ташқи шарт-шароитлар мажмуи: мазкур тилдан фойдаланаётган кишилар жамияти, бу жамиятнинг ижтимоий структураси, тил эгаларининг ёши, ижтимоий мавқеи, маданият ва билим даражаси, яшаш жойи орасидаги фарқлари, шунингдек, уларнинг мулоқот вазиятига боғлиқ нутқий муомаласидаги фарқлар тушунилади. Демак, социоллингвистика тилнинг жамият ҳаётидаги роли, унинг ижтимоий табиати, ижтимоий функциялари, ижтимоий омилларнинг тилга бўлган таъсир механизми билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган тилшунослик соҳасидир.

**СТЕРЕОТИП** – муайян гуруҳ ёки жамоанинг соддалашган, схемалашган, эмоционал бўёқдор ва фавқулудда барқарор бўлган образи, турли маданият вакиллари тили ва тафаккурининг ўзига хослиги. Ҳар қандай шахс муайян маданиятлар билан боғланган стереотиплар оламида яшайди. Стереотиплар ижтимоий стереотиплар, мулоқот стереотиплари, ментал стереотиплар, маданий стереотиплар, этномаданий стереотиплар ва ҳ.к. га ажратилади. Масалан, ижтимоий стереотиплар шахснинг тафаккури ва муомаласини кўрсатади. Этномаданий стереотиплар бирон бир халққа хос бўлган умумий хусусиятларни ифодалайди. Масалан, ўзбеклар меҳмондўстлиги, руслар таваккалчилиги, қозоқлар қайсарлиги, турклар ҳиссиётлилиги, хитойликлар сертақаллуфлиги, японлар хушмуомалалиги, италянлар қизиққонлиги, эстонлар сусткашлиги, немислар тартибга аниқ риоя қилиши билан бутун халқ ҳақидаги стереотип тасаввурларни юзага чиқарган.

**СУБМАДАНИЯТ** – иккинчи даражали, тобе маданият тизими (масалан, ёшлар субмаданияти ва ҳ.к.).

**ТАБУ** – ё диний, ё ирим, ё нохушлик уйғотиши нуқтаи назаридан тақиқлаш. *Табу* сўзи тонга тилидаги < *тапу* < *та* – “белгиламоқ”, “ажратмоқ” ва *пу* – “бутунлай” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “бутунлай ажратилган”, “алоҳида белгиланган”, яъни “ман этмоқ, тақиқламоқ” маъносини англатади. Табулар иккига: *этнографик ва лингвистик* табуларга ажралади. Масалан, супургини, ўқловни тик қўймаслик, бировнинг орқасидан супурмаслик, ахлатдан хатламаслик, қайчини очиб қўймаслик, қалампирни қўлга бермаслик кабилар иримга асосланган этнографик табулар ҳисобланади. Лингвистик табу луғавий бирликнинг ё халқ ирими нуқтаи назаридан, ё аташ нохушлик уйғотиши нуқтаи назаридан муомалада қўлланишининг тақиқланишидир. Масалан, ўзбек тилида *чаён* сўзи тилга олинмайди. Чунки уни аташ чақириш маъносини беради, деб тушунилади.

**ТАМАДДУН** (“цивилизация” < лот. сивилис – фуқаро) термини ХВИИ асрда вужудга келган. Ҳар бир маданиятнинг ўлими бўлган ўз тамаддуни мавжуд. Тамаддун ҳар қандай ижтимоий-маданий дунё ривожланишининг охирги босқичидир. Маданият миллий, тамаддун халқародир. Инглиз-америка анъаналарида ҳар қандай алоҳида ижтимоий-маданий дунё цивилизациядир. Маданият янгини яратади, тамаддун фақат маълум нарсани тарқатади.

**ФРАЗЕОЛОГИЗМ** – турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури бўлиб, тил эгасининг дунёни, ҳодисаларни ўзига хос кўришини намоён этади. Фразеологизмлар ҳар доим халқ дунёқараши, жамият тузилиши ва ўз даврининг мафқурасини билвосита акс эттиради. Ҳар бир тилнинг фразеологизмларида халқ ҳаётига мансуб ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар, ахлоқий ва маънавий-маданий меъёрлар, диний тасаввурлар, миллий анъана ва урф-одатлар, маданий стереотиплар ва архителлар ўз аксини топган бўлиб, улар авлоддан-авлодга узатилади.

**ЭТНОЛИНГВИСТИКА** – тилнинг жамият ижтимоий структураси ёки халқнинг

маданияти, анъаналари, урф-одатлари билан алоқасини ўрганадиган йўналиши. Замоनावий этнолингвистиканинг марказида тилнинг лексик тизимидаги фақат муайян моддий ва маданий-тарихий мажмуалар: маданият шакллари, урф-одатлар, удумлар билан ўзаро муносабатдаги элементлари бўлади. Мазкур йўналишни икки алоҳида тармоққа ажратиш мумкин: 1) *этник ҳудудларни тилга кўра реконструкция қилиш*; 2) *халқнинг моддий ва маънавий маданиятини тил маълумотларига кўра реконструкция қилиш*. Этник ўзига хосликлар, жумладан, турли вазиятларда кишилар қандай ишлашади, қандай дам олишади, қандай овқатланишади, қандай гаплашишади ва ҳ.к. ҳар жойда намоён бўлади.

**ЭТНОПСИХОЛИНГВИСТИКА** – нутқий фаолиятда муайян анъаналар билан боғлиқ бўлган муомала элементларининг қандай пайдо бўлишини, турли тил эгаларининг вербал ва новербал мулоқотидаги фарқларни ўрганади. Нутқий этикет ва “дунёнинг рангли манзараси”ни, турли халқлардаги икки тиллилик ва кўп тиллилик ҳодисаларини тадқиқ этади.

**ЭВФЕМИЗМ** (юн. эупхемисмос < эу – яхши + пхеми – гапираман) – нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; кўпол беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол бўтмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Масалан, *иккиқат*, *бўғоз* сўзлари ўрнида *ҳомилдор*, *оғир оёқли* сўзларини қўллаш. Ёки *чаён* сўзи табуга учраган, қўлланиши ман қилинган бўлиб, унинг маъноси *эшак* сўзида ифода топган.

**ЎХШАТИШЛАР** – ҳар бир халқнинг лингвوماданий бойлиги бўлиб, улар миллий дунёқараш, дунёдаги предмет, ҳодиса ва ҳаракатларни миллий тасаввурларга кўра таққослаш, қиёслашдир. Ўхшатишлар муайян халқнинг илк тафаккур тарзини ва тасаввурларини тамсил этади. Ўхшатишларнинг икки тури: эркин ўхшатишлар ва турғун ўхшатишлар фарқланади. Эркин ўхшатишлар муаллифнинг ўзига хос оригинал ўхшатишларидир. Турғун ўхшатишларда ўхшатиш эталонида ифодаланган образ барқарорлашган бўлади. Улар тилда тайёр бирликлар каби нутққа олиб кирилади.